

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

O‘ZBEK TILI TARIXI
(O‘zbek morfologiyasi taraqqiyoti)

O‘QUV QO‘LLANMA

Гулистон – 2022

O‘quv qo‘llanmada o‘zbek tilshunosligining zamonaviy fan yo‘nalishi darajasida shakllanishi va rivojlanishining bosqichida asosiy sathlardan biri bo‘lgan zamonaviy o‘zbek morfologiyasining taraqqiyot bosqichlari haqida ma’lumotlar berilgan.

O‘zbek tilshunosligining morfologiya bo‘limi bo‘yicha yuzlab tilshunoslar ilmiy tadqiqot ishlarini olib borganlar. XX asrning 40–50-yillarida A.G‘ulomov, V.Reshetov, M.Asqarova, G‘.Abdurahmonov, F.Abdullaev, S.Usmonov, Sh.Rahmatullaev, A.Kononovlar faoliyatlarida o‘zbek ilmiy morfologiyasida grammatik kategoriyalar talqiniga doir fikrlarni dolzarb masala sifatida talqin qilganlar. 1940–80-yillar yana ko‘plab taniqli tilshunoslarning hozirgi o‘zbek adabiy tilining eng murakkab va dolzarb muammolariga bag‘ishlangan tadqiqotlari o‘zbek tilshunosligining kelajagini belgilab berishga xizmat qildi.

O‘quv qo‘llanma oliy o‘quv yurtlarining 60230100-Filologiya va tillarni o‘qitish: o‘zbek tili, 60111400-O‘zbek tili va adabiyoti bakalavriyat ta’lim yo‘nalishlarida o‘qitilayotgan “O‘zbek tilshunosligi tarixi” fanining o‘quv dasturiga muvofiq yaratilgan. Undan bakalavriyat ta’lim yo‘nalishi talabalari, magistrantlar hamda mazkur davr tilshunosligi bo‘yicha izlanishlar olib borayotgan tadqiqotchilar foydalanishi mumkin.

Mas’ul muharrir

Bahtiyor Mengliyev, *filologiya fanlari doktori, professor*

Taqrizchilar

Sulton Normamatov
Azamat Pardayev

filologiya fanlari doktori, professor
filologiya fanlari doktori, professor

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммолари билан шуғулланаётган тилшунослик соҳалари жадал ривожланмоқда. Асримиз бошида шаклланиб, ҳозирги кунда тезкор тараққиёт босқичида бўлган амалий морфология соҳаси бунинг ёрқин исботидир. Зотан, тилларнинг типологик ўзига хосликлари кўпроқ унинг морфологик имкониятлари ва хусусиятларида намоён бўлади. Бу бугунги кун талаби билан юзага келган агглютинатив тиллар бўйича морфологик шакллар луғатларининг электрон базаларини яратиш тобора кўпайиб, қамров доираси кенгайиб бораётганида ўз ифодасини топган ва сунъий интеллект тилини яратишнинг асосини ташкил этади. Жаҳон тиллари бўйича яратилган кўплаб морфологик луғатлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Гап шундаки, айнан шундай луғатлар бугунги кун ўзбек тилшунослигининг ижобий ҳал этилиши зарур бўлган асосий ва энг долзарб муаммоси флектив (масалан, инглиз ва рус) тиллар бўйича ўнлаб морфологик луғатларнинг ишлаб чиқилганлиги табиий тилларни сунъий интеллект учун моделлаштириш борасида ўрнатилган олса арзийдиган ишлар амалга оширилганлигидан далолатдир. Ривожланган тилларнинг морфологик луғатлари асосида яратилаётган электрон базаларнинг қамрови ва кўлами мазкур моделларнинг ишга тушиш жараёнида қанчалар зарурлиги яққол кўзга ташланмоқда. Умуман олганда, XXI аср амалий тилшунослиги тадқиқотлари сирасида морфологик базалар салмоқли ўрин эгаллаб бораётир. Бу борадаги ишларни янада авж олдириш, уларга барқарор тараққиёт тусини бериш, мақсадга мувофиқ давом эттириш ўзбек замонавий морфологик назариясининг шаклланиши, тараққиёт тенденциялари ва истиқболларини белгилашни тақозо қилади. Ушбу диссертация иши ана шу кенг кўламли ва долзарб масалани ижобий ҳал қилишга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун, шубҳасиз, бу борада, жаҳон тилшунослигида олиб борилаётган ишлар, ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Ривожланган Америка, Европа, рус тилшуносликлари морфология соҳасида ҳам неча асрлардан буён етакчилик қилаётгани сир

эмас. Ўзбек тилшунослигининг кечаги, ундан аввалги ва ҳозирги тараққий босқичини жаҳон тилшунослиги, айниқса, рус тилшунослиги таъсирисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбек тилшунослиги тарихи мураккаб тарихий даврларни ўз бошидан кечирдики, унинг ривожланиш босқичларини белгилаш ва ҳар бир давр босқичини кенг кўламда тадқиқ етиш фан олдида турган долзарб масала ҳисобланади. Бу соҳада профессор А.Нурмонов томонидан яратилган “Ўзбек тилшунослиги тарихи” (Тошкент, 2002) ўқув-қўлланмаси дастлабки ва мукамал иш сифатида ўтмиш тилшунослигимиз ва ҳозирги тараққий етган тилшунослигимиз ҳақида умумий маълумот берувчи асосий манба сифатида ҳозирга қадар олий таълим муассасалари учун хизмат қилиб келмоқда. Мазкур манбада илк бор ўзбек тил билими даврлаштирилди. Тўғри, қўлланмада муаллиф даврлаштириш тамойилларига тўхталмаган, лекин китобнинг мундарижаси уни яққол кўрсатиб турибди. А.Нурмонов асар мундарижасида XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги ўзбек тилшунослигини енг салоҳиятлик давр сифатида “Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиш ва ривожланиш даври” деб номлайди. Албатта, бу давр ўзбек тилшунослигининг замонавий фан йўналиши даражасида шаклланиши ва ривожланишининг илк саҳифаси сифатида тарихда қолган ва мазкур давр анча баҳс-мунозараларга ҳам бой бўлган. Айниқса, аср бошидаги сиёсий вазият унда ўз изларини қолдирди. Ўзбек тилшунослиги бўйича бу даврда амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти сиёсат ва давр мафкураси туфайли “ёпиқ ешиклар”да сақланди, айримларидан кейинчалик танқидий фойдаланишга рухсат етилди, холос. Миллий истиқлол сиёсийлашган ва мафкуравийлашган яқин ўтмиш даври ижтимоий фанлари қатори, ўзбек тилшунослигининг ҳам мазкур давр натижаларини ҳар томонлама холис баҳолаш имконини яратди.

Дунё тилшунослигида XXI асрга келиб тилнинг барча жабҳалари, жумладан, морфологияни ўрганиш борасида бир қанча сезиларли назарий ўзгаришлар амалга оширилгани кўзга ташланади. Хусусан, морфологик

тадқиқотларда анъанавий фактографик ёндашувлардан структур тадқиқотларга ўтилганлиги, назарий морфологияда лисон ва нутқнинг фарқланиши, янгича асос такомиллаштирилгани морфологик лисоний система ва муносабатларнинг шу чоққача кузатилмаган қирралари очилаётганлиги, инвариант ва вариант; маъно ва шаклларнинг морфологик категориялар мисолида изчил ажратилиши, умумий грамматик маъно ва хусусий грамматик маънолар талқинининг турли тилшунослик оқимларида муштараклик касб этиб бораётганлиги, тил морфологик имманент имкониятларининг нутқий воқеланиши ва унда барқарор (статик) ҳамда ўзгарувчан (динамик) ҳолатларнинг белгиланиши, шунингдек, бундай сабабларининг аниқланаётганлиги юқорида зикр этилган амалий қўлланишга кириб келаётган морфологик базаларни шакллантиришда ишончли назарий асос вазифасини ўтамоқда. Назарий ва амалий уйғунлиги ўз кучини кўрсатмоқда.

Ўзбек тилшунослигида XXI аср биринчи чорагидаги энг муҳим ютуқ морфологик шакллар луғатларининг яратилаётганлигидир. Зотан, барча сўз туркумлари, сўзларнинг диалектал вариантлари, услубий кўринишлари бўйича морфологик шакллар луғатининг яратилиши натижасидагина ҳозирги давр учун жуда муҳим бўлган ўзбек тилини сунъий инлелект учун моделлаштириш имконияти вужудга келади. Бу бир неча босқичдан иборат бўлиб, дастлаб морфологик қонуниятлар очилади, бу қонуниятлар асосида морфологияда умумий ва хусусий жиҳатлар фарқланади. Лисон ва нутқ дихотомиясига асосланган морфологик шакллар луғати юзага келади. Бу эса, пировардида, морфологик анализаторларнинг вужудга келишига замин тайёрлайди. Шундай қилиб, XX аср охири ва XXI аср бошига келиб, худди XIX аср охири XX бошида бўлганидек, барча жабҳалар қатори тилшуносликда ҳам янгича қадамлар ташланди, янгича ёндашув, янгича морфологик асосли замонавий тилшунослик йўналишлари юзага келди. Бу босқичда дастлаб тилшунослик объектларига янгича ёндашув субстанциал йўналишда боришини тақозо этди. Бу таҳлилнинг бош тамойили асосида

тилимиз қурилишини ёритишда лисоний бирликларга умумийлик, моҳият, имконият, сабаб (УМИС) ва уларнинг воқеланиши натижасида ҳосил бўлган нутқий бирликларга алоҳидалик (яккалик), ходиса, воқелик, оқибат (АҲВО) сифатида муносабатда бўлиш кераклиги янада ойдинлашди. Зотан, бу тасодифий бўлган диалектика қонунларининг тилдаги тажаллисидир. Шу йўналишда яратилган тадқиқот натижалари бугунги кунда ижтимоий соҳалар ва ахборот-коммуникация тизимида кучли эҳтиёжга айланаётган ўзбек тили морфологик аналиторини яратиш зарурати кун тартибига қўйилган ҳозирги пайтда ўзбек тили морфологик таълимотини назарий, амалий ютуқларини сарҳисоб қилиш, таснифлаш ҳамда морфологик анализатор учун зарур назарий тилшунослик базасини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Демак, юзага келган лингвистик вазиятнинг ўзи ушбу диссертация ишини амалга оширишни талаб қилмоқда.

І. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ МОРФОЛОГИЯ СОҲАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, МАНБАЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишининг илк даври лингвистик тафаккур таракқиёти кўзгусида

Таянч тушунчалар: туркий тилшунослик, ўзбек тилшунослиги, систем лексикология, лексикани структур тадқиқ этиш, сўзлар этимологияси, диалектал асос.

Ўзбек тилшунослигининг шаклланиши ва таракқиёти, адабиётларда таъкидланганидек, узоқ тарихга эга.¹ «Туркий тилшунослик» номи остида берилган ўзбек тилшунослиги илк даврларда ҳинд ва кейинчалик, асосан, араб тилшунослиги таъсирида шакллана бошлаган. Дастлабки даврларда ўз тадқиқотларини араб тили (ва араб ёзуви)да ёзган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, кейинроқ Саккокий, Ёкут Ҳамавий, Абу Ҳайён ал-Андалусий, Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Туркий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ҳамда ўрта асрлар луғатчилигига катта ҳисса қўшган Алойи бинни Муҳибий, Толи Имоний, Муҳаммад Ризо, Муҳаммад Яъқуб Чингий, Меҳдихон каби қомусий олимлар туркий тилшуносликнинг тамал тошини қўйган, дейиш мумкин. Албатта, бу олимларнинг баъзи асарлари араб тилини ўрганишга бағишланган бўлишидан қатъи назар, туркий тилшуносликнинг шаклланишига ҳам туртки, илмий манба вазифасини ўтаган. Умуман, туркий тилшуносликнинг шаклланиши, манбаларига оид фикрлар хусусида Э.Фозилов, И.Абдуллаев, Х.Жабборов, Ҳ.Ҳасанов ва бошқа олимларнинг алоҳида тадқиқотларида маълум қайдлар мавжуд². Бу ишларда туркий тилшуносликнинг шаклланишига катта ҳисса қўшган қомусий олимлар

¹ O‘rinboev B., Qurbonov T. O‘zbek tilshunosligi tarixi // O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU, 2006. – B. 3; Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 2000. – Б. 3–4.

² Фозилов Э. Шарқнинг машҳур филологлари. – Тошкент: Фан, 1971; Абдуллаев И. Абу Мансур Абдулмалик Ас-Саолибий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Жабборов Х. Буюк тилшунослар. – Тошкент: Насаф, 2003; Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Уздавнашр, 1963.

Маҳмуд Кошғарий, Абу Ҳайён, Жамолиддин Туркий, Абу Мансур ас-Саолибий, Алишер Навоийларнинг тилшунослик мероси, бу борадаги қарашлари баён қилинганлиги сабабли, бу ўринда ана шу олимлар фаолиятига кенг тўхталишни лозим топмаймиз. Зеро, уларнинг тилшунослик мероси эски ўзбек тили даври ҳамда ҳозирги тилшунослик даври шаклланишида пойдевор вазифасини ўтаганлиги, бу асарлардаги қарашлар, айтилган мулоҳазалар XX аср охири ва XXI аср тилшунослигида қайд этилаётган фикрларга ҳамоҳанглиги, уларни тўлдириб турганлиги, баъзи концепциялар ва йўналишларни қайд этганлиги билан ўзига хос аҳамиятига эга. Жумладан, Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Тил қонуни» 30 бобдан иборат эканлиги, ҳар бир боб бир неча фаслга бўлиниб, жами 600 фаслни ташкил этиши, бу фаслларда, бир сўзнинг турли ўринларда ишлатилиши (10 фаслда баён қилинганлиги; бир-бирига мос ва ўхшаш нарсалар ҳақида 5 фаслда фикр баён қилиниши; кейинги қатор бобларда нарсаларнинг исми ва тавсифи (4 фасл), охири ва аввали (3 фасл), кичиги ва каттаси (10 фасл), узун-қисқалиги (4 фасл), мустаҳкамлиги, бўшлиги (5 фасл), қуруқлиги-намлиги (4 фасл), кўп-озлиги, шунингдек, бошқа жиҳатлар ҳақида тўлиқ маълумот берилиши (таомлар, либослар, ичимликлар, идиш-товоқлар, тошлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, уларнинг ички бўлинишлари ва ҳоказолар) ҳайратланарли. Ҳозирги кунда систем лексикология, лексикани структур тадқиқ этиш, мавзуй гуруҳларга ажратиш бўйича қилинаётган ишларга қиёсланса, ана шу кейинги ишларда қайд этилаётган қарашларнинг аксарияти қадимги тадқиқотларда ўз ифодасини топганлиги кузатиладики, бу масалаларга кенг тўхталиш жоиз эмасга ўхшайди. Шунга қарамай, таъкидлаш лозимки, масалан, Берунийнинг “Сайдана” асарини ўрганган олимларнинг кўрсатишича, асарда 29 бобда 1116 мақолада доривор моддаларнинг номи изоҳланади... 4500 дан ортиқ арабча, хоразмча, сўғдча, туркча ва бошқа тиллардаги ўсимлик, ҳайвон, минераллар ва улардан тайёрланадиган доривор номларини тўплайди ва изоҳлайди. Уларни изоҳлаш учун 250 дан ортиқ олимлар асарларидан ихтибослар келтиради. Бу асари

доривор ўсимликлар луғати ҳисобланади. Унда бодранг (бодринг), сайдана, олдмурўд, райҳон каби кўпи таниш бўлган ва бўлмаган сўзлар этимологияси ҳақида ҳам маълумот беради. (Бодранг – кўк рангли, сувли ўсимлик каби) У иджас (ғайноли), олуча, ўрик каби сўзлар этимологиясини беради. Ёки Ибн Сино ўзининг “Китоб-аш шифо”, “Асбоби худуд ал-хуруф” каби асарларида, айниқса, тилшуносликка доир фикрларни баён қилади. У ўзининг “Шифо” китобида инсон фикри сўзларда, яъни тилда ўз ифодасини топади, – деган ғояни илгари суради. Олим сўзларни уч гуруҳга ажратади: исм, феъл ва юклама каби. Исмларга *она, ота, ўғил, тош* каби сўзларни; феълларга *келди, ўтди, ишлади* сўзларини; *аммо, лекин, ва, ҳам, билан* каби сўзларни юкламалар номи билан қайд этади ва ҳоказо.³

Шунингдек, М.Кошғарий “Девони луғатит турк” асарида “сўз ясалиши”, “морфология”га оид ўз қарашларини баён қилар экан, сўз ясалиш тизимида яшашга асос, ясовчи восита, ясалма ҳақида маълумот беради. Ёки: феълнинг ўтган замон шакли ҳамма феълларда *-ди* қўшилиб ясалишини баён қилади.⁴

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш бўйича турли хил фикрлар, қарашлар мавжуд⁵. Баъзилар уч даврга ажратса, баъзилар беш ёки олти даврга ажратиб кўрсатадилар⁶. Ўзбек халқининг тарихи ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда У.Санакулов ўзбек адабий тили тарихини ўзига хос даврлаштиради: қадимги туркий адабий тил даври (VII асрдан XIII асргача); эски ўзбек адабий тили даври (XIII–XIV асрлардан XX асрнинг бошларигача); ҳозирги ўзбек адабий тили даври (XIX–XX асрлар). Ана шу таснифлар (даврлаштиришлар)нинг деярли ҳаммасида XIII асрдан кейинги тилга нисбатан «эски ўзбек тили» (эски ўзбек адабий тили) термини қўлланган. Шу

³ О‘гинбоев В., Qurbonov T. O‘zbek tilshunosligi tarixi // O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU, 2006. – Б. 28-31; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 2002. – Б. 10-26; Тожиев Ё. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 2000. – Б. 4-16.

⁴ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 2002. – Б. 47-50.

⁵ Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.22–23.

⁶ Ўша асар. – Б.22–23.

тарзда белгилаш М.Тўхтамирзаев, А.Рафиев, Ж.Шабановлар томонидан тузилган қўлланмада ҳам, шунингдек, яна бошқа манбаларда ҳам қайд этилганлиги кузатилади⁷. Демак, ўзбек тили XIII асрларда алоҳида тил сифатида шаклланган экан, шу даврдан бошлаб ўзбек тилшунослиги деб аталиши мумкин. Демак, ўзбек илмий тилшунослигининг бошланишини, ҳеч шубҳасиз, Беруний, Ибн Сино, М.Замахшарий, М.Кошғарий, Абу Ҳайён каби йирик қомусий олимларнинг тилшуносликка оид қарашларидан бошлаб ҳисобга олиш мумкин. Айниқса, муаллифи номаълум бўлган “Ат тухфа” (Ноёб тухфа) асаридаги грамматикага алоқадор қарашлар, таҳлиллар, ўша давр тилини белгилашга оид талқинлар буни яққол кўрсатиб туради.

Тилшунослар Б.Ўринбоев ва Т.Қурбоновлар нашр этган “Ўзбек тилшунослиги тарихи” китобида⁸ алоҳида сарлавҳа остида “Ат тухфа” асарида грамматика масалалари (“китоб ат-тухфа аз-закияту фи-л-луғат ат-туркия” – “Туркий тиллар ҳақида ноёб тухфа”) қайд этиб ўтилган. Ундаги “грамматика” қисмида қипчоқ тилининг грамматик қурилиши ҳақида батафсил маълумот берилган. Профессор Э.Фозилов ва М.Зияевалар томонидан жиддий тадқиқ этилган ва нашр қилинган “Изысканный дар” китоби бунинг яққол намунаси бўла олади. Профессор А.Нурмонов ҳам ўзининг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” китобида (Т.2010); профессор Ё.Тожиев ўзининг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” рисоласида (Т.2010) ҳам бу асарнинг грамматикага оид қисмларига алоҳида эътибор қаратганлар. Ана шу манбалар эски ўзбек адабий тили морфологиясига оид қарашларни ўзида мужассам этганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мана шу нуқтаи назардан қаралганда, ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилшунослиги, тахминан, минг йиллик тарихга эга, аввало, туркий тилшунослик негизида шакллана бошлаган бўлса, кейинчалик бошқа тилшуносликлар таъсирида ривожланди. XX асрнинг бошларида алоҳида тилшунослик сифатида баҳоланди ва жиддий ривожланди. Бунда, албатта,

⁷ Рафиев А., Шабанов Ж. Ўзбек тилини биласизми? Назарий маълумотлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.

⁸ Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Самарқанд. 2006.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги лингвистик фаолият ўз ўрнига эга. Бу даврда Шайх Сулаймон Бухорий, Исҳоқхон Ибрат, шунингдек, маҳаллий аҳолини, унинг ҳаёт тарзини ўрганиш эҳтиёжи асосида ўзбек тилини ўрганишни кучайтирган баъзи рус олимлари, жумладан, М.А.Терентьев, Н.Остроумов, В.Наливкин, Н.П.Пантусовларнинг бу борада фаолият юритганлиги маълум. Улар, асосан, ўзбек тилини ўрганишни таъминлайдиган амалий ёки норматив грамматикалар, қўлланмалар, дарслик ва луғатлар тузиш билан шуғулландилар. Бу ишларнинг аксариятида, ўзбек тилининг назарий муаммоларини ўрганишга деярли эътибор қаратилган эмас. Улардан М.А.Терентьев, Н.Наливкина ҳамда В.Наливкиналарнинг қўлланмалари⁹ ўзбек тилини ўрганувчилар учун қулай бўлган. Худди шу каби дарслик ва қўлланмалар, илк грамматикалар XX асрнинг бошларида ҳам юзага кела бошлади. Бу даврда М.Бехбудий томонидан ёзилган асарлар ўзбек тилини илмий тадқиқ этишнинг илк намуналари.¹⁰ XX асрнинг 20–30-йилларида А.Авлоний, А.Зоҳирий каби маърифатпарварлар ҳам тил муаммолари билан шуғулландилар. Хусусан, тил сиёсатида доир ўз қарашларини баён қилдилар: атамаларни тартибга солиш, ёзув ва имло муаммоларига алоҳида эътибор бердилар, тилнинг софлиги учун қайғуриб, ўзбек тилини илмий ўрганиш бўйича илк қарашларини баён қилдилар.

Мавзуга оид назорат саволлари.

1. Ўзбек тилшунослигига асос солинишининг дастлабки илмий қарашлари тўғрисида фикрингиз?

2. Берунийнинг тилшуносликка оид қарашларини тушунтириб беринг?

3. Ибн Синонинг тилшуносликка оид қарашларини тушунтириб беринг?

4. М.Замахшарийнинг тилшуносликка оид қарашларини тушунтириб

⁹Терентьев М.А. Грамматики турецкая, персидская, киргизская и узбекская. – Санкт-Петербург: Типография Императорской Академии Наук, 1875. 209 б.; Наливкин В., Наливкина М. Русско–сартовский и сартовско–русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматике по наречию Наманганского уезда. – Казан: Университет, 1884. – 294 с.

¹⁰ Бехбудий. Икки эмас, тўрт тил лозим // Ойна. – Самарқанд, 1915. – №1; Шу муаллиф. Тил масаласи // Ойна. – Самарқанд, 1915. – №11-12. Шу муаллиф. «Сарт» сўзи маълум бўлмади // Ойна. – Тошкент, 1914. – Б. 922–924; Шу муаллиф. Китобат ул–атфол. – Тошкент, 1908. (Эски ўзбек ёзувида).

беринг?

5.М.Кошғарийнинг тилшуносликка оид қарашларини тушунтириб беринг?

6.Абу Ҳайён ҳамда бошқа йирик қомусий олимларнинг тилшуносликка оид қарашларини тушунтириб беринг?

Адабиётлар рўйхати

- 1.Абдуллаев И. Абу Мансур Абдулмалик Ас-Саолибий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 94 б.
- 2.Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 318 б.
- 3.Алишер Навоий. Асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1964. 14–жилд. – 782 б.
- 4.Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.
- 5.Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи, – Тошкент: Қатортол-Камолот, 2000. – Б. 3–4;
- 6.Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан технологиялар, 2007. – 255 б.

Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишида XIX асрнинг бошларидаги илмий қарашлар

Таянч тушунчалар: илмий ўрганишга киришиш, грамматика, туркум, сўз, система, грамматик категория, сарф, наҳв, тилнинг мавқеи, адабий тил.

XX асрнинг 20-йилларида Е.Е.Малов, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, Н.К.Юдахин каби рус олимлари билан бирга фаолият бошлаган Абдурауф Фитрат, Ғози олим Юнусов, Қаюм Рамазон сингари зиёлилар томонидан бошланган бўлиб, буни шартли равишда «илмий ўрганишга киришиш» даври, деб аташимиз мумкин бўлса, ана шу олимлар фаолияти бу давр тилшунослигини ўрганиш учун асос бўла олади.

Ўзбек тили грамматикасига бағишланган дастлабки илмий ишлар XX

асрнинг бошларида Фитрат, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Қаюм Рамазон каби тараққийпарвар кишилар томонидан олиб борилганлигини юқорида ҳам айтдик. Бироқ бу грамматикалар, Элбек таъкидлаганидек, “...20-йилларда грамматика ва лексикология соҳасидаги билимлар юқори даражада эмас эди. Ўз грамматик системамиз бўлмаганлиги сабабли, яратилган ишларнинг деярли ҳаммаси эски схоластик араб грамматик системаси асосида иш кўрар эди. 20-йилларнинг бошларида нашр қилинган алифбо китоблари, ўқув кўлланмалари, асосан, бошланғич мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб тузилган, улар ўқиш ва ёзиш қодаларини ўз ичига олган”.¹¹ Е.Д.Поливановнинг Тошкент шеvasини ўрганишга оид ишлари, «Ўзбек тилининг қисқача грамматикаси» (I, II, III) асари, Қаюм Рамазоннинг ўзбек тилининг сўз тузилиши ва морфологиясига оид «Ўзбек тили» дарслиги (1919), Фитратнинг «Ўзбек тили грамматикаси» («Сарф» ва «Наҳв»), «Ўзбек тили қодалари тўғрисида бир тажриба», «Тилимиз» каби асарлари ўзбек тилшунослиги шаклланиши учун муносиб ҳисса, ўзбек тилини илмий тадқиқ этишга киришишни бошлаб берди. Шу билан бирга У.Турсунов, Ф.Камолов, В.В.Решетов, Т.Иброҳимов, Т.Салимов, С.Иброҳимов, А.Ғуломов, С.Усмонов каби етук тилшунослар, том маънодаги ўзбек илмий тилшунослигини тўла шакллантирган олимлар етишиб чиқишини таъминлади. Чунки ана шундай жонкуярлар ва улар қаторида фаолият кўрсатган олимлар ўзбек илмий тилшунослигининг бошловчилари сифатида майдонга чиқдилар. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек тилининг тараққиёт босқичларини белгилаш бўйича анча мукамал ишлар амалга оширилганлигига қарамай, минг йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олган ўзбек тилшунослиги тараққиёти босқичлари аниқ ҳолда даврлаштирилган эмас. Хусусан, баъзи адабиётларда ўзбек тилининг морфологик қурилиши асрлар давомида ривожланиб, ўзгариб, такомиллашиб, меъёрлашиб борганлиги ҳақида, синтактик, фонетик, лексикологиядаги ўзгаришлар бўйича тадқиқотлар олиб борилганлиги тўғрисида кўп фикрлар билдирилганлигига

¹¹ Элбек. Битам йўллари. – Тошкент, 1919.

карамай,¹² ўзбек тилшунослигининг ривожланиш тарихи ҳақида фундаментал ишлар етарли эмас. Бу борада биз, алоҳида тарзда Э.Фозиловнинг «Ўзбек адабий тилининг шаклланиш тарихи ҳақида», Ғ.Каримовнинг «20–30-йиллар ўзбек тилининг баъзи хусусиятлари», Қ.Маҳмудовнинг¹³ тадқиқотлари; Э.Фозиловнинг мақоласи,¹⁴ шунингдек, Э.Умаровнинг «Фитрат нима учун транслитерациядан фойдаланмаган», Б.Тўйчибоевнинг «Бобур тилшуносликда янги назария яратган олим», У.Санақуловнинг «Ўзбек адабий тилининг тараққиётида А.Навоийнинг ўрни», С.Каримов ва бошқаларнинг «М.Кошғарийнинг айрим фоностилистик қарашлари ҳақида»ги мақолаларини ҳам алоҳида таъкидлаймиз. Чунки бу ишларда ҳам ўзбек тилшунослиги шаклланишига муносиб ҳисса қўшган олимларнинг илмий қарашлари ҳақида фикрлар билдирилган. Бироқ буларнинг барчаси, барибир, ўзбек тилшунослигининг шаклланишини изчил тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилмаган. Худди шу каби XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишини таъминлаган йирик олимларнинг хизматлари, ҳиссалари ҳам изчил тарзда белгиланмаган. 2000 йилдан кейин «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» рукнидаги мақолаларда айрим баҳсли масалалар ўртага ташланаётган бўлса-да, «янгича» қарашларни юзага келтирган манбалар, олимларнинг қарашлари яхши ўрганилмаганлиги сабабли, изчиллик, давомийлик бузилиб, гўё ўзбек тилшунослигида систем ёки структур тилшунослик, асосан, Европадан кириб келгандек тасаввур қолдирмоқда. Ўзбек тилшунослигида фаолият кўрсатган олимлар қарашларини ўрганишга жиддий киришмаганлиги кузатиладики, бу ачинарли. Олий мактаблар учун яратилган «Умумий тилшунослик», «Тилшуносликка кириш», «Тилшунослик тарихи» курсларида ҳам, одатда, асосан Европа тилшунослиги тарихи ҳақида маълумот берилади. Рус

¹² Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973.

¹³ Маҳмудов Қ., Боровков А. Эски ўзбек тили луғатларининг тадқиқотчиси сифатида // Ўзбек тили тарихи масалалари. – Тошкент: Фан, 1977.

¹⁴ Фозилов Э. Тилшуносликнинг илк шаклланиш давлари // Тил тараққиётининг лексик ва грамматик муаммолари. – Самарқанд, 2011. – Б. 8–15.

тилшунослигида яратилган «XIX–XX асрлар тилшунослиги тарихи» китоблари юзага келганидан сўнг,¹⁵ унинг таъсирида яратилган умумий тилшуносликка доир ишларда ҳам асосан Европа тилшунослигига оид фикрлар баён қилинган ҳолда, қисман ҳинд ва грек ёки араб тилшунослиги ҳақида маълумот берилади. Худди шу тарзда рус тилшунослиги тарихий тараққиётини белгилашни назарда тутган ҳолда «Лингвистик таълимот тарихи» сериясида ўндан ортиқ асарлар яратилгани маълум.¹⁶ Бу китобларнинг деярли бир хил мундарижага эга эканлиги ҳайратланарли. Ушбу ишларда Европа ва рус тилшунослиги, умуман, жаҳон тилшунослиги тарихи ўз ифодасини топган. Тилшуносликнинг асосий мақсади тилларни жўн тавсифлаш ёки таснифлаш эмас, тарихини баён қилиш ҳам эмас, балки тилнинг тараққиётига алоҳида эътибор бериш, ўзгаришларни тадқиқ этишдан ҳам иборат. Шундай бўлишига қарамай, ўзбек тилшунослигида фақат XX асрнинг 70-йилларига келиб фанимиз тарихини маълум бир жиҳатдан ёритишга бағишланган, тилшунос олимлар ва уларнинг асосий ишлари ҳақида маълумот бериш характеридаги ишлар пайдо бўла бошлади.¹⁷ Бундан ташқари, XX асрнинг 20–30-йиллари ўзбек тилшунослигининг ҳолатига, айрим тилшунослар фаолиятига баҳо бериш бошланди, дейиш мумкин. Жумладан, давр ҳолати проф.И.Қўчқортоев ва филология фанлари номзоди Б.Исабековлар томонидан қуйидагича изоҳланган:¹⁸ «Е.Д.Поливанов, айниқса, туркий филология тараққиётига катта ҳисса қўшди. Унинг туркий филология соҳасидаги фаолияти кўпроқ ўзбек тили билан боғлиқ бўлганлигини қайд этиб ўтиш лозим... У ўзбек тили масалалари билан шуғулланишни умрининг охиригача тўхтатмади».¹⁹ Унинг «Введение в

¹⁵ Звегинцев В.А. XIX–XX асрлар тилшунослиги тарихи. 1,2,3-китоблар. – Москва, 1964,1965, 1956.

¹⁶ Березин Ф.М. История лингвистических учений. – Москва: Высшая школа, 1975; Кондратов Н.А. История лингвистических учений. – Москва: Просвещение 1979; Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. – Москва: Высшая школа, 1978.

¹⁷ Узоков Х. Ўзбек тилшунослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972; Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское советское языкознание. – Тошкент: Фан, 1988. – 232 б.

¹⁸ Қўчқортоев И., Исабеков Б. Туркий филологияга кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 47–49.

¹⁹ Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка. Ташкент–Москва: Туркпечать, 1926. – 123 с.; Звуковой состав Ташкентского диалекта //Наука и просвещение. 1922, №1; Шу муаллиф: Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент: Узбгосиздат, 1933. – 182 с.

изучение узбекского языка», «Звуковой состав Ташкентского диалекта», «Узбекская диалектология и узбекский литературный язык» асарлари шулар сирасига киради. Шунингдек, Б.Тўйчибоев ўзининг Фитрат ижодий фаолиятини тадқиқ этишга бағишланган китобларидан бири бўлмиш «Фитрат – тилшунос»²⁰ асарида олимнинг тилшунослик соҳасидаги фаолиятига эътибор қаратади. М.Қурбонованинг тадқиқотларида Фитратнинг тилшунослик мероси алоҳида тадқиқот объекти бўлганлиги сабабли²¹ уни ўқувчилар эътиборига ҳавола этган ҳолда бу ўринда кенг тўхталиб ўтиришни лозим топмаймиз. Чунки, яна таъкидлаймиз, олима «Фитратнинг тилшунослик мероси» мавзусидаги номзодлик диссертациясида, «А.Фитрат ва ўзбек тилшунослиги» ўқув қўлланмасида ҳам²² олимнинг тилшуносликнинг кўпгина соҳаларида тадқиқотлар олиб борганлигини қайд этади. Кейинги даврларда ўзбек тилшунослигининг 20–30-йиллар тараққиётини белгилашда ўз ҳиссаларини қўшган олимлар фаолиятини ўрганиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. «Фитратнинг тилшунослик мероси», «Ўзбек тилшунослиги ривожидида Элбекнинг роли»,²³ «Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси»,²⁴ «Чиғатой гурунги» ташкилоти вакиллари – Мунаввар қори, Қаям Рамазон, Шорасул Зуннун каби маърифатпарварлар фаолияти, Бехбудий ва А.Авлонийларнинг тил ва унинг тараққиётига алоқадор қарашларини ёритишга бағишланган ишларни келтириш мумкин.

XX асрнинг 20–30 йилларида ўзбек илмий тилшунослигининг ҳолати бошқа тадқиқотларда ҳам маълум даражада ўз баҳосини олган²⁵. Шу ўринда

²⁰ Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент: Республика ўқув-методик маркази, 1995. – 64 б.

²¹ Қурбонова М. Фитрат – тилшунос. – Тошкент: Университет, 1996; Шу муаллиф. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993.

²² Қурбонова М. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 1997. – Б 9–41.

²³ Бобомуродова Ш.Э. Ўзбек тилшунослиги ривожидида Элбекнинг роли: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002.

²⁴ Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

²⁵ Аширбоев С. Ўзбек тили морфологик қурилишининг ўрганилиш тарихидан // 1875–1917 йиллардаги рус туркологлари асарлари асосида: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1975; Фозилов Э., Чулина П.Р. Русские тюркологии и узбекское языкознание. – Тошкент, 1979; Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан // 20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш зарурати бор. Бу давр ўзбек тили тараққиётининг энг мураккаб ва алоҳида босқичидир. Шунинг учун XX асрнинг 20–30-йилларида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ранг-баранг хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бир томондан, эски ўзбек тилининг, иккинчи томондан, ҳозирги ўзбек тилининг бир қанча жиҳатлари мужассамлашган ёки уларни бирлаштириш ҳаракатлари бошланган эди. Янада аниқроқ айтилса, шу давр ўзбек тилида татар, турк, озарбайжон тилларининг таъсири ҳам сезила бошлаган эди. Шу билан бирга, у ёки бу сўз – терминларнинг ўзбек тилида, матбуотда пайдо бўлишининг кучайгани кузатилади. Хуллас, XX аср бошларидаги ўзбек адабий тили анъанавий адабий тил ва ҳозирги замон ўзбек адабий тилидан маълум даражада фарқланиб турарди. Бу даврда ўзбек адабий тилининг диалектал асоси, ўзбек тилига бошқа тиллардан сўз олиш масаласи, байналмилал сўзларга муносабат, араб графикасини соддалаштириш ёки лотин ёзувига ўтиш масалалари кўндаланг бўлиб турди. Айниқса, тил лексикасидаги ўзгаришлар кўпчиликнинг олдида турган асосий масалалардан бири эди. XX асрнинг 20–30-йилларидаги ўзбек адабий тилининг ҳолатидан келиб чиқиб, тилшуносликда адабий тил ва ёзув (графика) масаласини ҳал этишга алоқадор тадқиқотлар қилиш, матбуот тилини ўрганиш каби муаммолар билан кўпроқ шуғулланилгани олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Бу борадаги фикрлар, таҳлиллар, қарашлар Ғ.Каримовнинг махсус китобида, Б.Турдиалиев, А.Абдуназаровнинг номзодлик диссертациясида, С.Иброҳимов, А.К.Боровков, Ф.Абдуллаев ва бошқа олимлар ишларида батафсил кўрсатиб ўтилган.²⁶

Олимлар Б.Ўринбоев ва Т.Қурбоновлар томонидан тузилган услубий қўлланмада «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек

²⁶Каримов Ғ. Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти. – Тошкент: Фан, 1985; Абдуллаев Ф. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. № 3. – Б.46; Иброҳимов С. Ўзбек миллий ёзувининг ривожланиши// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970, № 2. – Б. 52; Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новой алфавит// Известия АН УзССР. – Тошкент, 1940, № 7; Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1954, 1959, – Б. 39; Турдиалиев Б. 1905–1917 йиллардаги вақтли матбуот тилининг морфологик хусусиятлари. Филол.фан.ном.дисс... автореф. – Тошкент, 1969.

тилшунослиги» ҳамда «XX аср ўзбек тилшунослигининг 20-йиллари» алоҳида ажратилган ҳолда қайд этилган,²⁷ биринчи қисмда Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чифатойи ва турки усмоний» асарига тўхталган; Исҳоқхон Ибрат атоқли тилшунос сифатида қайд этилган; Ўзбек тилининг амалий грамматикасини тузиш учун бўлган уринишларга алоҳида эътибор қаратилган. Иккинчи қисмда эса «XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол», «Илк мактаб дарсликларининг вужудга келиши», «Маҳмудхўжа Бехбудий ва тилшунослик муаммолари», «Абдулла Авлонийнинг тилшунослик қарашлари», «Ашурали Зоҳирийнинг лингвистик мероси» масалалари алоҳида таҳлил қилинган. Шу қўлланманинг давомида «Самарқанд тилшунослик мактаби»²⁸ ва «Тошкент тилшунослиги мактаби»²⁹ рукнларида ҳам XX асрнинг 20–30-йиллари ўзбек тилшунослиги шаклланишининг ҳолати, ўша даврдаги вазият ўз баҳосини топган. С.Нормамаатовнинг “Абдулла Авлоний шеърояти лексикасининг маънавий-услубий хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг биринчи бобида 20–30-йиллардаги лисоний жараён анча батафсил ёритилган.³⁰ Бу Бухорода 1992 йилнинг 21–23 май кунларида А.Фитрат миллий феномени, адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумҳурият илмий-амалий анжуман материалларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу материалларда келтирилган тил сиёсати, тилга бўлган муносабат, давлат тили, таълим тили масалаларига оид кўп муаммолар вазиятнинг мураккаб эканлигидан хабар беради. Шунинг учун ҳам, ўша давр тилшунослигининг бош масалалари, асосан, ёзув, имло, тилни танлаш, ёзувни тартибга солиш, давлат ва таълим тилини белгилаш, тил софлигини сақлаш, умумтуркий тил яратиш-яратмаслик, она тилига ғамхўрлик қилиш, уни тарғиб қилиш, маҳаллий-миллий тиллар четлаб ўтилишига йўл қўймаслик, тилнинг мавқеи учун кураш, адабий тил меъёрларини белгилаш,

²⁷ О‘ринбоев В., Қурбонов Т. О‘збек тилшунослиги тарихи // О‘қув қўлланма. – Самарқанд: Самду, 2006. – В. 143.

²⁸ Самарқанд тилшунослик мактаби. – Б.98–117.

²⁹ Тошкент тилшунослиги мактаби. – Б. 118–138.

³⁰ Нормамаатов С. Абдулла Авлоний шеърояти лексикасининг маънавий-услубий хусусиятлари. – Тошкент, 2011.

унинг шеваларга муносабатини аниқлаш, шеваларни ўрганиш каби кўплаб масалаларни ҳал этишдан иборат бўлиб қолганлиги билан характерланади. Вазият шу даражага борган эдики, маҳаллий халқдан чиққан тилсеварлар тилшуносликнинг бош масаласи – тилни сатҳлар бўйича тадқиқ этишни деярли иккинчи планга тушириб қўйган эдилар. Яратилган илмий ишлар ё методик характерда, ёки тилдан амалий фойдаланишни таъминлаш масалаларига дахлдор бўлган, холос. Хусусан, А.Авлоний, Бехбудий, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Исҳоқхон Ибрат, Шайх Сулаймон Бухорий, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон, Мунаввар Қори, С.Саидазизов каби кўпгина олимларнинг тилшунослик борасидаги фаолиятлари ана шу тарзда кечди.

Шунга қарамай, XX асрнинг 20–40-йилларида ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиши тўхтаб қолмади. Ўзбек тилини фонетик, лексик, грамматик, диалектологик, стилистик жиҳатлардан тадқиқ қилишга замин яратилганлиги сезилиб қолди, бундай тадқиқотларни амалга оширишга қодир бўлган кадрлар пайдо бўла бошлади. Мураккаб сиёсий вазиятдаги курашлар натижаси ўлароқ, тилни, унинг ўзига хос жиҳатларини мукамал ўрганиш орқали, тараққиёт қонунларини белгилаш билан сақлаб қолиш, жаҳон тиллари орасида тутган ўрнини белгилаб беришга қодир бўлган олимлар етишиб чиқди. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб ўзбек тилини чуқур илмий ўрганишга, шу тарзда, шарт-шароит яратилди. Шунинг учун ҳам, тилшунос олим С.Аширбоев «Ўзбек тилшунослигининг мустақил тилшунослик сифатида шаклланиш босқичи XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келади» ёки «...Чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги чиновниклари маҳаллий халқлар тилини ўрганиш эҳтиёжларини сеза бошладилар. Шунинг учун ҳам, улар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқлари тилларига оид луғатлар, уларга илова равишда грамматик очерклар ярата бошладилар», деганида тўла ҳақли эди.³¹

³¹ Аширбоев С. Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиш тарихидан //1875–1917 йиллардаги рус туркологлари асарлари асосида: Филол.фан.ном.дисс... автореф. – Тошкент, 1975, – Б.155.

Ўзбек тили грамматикасини ўрганиш ўзбек олимлари томонидан жиддий тадқиқ этила бошлаган. «...Ўзбек тили грамматикасига бағишланган дастлабки тадқиқотлар Фитратнинг «Сарф» (морфология) ва «Наҳв» (синтаксис) асарларидир. Бу китоблар ўзбек тилининг биринчи грамматикалари, ўша давр талабига жавоб берадиган даражада эди».³² Бу даврда грамматика зиммасига аҳолини ёппасига саводли қилиш, яъни ўқиш ва ёзишга ўргатиш вазифаси юклатилган эди. Оммавий саводхонликни амалга ошириш жараёнида асосий омил бўлган алифбо масаласи ҳам узил-кесил ҳал қилиниши зарур эди. 1926 йилнинг 26 февраль – 3 март кунлари Бокуда Биринчи Бутуниттифоқ туркология курултойи бўлди. Курултойда Ўзбекистондан Раҳим Инъомов, Ашурали Зоҳирий, Шокиржон Раҳимий, Элбек, Ғози Олим Юнусов, Б.Раҳмоний, А.Абдужабборовлар иштирок этди. Фитрат бу анжуманга йирик шарқшунос олим сифатида «алоҳида чакирув билан» таклиф этилди. Курултойда туркий халқларнинг лотин алифбосига ўтишлари ҳақида қарор масаласи кўтарилди.

Шундан сўнг, 1929 йилнинг май ойида Самарқандда бўлиб ўтган “Тил ва имло” анжуманида лотин алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон, Элбек, Шокиржон Раҳимий сингари машҳур олим ва ёзувчилар, кўзга кўринган маданият ходимлари, миллий зиёлилар лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ва имлосини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этиш ишига катта ҳисса қўшдилар».³³

Бу лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ўзбек халқининг миллий анъаналари, қадриятлари, маданий меросида муштаракликка эга бўлган туркий халқлар билан қадимдан мавжуд бўлган дўстона ва биродарона алоқаларни тиклашга, давом эттиришга хизмат қилар эди. Бу эса собиқ шўролар ҳокимиятининг мамлакатни ягона сиёсатга бўйсундириш режасига

³² Абдуллаев Ф. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёти ва А.К.Боровковнинг илмий фаолияти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. № 1. – Б. 30.

³³ Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси. Филол. фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2005, – Б. 82.

мутлақо тескари бўлди. Натижада, 40-йилларнинг бошида лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ўрнига кирилл алифбосини қабул қилишга мажбур бўлинди.

Ўзбек тилшунослигида илмий-назарий тадқиқот объекти бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб алоҳида эътибор билан қарала бошланди. Айни шу даврда ўзбек тилшунослигида рус олимлари С.Е.Малов, К.К.Юдахин, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, А.Н.Кононов каби йирик тилшунослар билан бир қаторда А.Ғуломов, Т.Иброҳимов, С.Иброҳимов, Ф.Камолов, Т.Салимов, С.Усмонов, У.Турсунов, С.Муталлибов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, Ф.Абдуллаев, В.Решетов, О.Усмонов, Ш.Шоабдурахмонов каби истеъдодли тилшунослар ҳам ўз илмий фаолиятини бошлаган эдилар. Шулар қаторида Фитрат ўзбек тилшунослигининг барча сатҳларини, жумладан, “морфология” қисмини ҳам ўрганишни мақсад қилиб қўйди. У ўзининг “Тилимиз” номли мақоласида – “Сарф” сўзининг туркчаси бўлмаганлиги сабабли шу атамадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этади ва ўзининг ўзбек тили грамматикасига бағишланган биринчи китобини шу ном билан атади.³⁴ Китобда нутқ товушлари, нутқ товушларида бўладиган ўзгаришлар ҳақида фикр билдиргач, “Сўз ва унинг турлари” борасида тўхталган. Сўзга қўйиладиган мезонларни шарҳлагач, олим сўзнинг маълум бир бўғини бошқаларига нисбатан қаттиқроқ айтилиши, бу ўша сўзнинг урғуси ва у доим сўз охирига тушиши ҳақидаги фикрларини баён этади.

Абдурауф Фитрат махсус оҳанг, босимга эга, маълум бир маънони англатган товушлар тўдасини сўз деб шарҳлаб бўлгач, уларни от, сифат, феъл, олмош, кўмакчи сўзлари каби қисмларга ажратади.³⁵ Кўринадикки, сўзларни бундай гуруҳлаштириш Маҳмуд Қошғарийнинг тавсифи билан ўзаро уйғунликни юзага келтиради.³⁶ Фитрат сўзларни гуруҳларга ажратиш

³⁴ Фитрат. Сарф. -Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930.

³⁵ Ўша манба. – Б. 10.

³⁶ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1961. №2. – Б. 41–71.

ва шу гуруҳлар бўйича таҳлил этишга киришар экан, аввало, ўша сўзнинг ўзига хос хусусияти, яъни шу сўз англатган маънони уларни маълум гуруҳга ажратувчи мезон деб олганлиги сўз туркумларига ажратилиш лозим бўлган ҳолатни ифодалайди. Чунончи, олим нарсанинг номини билдирувчи сўзларни таҳлил этар экан, “қуёш, булут, йоғон, темир, Аҳмат” деганда шу сўзларнинг ҳар бири бизга бир нарсани эслатади. Бошқача айтганда, бу сўзларнинг ҳар бири бизга эслаткани нарсанинг оти. Билдиргани маънода от бўлиб тақалган сўз “от дир”,³⁷ деб таъкидлайди. От гуруҳидаги сўзларнинг маъно муносабатлари ҳақидаги ғоясини давом эттирар экан, “от маъносининг туташ, кўзга кўринарлик нарса бўлиши лозим эмас. Гап, эс, қайғу, мунг, зулм каби. Маъноси кўзга кўринмас “от” лар ҳам бордир”³⁸ дея аниқ ва мавҳум отларни бир-биридан маъносига қараб фарқлаганлигига гувоҳ бўламиз.

Фитрат “қизил олма, қоро тохта, узун йоғоч, йироқ, қант” каби бирикмаларда “олмо, тохта, йоғоч, қант” сўзлари бирор от бўлгани ҳолда, бу отларнинг “нучуклик” атамаларини англатмоқ учун “қизил, қоро, узун, йироқ” сўзлари унларга қўшилгандир дея таъкидлайди. Ва грамматикада бу сўзларнинг биринчиси “Суфат”, кейингиси “суфатли” деб номланишини уқтиради: “Бир отнинг “Нучуклик” ларини англатмоқ учун унинг бош томонига келтирган сўзига “Суфат” ва шу отнинг ўзига “суфатли” дейиладир”³⁹. Абдурауф Фитрат китобининг “Феъл” гуруҳига оид қисмида бу туркумдаги сўзларнинг ҳаракатни, шу ҳаракатни бажарган шахснинг сўзлагувчига нисбатини, иш-ҳаракатининг қайси замонда бўлганлигини англатишини мисоллар асосида таҳлил этади: *йаз-д-ым, уқъ-д-ым, бор-ор-мъз, кэл-ар-сиз*. Кўрамизки, ҳар бир сўзимиз учга бўлинди. Буларнинг биринчи бўлаклари бирор ишни, учинчи бўлаклари шу ишни ишлаганнинг сўзлагувчига нисбатини, иккинчи бўлаклари шу ишнинг қайси замонда бўлғонини билдирмак учун айтилган. Мана шундай сўзлар феъл деб,

³⁷ Фитрат. Сарф. -Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – Б.10.

³⁸ Ўша манба. – Б. 10.

³⁹ Ўша манба. – Б. 10.

аталадир”⁴⁰.

Демак, олимнинг таъкидлашича, феълнинг биринчи бўлаги “ўзак”, иккинчи бўлаги “замон белгиси”, учинчи бўлаги эса “ишловчи” белгиси. Айни пайтда феъл, от, сифат, бўлмаган сўзлардан бошқалари “кўмакчи сўз” деб изоҳланади.

Олимнинг “Сарф” ва “Наҳв” асарлари 20-йиллар ўзбек тилшунослиги фанининг ноёб намуналари ҳинд тилшунослиги, араб тилшунослиги, туркийшунослик билан ҳозирги ўзбек тилшунослиги фани ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини бажарган. Адиб 20-йиллардаги имло жараёни ва унинг икки босқичи:

- 1) араб ёзувини ислоҳ қилади – соддалаштириш даври (1919–24);
- 2) араб ёзувидан лотин алифбосига ўтиш даври (1925–29).

Фитратнинг имло соҳасидаги хизматлари: а) араб ёзувини ислоҳ қилиши, соддалаштириши. Араб ёзувига қўшимча белги графемаларни олиб кириши; б) имло тамойилларини (принципларини) ишлаб чиқиши каби долзарб муаммоларнинг ечими тўғрисида фикр юритганлигига гувоҳ бўламиз. Бундан ташқари, ўзбек тили фонетик тамойилнинг устунлиги, тилнинг ички ва ташқи тараққиёт манбалари ҳақида фикр юритган. Ички манбалар: тилнинг ўз ички имкониятлари асосида сўз ясаш ва эскирган сўз (архаизм) лардан ўринли фойдаланиш; шеваларни синчиклаб ўрганиш – “тилимизнинг соф шаклларини” ахтариб топиш каби ечимини кутиб турган муаммоларни муҳокамага ташлайди. Олимнинг “Сарф” асарида илгари сурилган фикрлар ҳозирги илмий тилшунослик фани учун илмий-амалий аҳамияти жуда катта.

Фитрат ва ўзбек тили синтаксисига оид “Наҳв” асарида атамалар, гап ва унинг таърифи, гап бўлаклари – бош сўзлар, кесим ҳақидаги қарашлари, эганинг кесимга тобе эканлиги, яъни кесим орқали эгани аниқлаш, тўлдирғич ва унинг ифодаланиши, тўлдирғич сўзларининг иккинчи даражали бўлаклар билан ҳамда шаклий-вазифавий талқиндаги кенгайтирувчи (сўз

⁴⁰ Фитрат. Тилимиз // Иштирокиюн. – Тошкент, 1919. № 132.

кенгайтирувчиси, гап кенгайтирувчиси) атамалари билан муносабати масалалари бугунги илмий тилшуносликнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Яна шуни ҳам айтиш лозимки, Фитрат феъл, от, сифат туркумига оид сўзларнинг синтактик вазифаси ҳозирги тилшуносликдаги назариялар билан мос келиши бунинг асоси сифатида олинганлигидан далолат беради. Фитрат – ҳозирги ўзбек тилшунослигининг асосчиларидан бири эканлиги, унинг ўзбек тилшунослиги тарихида тутган роли бениҳоя юқори эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда сир эмаски, Ўрта Осиёнинг Россияга мажбуран кўшиб олиниши натижасида Туркистон маъмурияти ҳарбий ва бошқариш ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида ерли халқларнинг тилини ўрганишни ҳам асосий вазифа қилиб қўяди. Ана шу вазифа ўзбек тилини ўрганишга ёрдам берувчи дарслик ва қўлланмалар яратишни тақозо қилган эди. Бунга мисол сифатида М.А.Терентьевнинг асарларини келтириш мумкин.⁴¹ Бу асарлардан сўнг ҳеч бир илмий қийматга эга бўлмаган, фақат амалий мақсадни кўзда тутувчи маълумотномалар ва мустақил ўрганиш учун қўлланмалар чиқа бошлади. Жумладан, А.Старчевский,⁴² В.А.Алексеев ва А.Вишнегорскийлар⁴³ қўлланмалари нашр этилди.

Юқорида эслатиб ўтилган қўлланмалардан ташқари, М.Андреев, Л.Зимин, Л.Афанасьев, Н.Смолевский кабиларнинг ўзбек тилига бағишланган асарлари нашр этилади.⁴⁴ Уларнинг кўпчилигида ҳали илмий далиллар етишмас эди. 1905–1917-йиллар даврида она тили дарсликлари ҳам

⁴¹ Терентьев М.А. Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская. Санкт-Петербург, 1875; Ўша муаллиф. Хрестоматия турецкая, персидская, киргизская и узбекская. СПб, 1875.

⁴² Старчевский А.В. Переводчик с русского языка на персидский. - С.-Петербург: Типография и литография А. Траншеля, 1886. – 171 с.; Шу муаллиф. Спутник русского человека в Средней Азии. С.-Петербург: Типография и литография А. Траншеля, 1878. – 284 с.

⁴³ Алексеев З.А., Вишнегорский В. Самоучитель сартовского языка. –Ташкент: Типо-Литография С.И.Лахтина 1884; Алексеев З.А. Фразы на сартовском языке с русским переводом и транскрипцией. –Ташкент: Типо-литография. С.И.Лохатина, 1884. – 323с.

⁴⁴ Андреев М. Руководство для первоначального обучения сартовскому языку в Ташкентском реальном училище, Ташкент: Типо-литография братьев Порцевых, 1896; Машковцев Ф. Уроки сартовского языка. –Ташкент: Типо-лит. Бр. Порцевых, 1899; Наливкин В. Руководство к практическому изучению сартовского языка, -Самарканд, 1898; Наливкин В., Наливкина М. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общепотребительских слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. – Казань: Университет, 1884; Наливкин В. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь, – Ташкент, 1912; Булазинский Н. Учебник сартовского языка. – Ташкент, 1910; Зимин Л. Учебник сартовского языка. –Ташкент, 1914.

тузилади. Бу дарсликлар биринчи марта товуш усули асосида тузилиб, улар ҳам озми-кўпми ўзбек адабий тилнинг бошланғич маълумотини беришга, мактабнинг энг оддий талабини қондиришга хизмат қилар эди. Бундан ташқари, бошланғич синфлар учун ўқиш китоблари ҳам чиқарилган. 1914–1915-йилларда Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Енгил адабиёт», «Қироат китоби», «Ўқиш китоби» номлари остида педагогик мазмундаги китоблари майдонга келган. Абдулла Авланийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1918), «Адабиёт ва миллий шеърлар», «Биринчи муаллим» (1912), «Иккинчи муаллим» (1915), «Гулистони мактаб» (1917) номли асарлари нашр қилинади. Ўзбек миллий тилини давлат тили даражасига кўтариш учун астойдил ҳаракат қилди, бу ҳолат билан алоқадор бўлган барча ишларга, чунончи, ўзбек тили тарихини, турли диалект ва шеваларини, луғат таркиби ва товушлар тизимини, умуман, тил қурилишини ўрганишга, янги ўзбек графикасини яратишга, бу графиканинг имло қоидаларини ишлаб чиқишга, азалдан мавжуд бўлган лексикографияни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги равнақи ҳақида гапирганда, бу тараққиётга асос солган дастлабки тилшунос олимларимиз Ш.Раҳимий, Н.Саид, А.Йўлдошев, Ш.Зуннун, Қ.Рамазон, Элбекларнинг дастлабки дарсликлар, алифбе ва ўқиш китобларини ёзганлигини тилга олмай иложимиз йўқ. Ўтган аср бошларида ўзбек тилшунос олимларимиз сафи ҳам беқиёс даражада ўсди. Айниқса, Ғози Олим Юнусов, Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин каби профессорлар, А.Зоҳирий, А.Авлоний, А.Фитрат, Ш.Раҳимий каби зиёлилар ўзбек тили соҳасида тинимсиз ижод қилишди. 1930-йилларга келиб А.К.Боровков, В.В.Решетов, С.И.Иброҳимов, А.Ғ.Ғуломов, У.Т.Турсунов, С.Муталлибов, О.У.Усмонов, Ф.К.Камолов, Ҳ.Ғозиев, С.Зуфаров, Т.И.Иброҳимов, Я.И.Калантаров, И.А.Киссен, 3.М.Маъруфовлар самарали иш олиб боришди. 1940-йилларда номзодлик диссертациясини В.В.Решетов, А.Ғ.Ғуломов, Ф.Камолов, О.У.Усмонов, 3.Маъруфов, А.Маъруфовлар ҳамда 1950-йилларда В.В.Решетов, А.Ғ.Ғуломов каби забардаст олимларимиз докторлик диссертациясини ҳимоя қилишди. 1960 йилларда фан докторлари қаторидан

Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, М.Асқарова, О.Азизов, С.Усмонов, Ш.Шоабдурахмонов, Ш.Раҳматуллаев, М.Мирзаев, С.Иброҳимов, С.Муталлибов, А.Ҳожиев, А.Рустамов каби олимлар ҳам ўрин олишди.

Ўзбек тили тарихи бўйича ҳам жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, профессор А.К.Боровковнинг XII–XIII асрлар ёдгорлиги – «Тафсир» лексикаси бўйича яратган йирик монографияси, «Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида», «1905–1917-йиллар ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили тарихидан очерклар» каби асарлари, филология фанлари доктори, профессор Ғ.Абдурахмоновнинг «Ўрхун ёдгорликлари тилида кўшма гап конструкциялари», «Эски туркий тил синтаксиси устида текширишлар» каби ишлари, филология фанлари доктори С.Муталлибовнинг «XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси» номли иши ва уч томли «Девону луғотит турк» асарининг араб тилидан ўзбек тилига таржимаси, филология фанлари номзодлари Т.Салимовнинг «Насабнома ва унинг тил хусусиятлари» номли тадқиқоти ва А.М.Щчербакнинг «XI–XIII аср туркий текстлар грамматик очерки», «Эски ўзбек тили грамматикаси» номли монографиялари, О.Усмоннинг тил тарихини даврлаштиришга оид иши шулар жумласидан. Кейинги йилларда ўзбек тили тарихи бўйича ишлаётган мутахассислар сафига яна бир қатор таниқли олимлар, филология фанлари докторлари А.Рустамов, С.Н.Иванов, филология фанлари номзодлари М.Каримов, Қ.Маҳмудов, А.Аҳмедов, У.Санақулов, Ш.Шукуров, М.Туробова, А.Матғозиев, Ў.Мирзакаримовалар қўшилди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили бўйича 1920–30-йилларда Е.Д.Поливанов, Ғ.О.Юнусов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетов, У.Турсунов, А.Ғ.Ғуломов, Ф.Камолов, Ҳ.Ғозиев, Х.Назарова каби олимлар самарали меҳнат қилишган. 1940–50-йилларда тилшунослик янада юқорироқ босқичга кўтарилди. Бу даврда А.Ғ.Ғуломов «Ўзбек тили тарихий сўз ясалишининг проблемалари» деган мавзуда докторлик диссертациясини, Р.Жуманиёзов (Ўзбек тилида сифатдош аниқловчилар), Х.Комилова (Ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчи), А.Маъруфов (Пайт эргаш гаплар), З.Маъруфов

(Сифатларнинг қиёсий даражалари), Ф.Камолов (Ўзбек тили фонетикаси ва лексикаси), М.Мирзаев (Вақтли матбуотда совет-интернационал сўзлар), О.Орифов (Чиқиш келишиги), А.Сулаймонов (Ўтган замон феъл категориялари), С.Усмонов (Ундовлар), С.Фердоус (Феълнинг вид категорияси), С.Фузаилов (Равиш), Ш.Раҳматуллаев (Фразеологик бирикмалар), О.Мадрахимов (Янги ясалган сифатлар) каби қатор тадқиқотчилар эса номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Ўзбек тилшунослигининг мазкур соҳасини ривожлантириш, уни рус ва бошқа қардош халқларга тарғиб қилишда атоқли турколог, профессор А.Н.Кононовнинг хизматлари бениҳоя катта. Олим ўзининг «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили грамматикаси» китобида янги муаммоли масалаларни таҳлил қилиб беради. Кейинги йилларда бу соҳада фан докторларидан А.Ғ.Ғуломов, В.В.Решетов, М.А.Асқарова, Ш.Раҳматуллаев, С.Усмонов, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев ва бошқаларнинг самарали меҳнатларини инобатга олмай илож йўқ.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қиёсий грамматика бўйича тадқиқотлар профессор Е.Д.Поливановнинг номи билан узвий боғлиқ. Олим 1925 йилдаёқ рус ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш масалаларига бағишланган қатор асарлар яратган эди. Ҳозир рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси ўзбек тилшунослиги таркибидан мустаҳкам ўрин олган. Бунда филология фанлари доктори, профессор О.А.Азизовнинг хизмати бениҳоя катта. Унинг «Рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси» номли докторлик диссертацияси ва дарслигини мазкур курснинг назарий асоси, деб баҳолаш мумкин. Ҳозир тилшуносликнинг бу соҳасида А.И.Абражеев, И.А.Киссен, А.Сафоев, М.Муҳамедова, А.Бўрибеков каби ўнлаб етук мутахассислар хизмат қилганлигини эътироф этиш лозим. Бу олимларнинг ишларида ўзбек тили морфологиясини ўрганишда салмоқли ўринни эгаллайди.

Мавзуга оид назорат саволлари.

1. Жадидларнинг тилшуносликка оид қарашлари тўғрисида ўзбек олимларнинг ёндашуви.
2. Фитратнинг тилшуносликка оид қарашларини тушунтириб беринг?
3. 1920-1930 йилларда тилшуносликка оид илмий қарашлар
4. 1940-1950 йилларда тилшуносликка оид илмий қарашлар
5. Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишига оид қарашларни асослаб беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Беҳбудий. «Сарт» сўзи—маълум бўлмади // Ойна. – Тошкент, 1914. №39. – Б. 922–924.
2. Ғуломов А. Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – 163 б.
3. Қаюмий Ҳ., Долимов С. Грамматика. Наҳв. – Тошкент, 1933. №1.
4. Қурбонова М. Фитрат – тилшунос. – Тошкент: Университет, 1996. – 29 б.
5. Қурбонова М.М. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 1997. – 48 б.
6. Фитрат. Сарф. – Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930.
7. Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан.ном... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 29 б.
8. Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърининг лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 25 б.

Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишида анъанавий морфологик қарашларнинг ўрни

Таянч тушунчалар: илмий грамматика, туркум, фонетика, сўз ясалиши, морфемика, лексикология, морфология, синтаксис, пунктуация, синхроник ва диахроник аспект, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш,

кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов сўз, тақлид сўз, модал сўз.

Олим Б.Тўйчибоев ўзбек тили илмий грамматикасининг назарий асосларини яратиш учун эса Шарқ ва Ғарб филологиясининг илғор ғоялари билан қуролланган, мумтоз тил, халқ тили, халқ оғзаки ижоди намуналари тили ва адабий тилнинг ички имкониятларини, шунингдек, тараққиёт қонуниятларини чуқур хис қилувчи ҳамда яхши билувчи забардаст олим зарур эди», – дер экан, тўла ҳақли эди.⁴⁵ «40-йиллардан ўзбек тили илмий жиҳатдан атрофлича, чуқур ўрганила бошлади. Ўзбек тилшунослигининг тилдаги ҳар бир сатҳ бирликларини ўрганишга қаратилган бўлимлари, жумладан, фонетика, сўз ясалиши, морфемика, лексикология, морфология, синтаксис, пунктуация каби бўлимлари илмий жиҳатдан шаклланди.

1940 йилда бу даврни А.Ғуломов ўзининг «Ўзбек тилида аниқловчилар» мавзусидаги номзодлик диссертацияси билан бошлаб берди», – деган фикри аини ҳақиқат.⁴⁶ Олимнинг А.Ғуломов ҳақида айтган бу фикрлари кўпчилик томонидан эътироф этилган. XX асрнинг 40–80-йиллари ўзбек тилшунослиги тараққиёти ҳақидаги ишларда, айнан шу фикрларнинг қанчалик тўғри эканлигини таъкидловчи далиллар билан тўқнашганмиз. Ҳақиқатан ҳам, А.Ғуломов ўзбек назарий тилшунослигининг пойдеворини кўйган, фавқулодда истеъдодга эга бўлган бетакрор тилшунос эди.

Ўзбек назарий тилшунослигининг шаклланиш даври ҳақида гап борар экан, А.Ғуломовдан бир йил кейин номзодлик диссертациясини ёқлаган профессор У.Турсунов илмий фаолияти алоҳида ўрин тутди.⁴⁷ Қизиғи шундаки, А.Ғуломов «Ўзбек тилида аниқловчилар» монографияси билан ўзбек замонавий назарий грамматикасини Фитратдан кейин бир поғона юксалтирган, охир-оқибат йирик тилшунослик илмий мактабининг асосчисига айланган бўлса, У.Турсунов юқорида қайд этилган тадқиқоти билан ўзбек назарий тилшунослиги пойдеворини мустаҳкамлади.

⁴⁵ Тўйчибоев Б. Тарихга айланган умрлар. – Гулистон: Зиё, 2011. – Б. 29–39.

⁴⁶ Шу манба. – Б. 33.

⁴⁷ Турсунов У. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ясалиши: Филол. фан. номзоди... дис. автореф. – Самарқанд, 1941.

Ўзбек назарий тилшунослигининг шаклланиши ва тараққиётига, катта ҳисса қўшган бошқа олимлар фаолиятига тўхталишдан аввал шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, араб тилшунослиги ривожига ҳисса қўшган, шу билан бирга умуман, жаҳон тилшунослиги тараққиётини таъминлаган шарқ алломалари, шунингдек, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида тилшуносликка оид илмий тадқиқотлар олиб борган рус туркологлари: Ф.Е.Корш (1843–1915), А.Е.Кримский (1871–1942), В.А.Гордалевский (1876–1956), М.А.Казембек (1802–1870), Н.И.Ильминский (1822–1891), В.А.Богородицкий (1857–1941), Н.И.Ашмарин (1870–1933), Л.З.Будагов (1802–1878), П.М.Мелиоранский (1868–1906), В.В.Радлов, С.Е.Малов, Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, А.Н.Самойлович (1880–1938) каби йирик олимлар XX асрнинг 20–30-йилларида тилшунослик соҳасида тадқиқотлар олиб борган ва кейинги давр ўзбек тилшунослиги тараққиётини белгилашда муҳим ўринни эгаллайдилар. Ўзбек назарий тилшунослигининг шаклланишида уларнинг илмий изланишлари асосий манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотларсиз ўзбек тилшунослигининг кейинги илмий босқичини белгилаш қийин эди. Маълумки, ўзбек миллий, илмий тилшунослигининг шаклланишини ана шу олимларнинг изланишлари, қарашлари таъминлади. Бу тадқиқотлар: а) туркий тилшуносликнинг шаклланиши учун бош манба бўлган; б) ўзбек тилшунослигининг алоҳида ажралиб чиқишини таъминлаган; в) ўзбек адабий тили мавқеини белгилаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган амалий масалаларни ҳал этишга қаратилган; г) миллий илмий тилшуносликнинг шаклланишига шарт-шароит яратган, мазкур жараёнда бу олимлар ҳиссаси жуда катта бўлган.

XX аср 40-йилларидан кейинги давр тараққиёти ҳақида фикр билдирилганда, ҳеч шубҳасиз, 1934 йилда ЎзФА қўмитасида ҳозирги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг ташкил топиши, бу институтнинг ўзбек тилшунослигининг йирик илмий марказига айланганлигини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбек тилшунослиги муаммолари билан шуғулланган йигирма бешта

фан доктори ва юз ўндан ортиқ фан номзодидан иборат илмий жамоа XX асрнинг 70-йилларига қадар шаклланди. Албатта, 70–80-йиллар давомида улар сони янада кўпайди. Тилшунос фан номзодлари сони 60 тага яқин, фан докторлари эса 70 тадан ортиқроқ эди. 1982 йилдан то истиқлолгача бўлган даврда бу рақамлар ўзгарганлиги маълум, яъни фан докторлари сони 100 атрофида, фан номзодлари эса 300 дан ортиб кетди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шу вақт оралиғида яратилган тадқиқотларнинг деярли ҳаммаси ўша давр учун энг долзарб, ўзбек тилшунослиги ривожига ўз ўрнига эга бўлган эди. Ўзбек тилшунослигининг кейинги тараққиётини белгилаб беришни назарда тутган долзарб муаммолар эди. Зеро, бу тадқиқотларсиз, ўзбек тилшунослигининг кейинги давр тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Албатта, бу давр тилшунослигининг талабидан келиб чиққан ҳолда маълум камчиликларни ҳам кузатиш мумкин. Баъзан замонасозликка мойил бўлган, таъйиқлар таъсирида очиқ айтилмаган, методик жиҳатдан бошқачароқ тарзда бажарилган, ижтимоий тузум барқарорлигига қатъий ишонч билан ёндашилган, бундан ташқари, бирёқламаликларга йўл қўйилган ҳолда тавсифланган ишлар ҳам учрайди.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигининг асосчиларидан бири Абдурауф Фитратнинг морфологияга оид қарашлари “Сарф” асарида ўз аксини топганлигини айтдик. Яна қуйидагиларни кўшишимиз мумкин. Маълумки, тилшуносликнинг морфология бўлими сўз туркумлари ва категорияларини, сўзнинг шакллар тизимини ҳамда шу шаклларнинг ҳосил бўлиш йўлларини ўрганади. Асарда дастлаб сўз этимологияси ҳақида гапирилганда унга шундай таъриф беради: “Сўз бир маънони билдирган, ўзига махсус оҳанги ва босими бўлгон товушлар тўдасидир”. Демак, у сўзнинг учта белгисини – маълум бир лексик маънога, ўзига хос-оҳангга, алоҳида урғуга эга бўлганлигини таъкидлаган. Фитрат сўз туркумлари ҳақида гапирганда, олдин сўз ясалиши ҳақида тўхталади. У сўз ясалишини кенгроқ маънода тадқиқ қилган. Ўзакка қўшимча қўшилган барча сўзларни ясама сўзлар, деб қарайди. Фақат ўзакнинг ўзидангина иборат

сўзларни туб сўз ҳисоблаб, у тилдаги барча сўзларни шу нуқтаи назардан икки гуруҳга – туб ва ясамага ажратган. Олим “Сарф” асарида от, сифат, феъл, кўмакчи сўз туркумларига тўхталади. Фитрат ўзбек тили грамматикасини яратишда, хусусан, морфологик масалаларни ҳал қилишда ўзидан олдинги тилшуносларнинг анъаналарига таянади. Бу сўзларни туркумларга ажратишда ёрқин кўриниб турибди (форс ва араб тилларида уч грамматик категория, яъни от, сифат, феъл асосий ўринни эгаллайди). Олим *овлоқ, тошлоқ, ўтлоқ, ётоқ, ботқоқ* каби сўзларни ўрин атамаси билан беради ва бундай отлар ўзакка *-лоқ, -оқ* қўшимчасини қўшиш орқали ясалишини, қурол оти эса *“Бир ишни қилмоқ учун қурол бўлгич нарсани”* билдириши айтиб ўтилган. Бу отлар *-гич, -гич, -кич, -қич* қўшимчалари орқали ясалиши мумкинлигини эътироф этади. Бунга қўшимча тарзда *-ги, -ки, -ги, -га, -аг, -ак, -чоқ* каби қурол оти ясовчи қўшимчаларни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин.

Феъл сўз туркуми таркибидаги иш оти эса ҳозирги тилшуносликдаги функционал шаклларида ҳаракат номи сифатида талқин қилинган. Бунга: *-моқ (ўқимоқ), -иш (билиш), -им (уним), -ув (келув), -нч (ишонч), -қин (тошқин)* кабилар сўзлар таркибидаги қўшимчаларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу қўшимчаларга биз синхроник ва диахроник аспектда ёндашамиз. Бу ердаги *-моқ, -иш, -иш* қўшимчаларига ҳозирги тилшуносликда ҳаракат номи ясовчи қўшимчалар, деб қаралади. Қолган *-им, -ув, -нч, -қин, -гин* қўшимчалари эски ўзбек тилида ва XX аср бошларида ўзбек адабий тилида сўз ясовчилик хусусиятига эга бўлган. Лекин бугунги тилшуносликда айрим сўзлар таркибида учрайди ҳамда сўз ясовчилик хусусиятидан узоқлашган. Шу нуқтаи назардан тарихий ясама бўлса-да, синхроник жиҳатдан туб сўз деб қаралади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Фитрат кўшма отларни бири-биридан фарқлайди: а) *ойболта, оқсоқол* типидagi қўшма отлар; б) *маориф идораси* кўринишдаги қўшма отлар. Бундай қараш бошқа асарларда учрамайди. Олимнинг бу ҳақдаги фикрлари ҳозирги фандаги мавжуд

қарашларга мос келади. Отларнинг бирлик ва кўплик шакли, эркалаш ва кичрайтириш шакллари, уларни ҳосил қилувчи кўшимчалар ҳақидаги олимнинг фикрлари ҳозирги тилшуносликда ҳам илмий аҳамият касб этади.

Мунаввар Қори, Қаюм Рамазон ва Шорасул Зунуновлар 1925 йилда нашр қилинган “Ўзбекча тил сабоғи” китобида от сўз туркумига кирувчи сўзларни дастлаб икки гуруҳга бўладилар: 1) атоқли отлар; 2) турдош отлар. Бундан кўринадикки, атоқли ва турдош отларни фарқлаш 20-йиллар тилшунослигида ҳам бўлган экан. Кейинги давр тилшунослигида от сўз туркумига оид хусусиятлар, категориялар жуда чуқур ва атрофлича ўрганилган. Масалан, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида⁴⁸ отлар грамматик хусусиятларига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинади:

- 1) атоқли отлар ва турдош отлар;
- 2) конкрет отлар ва мавҳум отлар;
- 3) якка отлар ва жамловчи отлар.

От сўз туркуми ҳақидаги Фитратнинг фикрларини олимларимиз худди шу тарздаги қарашлар билан таққослайдилар. Сўнгра бу фикрларнинг ўша давр тилшунослиги ҳамда бугунги фан нуқтаи назаридан илмий-амалий қиммати белгиланади.

Фитрат сифатларни ҳам туб ва ясама сифатга ажратади. Туб сифатлар: *оқ, қора, яхши, ёмон* ва бошқа. Ясама сифатларнинг эса бир неча хиллари ҳақида тўхталади: отга *-ги* қўшилиб ясалган сифатларни “бир кишида, бир нарсада бир ҳолнинг, бир нарсанинг борлигини кўрсатадир”, – дейди. Ўзакка *-сиз* қўшилганда эса, бир кишида, бир нарсада, бир ҳолнинг, бир нарсанинг йўқлигини кўрсатади”, деб *билимсиз, отсиз* каби сўзларни мисол қилиб келтиради. Олим худди шу тарзда *-имтил (саргимтил, оқимтил, кўкимтил), -иши (сарғиши, қизғиши, кўкиши), -ар (чопар, учар), -ма (босма, ёзма, терма), -қ (очик), -роқ (яхшироқ, баландроқ, билимсизроқ,) -гина (яхшигина, каттагина), -гон (ўқигон йигит, ёзишгон китоб)* каби сифат ясовчи

⁴⁸ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975.

қўшимчалар ҳақида тўхталади. Келтирилган ҳар бир қўшимчага алоҳида тўхталиниб, уларга ҳозирги тилшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилади. Улар ичида тарихий жиҳатдан ясама бўлса-да, ҳозирда туб сўз ҳисобланувчи сўзлар аниқланади. Масалан *-ган* қўшимчаси иштирок этган сўзлар ўтган замон сифатдоши, деб ўрганилган. Ҳар бир қўшимча синхрон ва диахрон планда текширилади. Ўрни билан “Сарф” асаридаги “ўртоқлик сифати” (*йўлдош, мунғдош*), “нисбат сифати” (*тарихий, адабий*), “жинс сифати” (*кумуш қалам, темир совут*), “оширма сифат” (*озгин, қизгин*), “ярарлик сифат” (*ўқурлик китоб, ярарлик сўз*) каби атамалар ҳақида тўхталиб, маълумот бериб ўтилади. Олим ясама сифатлар ҳақида гапирганда, алоҳида тасниф қилмасдан, умумий тарзда беради, лекин у айтган асосий тезислар кейинги фикрлар, таснифлар учун асос бўлган.

Ўша даврда олим томонидан айtilган оширма сифат ҳозирги орттирма даражага яқин келади. Лекин оширма сифатларни шакллантирувчи қўшимчалар ҳозирда бошқа формада ифодаланади. Феълнинг буйруқ шаклига *-гин, -гир, -гур* қўшилиб, Фитрат айтган оширма сифат ясалади: *озгин, кескин, қизгин, ўткир* каби мисолларни келтириб ўтган. Ҳозирги тилшуносликда ясама сифат эмас, туб сифатлар қаторида ўрганилади. Сабаби шуки, бу сўзлар синхрон планда ўзак ва морфемага ажратилмайди. Бу ҳол адабий тил тараққиёти билан ва тилда содир бўладиган ўзгаришларга боғлиқ.

“Сарф” асаридаги сифат сўз туркуми ҳақида гапирганда сонлар ҳақида алоҳида тўхталишни лозим топган. Чунки сонларни алоҳида ажратмасдан, сифат сўз туркуми ичида текширади. Бунга олим сон ва сифатларнинг синтактик вазифаларининг жуда ўхшашлигини асос қилиб олади. “Сарф” асари бир неча марта нашр қилинган, шундай бўлса-да, бу масалага ўзгартириш киритмаган. Бундан кўринадики, олим ўз фикрида қолган. У сонларни алоҳида туркум сифатида ажратмаса-да, барибир уларни алоҳида тавсифлайди – хусусиятларини алоҳида қайд этади. Бу ҳолни ҳозирги турк тилида учратиш мумкин. Асарда сонлар ҳам туб ва ясама деб икки гуруҳга ажратилади. Туб сонлар: *бир, икки, уч ва б.* Ясама сонлар эса қуйидаги

гуруҳларга ажратилади:

1. Сира сон – *биринчи, иккинчи, учинчи каби.*
2. Улуш сон: 1) *бирар, икишар, бешар каби;* 2) *биттадан, иккитадан, бештадан.*
3. Чама сон: 1) *ўнлаб, юзлаб, йигирматаб каби;* 2) *ўн-ўн беш, йигирма-ўттиз каби.*
4. Саналмишсиз сон – *иков, олтав каби.*
5. Ўртоқлик сон – *икала, учала каби.*
6. Оширма сон – *юзларча, мингларча.*

Фитрат қўллаган атамалар ҳозиргилардан фарқ қилса-да, олим томонидан соннинг тури ҳозирги таснифга яқин келади. Масалан, чама сон – чама сон. улуш сон – тартиб сон, саналмишсиз сон – ўртоқлик сони – жамловчи сон.

Нумератив сонлар бўйича ҳам фикр юритилганлигига гувоҳ бўламиз. Асарда ўлчов отлари деган атама учрайди. Бунга бир ютум сув, икки кадоқ узум каби бирикмаларни мисол сифатида келтиради. Бу мисоллардаги ютум, кадоқ сўзларини ўлчов отлари номи билан атаган.

Олим кейинги бобда феълга оид масалаларни ўрганиб, категориялар тизимини кўриб чиқади. Феъллардаги даража ва майл категориялари турларга ажратилмаганлигини кўрамиз. Олимнинг шахс-сон ва бўлишли-бўлишсизлик категориялари ҳақидаги фикри ҳозирги кун нуқтаи назардан ҳам илмий қийматга эга. Феълларда уч замон: ўтган, ҳозирги ва сўнгги (келаси)замон борлигини таъкидлайди.

Келаси замон буйруқ феъли деганда олим *ёз, ўқи (ёзма, ўқима)* кабиларни назарда тутди. *Ёзгил, боргил, кўрайин* каби шаклларни шу гуруҳга киритади. Олим келажак феълларининг *-ар, -ажак* қўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлишини айтади ва уларнинг шахс-сонда тусланишини қайд қилади. Бўлишсиз шакли эса *ёзар-ёзмас, ёзажак-ёзмайжак* кўринишида бўлади, деб кўрсатади.

Ўтинч феъллари эса феълнинг буйруқ шаклига *-гай(гай)* қўшимчасини

кўшиш орқали ҳосил қилинади: *ёзгай, келгай*. Бу феълнинг бўлишсиз шакли *ёзмагай, келмагай*, тарзида бўлади, шахс-сонда тусланади. Феълнинг буйруқ шаклига *-са* кўшимчасини кўшиш билан шарт феъли ясалиши таъкидланади: *ёзса, келса*. Бўлишсиз шакли *ёзмаса, келмаса* кўринишида бўлади. Кўзғатиш феъли шарт феълига *-чи* кўшимчасини кўшиш орқали ясалади: *ёзсачи, ёзмасачи*.

“Сарф” асарда ҳозирги замон феъли алоҳида гуруҳларга ажратилмайди. Олим бу феъл шаклининг *-и, -адир* кўшимчаси орқали ҳосил қилинишини айтади. Масалан, *ёза, ёзаман, ёзасан* каби. Бўлишсиз шакли эса *ёзмайман, ёзмай, ёзмайсан ва б.* Юқоридаги кўшимчалар (*-и, -адир*) 20-йилларда кенг қўлланган, ҳозирги адабий тилида *ўқийди, ёзади* шаклида ишлатилади. Ҳозирги замон феъллари *-ётир, -моқда* кўшимчалари орқали ясалиши ҳам асарда қайд қилинади: *ёзаётир, ёзмоқда* каби. Олимнинг ҳозирги замон феъллари ҳақида илгари сурган фикрлари ҳозирги қарашларга мос келади. Фақат ҳозирги ўзбек адабий тилидаги энг фаол кўшимча *-япти* ҳақида гапирилмайди.

Ўтган замон феъллари асарда 3 та турга ажратилади: кўрилган, эшитилган ва ҳикоя феълларига. Кўрилган феъл буйруқ шаклига *-ди* кўшимчасини кўшиш билан ясалади. *Ўқиди, яшади, келди* каби. Бу кўринишдаги феълларга ҳозирги тилшуносликда аниқ ўтган замон феъли деб қаралади. Эшитилган феъл эса ҳозирги фандаги тарихий ўтган замон феълига тўғри келади. Асарда эшитилган феълнинг икки хил: *-ган* ва *-миш* кўшимчаларини кўшиш билан ҳосил қилинадиган турлари кўрсатилади. *-миш* билан ясаладиган шакл (*ёзмиш, ёзмамиш* каби) ўша давр тилига хос хусусият, ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди. Асарнинг “Феълларнинг бобларга айрилиши”, “Бу бобларнинг ҳар бирдан бошқа боблар ясаш” деган бўлимларида олим ўтимли ва ўтимсиз феълларга тўхталади. Бу ерда ўтимли феълларга нисбатан биринчи боб “ўтим” феъли, ўтимсиз феълларга эса “салт” феъли дейилганлигини кўришимиз мумкин.

Кейинги йилларда ҳозирги ўзбек адабий тилининг морфологик

тузилиши ҳам бир қанча янги грамматик шакллар билан бойиди. Бу янгиликлар ўзбек тилининг ички ва ташқи манбаларидан фойдаланиш асосида ўзбек адабий тилининг морфологик тизимида пайдо бўлган янгиликлардан иборат, деб ҳисоблаш мумкин.

Фитратнинг тилшунослик соҳасида олиб борган изланишларнинг асосий ғояси унинг “Тилимиз” мақоласидан акс этган: “Сўзнинг туркчада ундирик кенглигига кўчираман. “Илм” ишининг туркчасидан ундирилган сўзлар шулардир: *бил, билар, билажак, билгуси, билгай, билгов, билсачи, билай, билди, билиб, билган, била бошлади, била ёзди, била олди, била турди, била берди, билиб, билгач, билгани, билмоқ, биши, билув, билмов, билим, билги, билмакчи, билгур, билмагай, билмаган, биши, билмсиз, билмай, билмаслик.*

Абдурауф Фитрат сўзларни, аввало, иккита катта гуруҳ – туб ва ясамага ажратиб, сўнг ясама сўзларни махсус гуруҳлар бўйича бирма-бир синчиклаб таҳлил қилади. Чунончи китобининг “Йосомо отлор” бўлимида, аввало, отларни маъно муносабатларига қараб ажратиб, уларнинг ҳар бирининг ясалиш усулини мисоллар асосида шарҳлайди. Жумладан, у “ўрин оти” – бир нарсанинг отини билдирмак учун шу нарсанинг отига *-лоқ (ов+лоқ, тош+лоқ), (куш+лоқ, ўт+лоқ) қўшилади каби.*

Шунингдек, бир ишнинг бўладиган ўрнини билдирмоқ учун шу ишнинг ўзагига (буйруққа) *-оқ (йот+оқ) қўшимчаси қўшилишини таъкидласа, бир ишни қилмоқ учун қурол бўлувчи нарсани билдирган ўзакка -гъч, -қъч, -гич, -кич (оч+гъч, уч+қъч, сово+гъч, сўз+гич), -гъ, -ги (чол+гъ, ўзан+ги) -оқ, -ак (куршо+қ, ўр+оқ, эла+к), -чоқ, -чак (йорғу+чоқ, белан+чак) қўшимчалари қўшилиши натижасида “қурол оти” ясалишини кўрсатади.⁴⁹*

Айни пайтда “кичикланган отлар”нинг *-чо, -ча, -қъно, -гъно, -гино, -кина* қўшимчалари билан шаклланиши изоҳланади. “Қўшма отлар” бўлимида бундай сўзларнинг отнинг бошқа турларидан фарқи, қўшма отларнинг ўзига хос хусусияти шарҳланган.

⁴⁹ Фитрат. Тилимиз // Иштирокиюн. – Тошкент, 1919. – № 132. – Б. 65.

Отларда сон категорияси *-лар, -лар* қўшимчаси асосида юзага келиши таъкидланади. Кўринадики, Фитратнинг отлар гуруҳидаги таҳлили бир томонидан тил тарихи, иккинчи томонидан умумхалқ тили билан узвий алоқадор, боғлиқ ҳолда олиб борилганлиги сабабли бу манбалар билан тилдаги узилиш сезилмайди. Ва бизга ўша давр тилидаги от гуруҳидаги сўзларнинг табиий ҳолатидан тўлиқ маълумот беради. Бинобарин, ўша қўшимчалар мумтоз адабиётимиз вакиллариининг барчасининг асарларида истеъмолда бўлган.⁵⁰

Абдурауф Фитрат туб сифатларга турли қўшимчалар қўшилиши эвазига ясама сифатлар ясаилини қайд этар экан, аксарият ҳолларда бу қўшимчалар феълнинг буйруқ шаклига қўшилишини таъкидлайди. Жумладан, *-гон* қўшилиб оширма сифат (*қопогон, билагон каби*) ясагани ҳолда, *йозмо, босмо, қўшмо каби* буйруққа *-мо, -ма* қўшилиб бир нарсанинг турини билдирувчи сифат (*босмо китоб каби*) ясаганини кўрсатади. Олим ўхшаш, каби “*-дек, -дой, -дай, йонгльг* сингарилар ўзидан олдин келган от билан бирга, ўзларидан кейин келган отнинг сифати, бундай сифатларга ўхшаш сифати деб, сифатдан кейин келган отни суфатловчи, деб таърифлайди.⁵¹

Шу ўринда алоҳида таъкидланиши лозим бўлган бир ҳолат шундан иборатки, ўқувчи ва талабага сўз гуруҳларини ўргатишда ва уни аниқлашда ўша сўзларга сўроқ бериш йўли тажрибада фаоллашиб кетди, дейиш мумкин. Бу ерда сўзнинг асосий бажариб келган вазифаси эътибордан четда қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, сўроқ бирламчи, сўзнинг маъноси, унинг қайси вазифани бажариб келаётганлиги иккиламчи бўлиб кетганлиги аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун “қизиқ китоб, қизиқ кулади” бирикмаларидаги “қизиқ” сўзини сўроқ бериш йўли билан айрим ҳолларда сифат гуруҳига киритиш ҳоллари ҳам учрайди. Ваҳоланки, бу сўзнинг ушбу ўринда бажариб келаётган вазифаси тамоман бошқа-бошқа, яъни биринчи бирикмадаги “қизиқ” сўзи

⁵⁰ Фитрат. Сарф. – Самарқанд–Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – Б. 12–14.

⁵¹ Фитрат. Сарф. - Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – Б. 16.

отдан олдин келиб, нарсага тавсиф бергани ҳолда, иккинчи бирикмадаги “қизик” сўзи феълга боғланиб, ўша ҳаракатга тавсиф бермоқда. Тилдаги худди шундай ҳолатни Абдурауф Фитрат жуда тушунарли ва қулай усулда таҳлил этади – яъни отдан бурун эмас, феълдан бурун келган сифатлар, сифат эмас, ҳол деб кўрсатиладики, бу ғоя бугунги тилшунослик учун жуда муҳим.

Фитрат феъл гуруҳидаги сўзларни таҳлил қилишга киришар экан, *келдим, келсанг, келмади* сўзларини мисол тариқасида келтириб, бу сўзларнинг ҳар бири бир феъл, деб таъкидлайди. Шунингдек, ҳозирги қўлланмалардан фарқли ўлароқ, ушбу қўлланма муаллифи “Ҳар бир феъл, бир иш билан унинг ишловчиси, ҳам бир замонни билдиради”,⁵² деб уқтиради.

Абдурауф Фитрат “иккинчи ўзакдан йосолғон феъллар” ҳақида тўхталар экан, шундай ёзади: “Буйруқдан эмас, от – сифатка қўшимчалар қўшиб тузилган феълларга “иккинчи ўзакдан йолсолғон феъллар” деймиз, бу турли феъллар от, йо сифатка кўбрак “-ло, -ла” қўшилиб йосолодър, *оқломоқ, кучламоқ*”.⁵³ Юқоридаги таҳлилни ҳозирги грамматикалардаги таҳлиллар билан қиёсласак, солиштирсак, ҳозирги илмий адабиётларда бу тарздаги амалий таҳлилларни деярли йўқ, дейиш мумкин.

Фитрат содда феълларнинг ясалиш усулини таҳлил қилиб бўлгач, қўшма феълларнинг шаклланиши, унинг ясалишини ҳам жуда оддий ва тушунарли тилда тушунтиради.⁵⁴ Бунда ҳам аввал содда феълларни якка тартибда келтириб, сўнг уларнинг нутқда бирикиб қўлланишини ва бу ҳолат янги турдаги феълни шакллантиришини изоҳлайди. Масалан, “*йоздъм, бошлодъм*” бизда йуқоридаги икки феъл бир-бирига қўшилиб, иккисининг маъноларидан аралаш “сир маъно” бературғон бир феъл бўладур” – *йозо бошлодъм, кела бошлодъ*” каби. Бунго биз қўшмо феъл” деймиз.⁵⁵

Олим ҳар бир гуруҳдаги сўзларни туб ва ясамалиги нуқтаи назардан

⁵² Ўша манба. – Б.20.

⁵³ Ўша манба. – Б.21.

⁵⁴ Ўша манба. – Б.38.

⁵⁵ Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент: Республика ўқув-методик маркзи, 1995. 64 б.; Фитрат. Сарф. – Самарқанд -Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – Б. 30.

бирма-бир таҳлил этиш жараёнида феълларни бутунлай ясама, от гуруҳидаги сўзларнинг аксарияти туб, камроқ қисми ясама, сифат гуруҳидаги сўзларнинг эса озроғи туб, кўпчилик қисми ясама, кўмакчи, яъни ёрдамчи сўзларнинг ҳаммаси ясама деган илмий хулоса чиқарадики, бу назария бугунги тилшуносликда ҳам ўзининг илмийлигини йўқотмаганлигидан ташқари, ўзининг амалийлиги билан ҳам кадрлидир: “Феъллар бутунлай – йосомо!. Отларнинг ози-йосомо”, кўби – “туб”. Суфатларнинг кўби – “йосомо! – ози – “туб”. Кўмакчи сўзнинг ҳаммаси “Туб сўз” саналадур”⁵⁶

Бу ўринда яна изоҳталаб бир ҳолат шундан иборатки, Фитрат сўзларнинг “туб” ва ясама”лигини ниҳоят даражада синчиклаб текшира бориб, ўзакнинг ўзини ҳам “биринчи ўзак”, “иккинчи ўзак” деб иккига ажратади. Айни пайтда “йосомо” сўзларнинг турли ўзакдан ясалишини таъкидлаб, “биринчи ўзак”, “буйруқ сўз”, иккинчи сўз ўзак от, ё сифат бўлади, деган ғояни илгари сурадики, бу ғоя – хулоса амалий жиҳатдан ҳам ўз асосини топган.

Шу ўринда алоҳида таъкидланадиган бир ҳолат мавжуд. Бу Фитратнинг китобидаги усул йўналиши, шарҳларидаги ўзига хослик. Дарҳақиқат, олимнинг изоҳлаш усули ҳозирги дарслик ва илмий асарлар усулидан тубдан фарқланади. Фитратнинг “Сарф” китобида аввал матн вазифасини бажарувчи сўз берилиб, сўнг улар таҳлил этилади. Ва шу асосида олимнинг назарий хулосалари юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, Фитрат амалийдан назарияга қараб борганлиги бу олимнинг илмий хулосаларининг ҳаётийлигини ва айни пайтда унинг яшовчанлигини таъминланган.

Кейинги йилларда яратилган “Ўзбек тили грамматикаси” китобининг 1-қисмида морфологиянинг барча жиҳатлари таҳлилдан ўтказилган. Морфология, умуман, сўз ҳақидаги таълимот бўлмай, балки сўзнинг грамматик томонини текширадиган илмдир, дейилган. Грамматик аспект – сўзнинг бир томони, қулайлик учун уни биз текшириш объекти сифатида

⁵⁶ Фитрат. Сарф. - Самарқанд. –Тошкент: Ўздавнашр, 1930. – Б. 12.

кўрсатамиз, зотан эса, у сўз бошқа аспектларидан ажралмайди. Қиёсланг: луғат китобларида сўзларни айрим-айрим, узук ҳолда кўрсатамиз: уларни якка ҳолда олиб, турли хусусиятларини тасвирлаймиз, ҳолбуки, улар алоқа-аралашув процессида, тилнинг ўз функциясини бажаришида, нутқда бошқа сўзлар билан боғланган бўлади.⁵⁷

Китобда, сўз – тилнинг мустақилликка эга бўлган, маъно ё эмоциянал маъно билдирадиган ҳамда фонетик, грамматик жиҳатдан шаклланган бўлиб, тугалликни ифодаладиган бирлик сифатида талқин қилинади. Демак, сўз – шакл ва маъно жиҳатидан яхлит бўлиб, у семантик ва фонетик, грамматик бутунлик сифатида қаралади. Бу ҳолат сўзнинг бир-бирдан ажралмайдиган икки томоннинг – маъно (ички томон) ва товуш (ташқи томон)нинг бирлигидан иборат эканлигини билдириб туриши айтиб ўтилган. Бугунги кунда ишлатилаётган тилдаги сўзларнинг структураси – маъноси ва шакли бора-бора ўзгарган бўлишини мисоллар тасдиқлаб турибди: эски ўзбек тилида: *ўлтур* (ўлдириш ва ўтириш маъноларида) – ҳозирги ўзбек тилида: *ўлдир* ва *ўтир*; *сўрди*, *битди* (эски ўзбек тилида) *сўради* ва *битди* (ёзди, ҳозирги ўзбек тилида). Бу, биринчидан, тил тараққиётининг турли даврларига кўра, иккинчидан, диалект-шевдаларга кўра, учинчидан, стилистик хусусиятларга кўра фарқланиши мумкин. Сўзнинг тузилишида лексик ва грамматик маъноларнинг бир бутунликдан ташкил бўлиши.

Дарҳақиқат, лексик ва грамматик маъно, грамматик форма ходисалари, уларнинг ўзаро муносабати грамматик жараёнларнинг турли кўринишларида сезилиб туради, сўзнинг грамматик маъносининг грамматик формага қараб аниқланиши, сўзнинг қайси туркумга киришига қараб, лексик маънонинг маълум грамматик маънолари билан боғланиши, лексик маънонинг ўзгариши билан сўздаги грамматик маънонинг ва форманинг ўзгариши ва маъно билан унинг формал ифодаси бирга бир бутунлик ҳосил қилувчи, бири бошқасисиз мавжуд бўлмайдиган, ажралмайдиган,

⁵⁷ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.53–60.

ажралмас ҳодисалар, уларнинг бирлиги грамматик категорияни ташкил қилади, деб айтиб ўтилган. Ҳар бир сўз туркумининг таснифловчи грамматик категориялари бор: отда сон категорияси, феълда нисбат категорияси каби. Демак, грамматик категория – тил бирликларининг умумий хусусиятидандир. Бу умумийликнинг ўзи ҳам нисбат билан белгиланади. Масалан, ҳар бир сўзнинг мазмун ва тузилиш типи лексик ва грамматик маъноларнинг ўзаро муносабатига қараб белгиланади, шунга кўра, сўзларнинг от, феъл каби йирик группа – туркумларга бўлинишининг ўзи ҳам грамматик (лексик-грамматик) категория (от категорияси, сифат категорияси каби), шу билан бирга, ҳар бир туркумнинг ўзига хос шахс, сон, замон каби ҳодисалари ҳам грамматик категория. Демак, грамматик категория жуда кенг маънода сўз туркумларини ўз ичига олади, тор маънода сон, замон каби умумлашган маъноларни, форма ясашни кўрсатувчи категорияларни билдиради (бу маънолар маълум форма билан ифодаланган бўлади) сўз туркумлари (булар: лексик-грамматик категориялар) энг «йирик», «юқори» грамматик категорияни кўрсатади.⁵⁸

Умуман олганда, грамматик категориялар бевосита морфологияга хос бўлган – сўз туркумлари, яъни туркумлардаги сон, келишиқ, замон каби бир қанча тил ҳодисаларни, шунингдек, эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол каби синтактик категорияларни ҳам ўз ичига олади. Аммо бу ҳодисалар бир-бири билан шу қадар боғлиқ бўлганидан, морфологик категориялар ва синтактик категориялар деган номлар билан ажратишнинг жуда ҳам шартли эканлиги алоҳида уқтирилган. Бу тилшуносликда кейин янада ривожлантирилди.⁵⁹

Демак, морфологик категориялар сўзнинг қайси туркумга кириши билан боғлиқлигини билдириб, улар, табиийки, сўзнинг туркумини ўзгартирмайди. Лекин сўзнинг грамматик маъноси бир туркумга кирадиган сўзларнинг ҳаммасини бирлаштиради, у лексик маъно билан боғлиқ, ҳар

⁵⁸ Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. Тошкент: Фан, 1975. – Б. 63.

⁵⁹ Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996.

бир сўз туркумининг лексик-грамматик маъноси шу туркумнинг грамматик категориялари ва семантик хусусиятларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Китобнинг 64-бетида сўзшакллари ҳақида сўз боради. Сўзшакллари тушунчаси бир сўзнинг ўз лексик маъносини сақлаган ҳолда шакл жиҳатдан турли тусга киришини билдириб, сўзнинг шаклида ҳар бир сўз туркумининг асосий фарқловчи белгиларидан, у ўша сўзнинг асосий ва шакл қисмга бўлиниш хусусиятини кўрсатади: *олма – олмани, олмага, олмадан; югур – югурдим, югурдинг, югурдик...*

Грамматик шакллар грамматик маъно ифодаловчи воситалар бўлиб, сўз шакли ҳосил қилишнинг асосий йўллари – усуллари синтетик йўл билан: аффикслар қўшиш – аффиксация орқали (сўз ўзгартувчи аффикс орқали: *далага (кетди), даладан (қайтди)* ва шакл ясовчи аффикс орқали: *(каттароқ, сарғиш)*, аналитик йўл билан (ёрдамчи сўз орқали: *бораётган эдим (эдинг), (бола учун, бола билан)* ҳамда аралаш йўл билан (бунда аффикс ҳам, формал сўз ҳам иштирок қилади: *(паркка қадар, мен бораман)* ҳосил қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўзнинг морфологик таркибини таҳлил қилиш, сўз билан морфема; ўзак билан негиз муносабатини аниқлаш, морфемаларнинг тузилиши ва таснифи каби ҳодисаларни ўз ичига олиши кўриб ўтилган, сўз ва морфемани таҳлил қилиб ўтган. Бунда сўзнинг таркибини грамматик жиҳатдан текширганимизда, унда маълум маъно англатадиган қисмларни, бу қисмларнинг ўзаро боғланганлигини кўрамиз.

Сўзнинг морфологик структураси унинг айрим маънога эга бўлган шундай грамматик элементлардан ташкил топиши – грамматик қисмларга бўлиниши. Сўзнинг бундай бўлинмас, энг кичик қисмлари морфема, деб аталади. Сўзнинг морфологик структураси, морфемаларга ажралиш хусусияти, шуни кўрсатадики, унинг таркибидаги бу элементлар ўзак ва аффиксдан иборат эканлиги кўрсатилган. Тил бирликларининг энг

муҳимларидан бири бўлган морфема – сўзнинг минимал, энг кичик маъноли кисмидир, деб берилади. Масалан, *йиғ-ил-иш-лар-да* сўзида морфологик бирлик маъносини йўқотмай туриб қисмларга ажралмайди: ундан кейинги бўлиниш морфологик тузилишни эмас, балки фонетик хусусиятини кўрсатади; товушлар сўз маъносини фарқлашга хизмат қилса ҳам, лекин маъно билан боғланмайди. Булардан келиб чиқадики, тил ходисаларининг маъно билан боғлиқлигини бевосита билдирадиган – маъно берадиган, бу боғланишнинг чегарасини кўрсатадиган энг кичик бўлак морфемадир, деб таъкидлаган. Демак, бундан шундай маъно келиб чиқадики, товуш ва маънонинг бир бутунлигидан иборат бўлиш, маъно англатиш хусусияти сўзда ҳам бор, лекин булар бир қанча белгиларга кўра бир-биридан фарқланиши, сўз морфемаларга бўлиниш, нутқда бошқа сўзлар билан муносабатга кириш, гап бўлаги функциясида келиш – бирор синтактик вазифага эга бўлиш хусусиятларига эга. Морфема эса, биринчидан, нутқда мустақил қўлланмайди, сўз составидагина яшайди, иккинчидан, маъноли қисмларга бўлинмаслигини келтириб, морфемалар ўз характерига кўра икки хил: ўзак морфема ва аффиксал морфемаларга бўлиниши изоҳланган. Ўзак морфема сўзнинг лексик маъносини билдирувчи асосий қисм, аффикслар шу ўзак билан бирга, шу орқали қўлланади. Шунга кўра, ўзак морфема маъносида асосий морфема ва аффиксал морфема маъносида эргаш морфема (ёки ёрдамчи морфема) терминлари ҳам ишлатганлигига гувоҳ бўламиз.

Китобнинг 67-бетида ўзак ва сўз муносабати ҳақида сўз боради. Ўзбек тилида қўшимча қўшишда ўзакнинг фонетик ўзгариши кам учрайди, шунга кўра, унда ўзак билан сўз кўпинча ташқи кўринишдан ўхшаш бўлади (уларнинг орасида семантик алоқа бўлади: бил-билим, гавда-гавдали каби).⁶⁰ Морфологик тузилиши жиҳатидан бўлинмас ҳолдаги сўзнинг ўзак билан бир хил кўринишда келиши, шунингдек, ўзак ва сўзнинг ҳар иккаласининг ҳам маъно англатадиган элемент бўлиши, уларнинг алоқа-

⁶⁰ Ўзбек тили грамматикаси. 1-қисм. — Тошкент: Фан, 1976. — Б. 68.

аралашув жараёнида ҳосил бўладиган ҳодисалар – нутқ ҳодисалари эмас, балки тил ҳодисалари эканлиги бу элементларнинг яқин муносабатини кўрсатади, лекин, шундай бўлса ҳам, булар бир-бирига тенг ҳодисалар эмас. Демак, сўз ва ўзак – сўз ва морфема бир-бирига тенг эмас. Чоғиштиринг: *ўр – ўроқ, бетон – бетончи: ўр, бетон сўзлари бошқа сўзлар билан синтактик алоқага кириша олади (тез, ўр, бетон қуйилади каби), шу формадаги ўроқ, бетончи сўзларидаги ўзаклар эса сўзнинг бир элементи, бундай хусусиятга эга эмас. Бу ўринда сўзнинг морфемаларга бўлиниши, морфеманинг эса ажралмас элемент эканлиги, сўзнинг грамматик жиҳатдан шаклланган бир бутунлик, аниқ бир лексик-грамматик категорияга – сўз туркумига кириши, морфеманинг (ўзак морфеманинг) шу сўз мансуб бўлган туркум билан бир хиллик яратиши шарт эмаслиги – бундай туркумларга ажралишнинг сўзгагина хослиги (қиёсланг: *сутчи – от, ўроқ – от, тозала – феъл*) каби ҳодисалар ҳам ўзак билан сўз орасидаги фарқлар борлигидан далолат. Шуниси аниқки, морфема ва сўз бир-бирига тенг ҳодисалар эмас: улар ҳар хил томонлари билан бир-биридан ажралиб туриши, аффиксал морфеманинг баъзи томонлари ёрдамчи сўз билан ўхшаш эканлиги сезилиб туради.⁶¹*

Ўзак ва негиз муносабатига келадиган бўлсак, сўзнинг «ўзак + ясовчи аффикс» тусидаги қисми, негиз сифатида баҳоланган (ишчиларнинг сўзида (*иш – ўзак, -чи – аффикс, ясовчи, демак: ишчи – негиз*, қолган аффикслар сўзнинг шаклини ҳосил қилади). Ўзбек тилида аффикслар суффикс (ўзакдан кейин қўшиладиган эргаш морфема) характерида бўлганлигидан, негиз асосан «ўзак + ясовчи аффикс» шаклида бўлади, лекин бошқа тиллардан кирган префиксларнинг мавжудлиги ва бу префиксларнинг сўз ясовчи морфема характерида бўлиши негизнинг «префикс+ўзак», шунингдек, «префикс + ўзак + ясовчи аффикс» шаклидаги типлари ҳам ҳосил қилиниши мумкин эканлигини кўрсатади. Кўринадики, негиз ва ясама сўз тушунчалари ўзаро алоқадор, лекин булар бошқа-бошқа ҳодисалар.

⁶¹ Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. — Тошкент: Фан, 1992. – Б. 10-21.

Ўзбек тилида сўзнинг морфологик структураси жиҳатидан ажратилган қисмлари – ўзак ва аффикс ўзаро боғланган ҳодисалар, буларни чоғиштириш йўли билан текшириш улардан ҳар бирининг хусусиятларини тўла аниқлашга ёрдам беради. Чунки ўзакнинг сўздаги асосий лексик маънони англатиши, сўзнинг қариндош сўзларга умумий бўлган, ажралмас, энг кичик маъноли бўлаги эканлиги унинг умумий хусусияти. Умуман олганда, китобда ўзакларнинг фонетик структураси: 1) бир унлидан иборат (у каби); 2) унли+ундош; 3) ундош+унли; 4) ундош+унли+ундош; 5) унли+ундош+ундош; 6) ундош+унли+ундош+ундош; 7) ундош+ундош+унли+ундош; 8) ундош+унли+ундош+ундош+ундош; 9) ундош+ундош+унли+ундош+ундош), ўзакларнинг ҳозирги ва тарихий ҳолатлари ўзак (*бўйин* (*бўй-ин*), *биқин* (*биқ-ин*), *юррак* (*юр-ак*), *қишлоқ* (*қиш-ла-қ*), *яйлов* (*яй-ла-в*), *чўмич* (*чўм-гич* > *чум-ич*), *ўра* (*ўр – чуқур, настлик*), ўзакларнинг эркин ва боғлиқ жиҳатлари (*эпчил* сўзининг ўзаги *эп* морфемаси. Қиёсланг: *эпла* (*эвла*), *эви* (*эти*) келганда..., *эпақа* (*эпақага* келмаса...). Лекин бу ўзак аффиксдан ажралиб, сўз каби қўллана олмайди. Бу хусусиятга кўра ўзаклар иккига бўлинади: эркин ўзаклар ва боғлиқ ўзаклар. Мисолларни чоғиштиринг: етакла (қиёсланг: етакчи, лекин “етак” қисми эркин эмас: шеваларда эркин ўзак сифатида бунинг етов шакли бор: етов-и-ни), эмакла, кўргиси келди (*кўрги – кўр-гу: феълдан ясалган: кўрги-си. Қиёсланг: кўргим келди, кўргинг келди; боргим келди, боргим йўқ*).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилдаги сўзларнинг от, сифат, феъл каби тўдаларга бўлиниши уларнинг ҳам сўзлик ҳолати (товуш ва маънонинг ажралмас бирлигидан иборат бўлиши) ҳам грамматик хусусиятлари (морфологик хусусиятлари ва синтантик функцияси) асосида майдонга келади, ҳар бир сўзда лексик-грамматик томонларнинг бирлиги бор. Шу сабабли бундай тўдалар лексик-грамматик категориялардир, дейилган.

Сўзларнинг лексик-грамматик категориялари таснифи морфологик принцип, лексик-семантик принцип ва синтактик принципларга таянади.

Морфологик томонга таяниб сўзларни формал-грамматик белгиларига, морфологик хусусиятларига қараб тўдаларга ажратилса (сўз ўзгартирувчи аффикслар олиш ёки олмаслик, ўзгариш-ўзгармаслиги (сон, эгалик, келишик, шахс-сон аффиксларини олиб ўзгариш ёки ўзгармаслик; турланиш ва тусланиши ва б.), сўзларни лексик-семантик томонига қараб тўдаларга ажратиш эса уларнинг мундарижасини асос тутишдир (от предмет маъносини ифодалайди, феъл ҳаракат ва ҳолатни билдиради, сифат предметнинг белгисини билдиради) ҳамда сўзларнинг синтактик томони унинг сўз қўшилмасида, сўз бирикмасида ва гапда бажарадиган вазифаси эканлиги илмий манбаларда батафсил ёритилган.

Демак, сўзларни туркумларга ажратишда юқоридаги белгиларга асосланамиз. Сўзларни маълум белгилар жамланмаси асосида лексик-грамматик гуруҳларга ажратишда бир томоннинг ўзигагина таяниш, шу билан чегараланиш – сўзларнинг табиатига мос келмайди. Сўз лексик ва грамматик томонларнинг бирлиги, грамматик жиҳатдан қараганда, сўз – турли шаклларининг (сўз шаклларининг) ва улар ифодалайдиган грамматик маъноларнинг йиғиндиси, сўзларнинг туркумларга ажралишида бу ходисалар асосий таянч, бунда сўзларнинг маъно, формал-грамматик хусусият ва синтактик функция жиҳатидан бир хиллиги инобатга олинади. Шунга асосан, тилдаги сўзларнинг асосий қисмини мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзлар, булардан ташқари, модал сўзлар, ундовлар, тақлид сўзлар ҳам айрим-айрим гуруҳларни ташкил қилиши назардан четда қолдирилмаган.

Мавзуга оид назорат саволлари.

1. Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишида Фитратнинг қарашлари.
2. Фитратнинг сўз туркумларига муносабатини тушунтириб беринг?
3. Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишида рус олимларнинг қарашлари.
4. Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишида Европа

олимларининг қарашлари.

5. Ўзбек илмий тилшунослигида сўз туркумларига оид муносабатлар.

Адабиётлар рўйхати

1. Академик Л.В.Щербанинг Умумлингвистик ҳамда грамматик қарашлари //Академик Л.В.Щерба хотираси. – Ленинград, 1956.
1. Алишер Навоий. Асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1964. 14–жилд. – 782 б.
2. Беҳбудий. «Сарт» сўзи–маълум бўлмади // Ойна. – Тошкент, 1914. №39. – Б. 922–924.
3. Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. № 1,2. – Москва, 1964.
4. Қаюмий Ҳ., Долимов С. Грамматика. Наҳв. – Тошкент, 1933. №1.
5. Қурбонова М. Фитрат – тилшунос. – Тошкент: Университет, 1996. – 29 б.
6. Фитрат. Сарф. – Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1930.
7. Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан.ном... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 29 б.

Ўзбек илмий тилшунослигига Европа морфологик талқинларининг кириб келиши

Таянч тушунчалар: Европа тилшунослиги, Европа ва Шарқ анъанаси, фонетика, сўз ясалиши, морфемика, лексикология, морфология, синтаксис, пунктуация, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов сўз, тақлид сўз, модал сўз.

Ўзбек тилининг морфологик тизимини ўрганишда янги давр, яъни Европа тилшунослиги мезони асосида таҳлил ва тавсиф қилиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса, бу йўналишда биринчилардан бўлиб Херман Вамберининг немис тилида эълон қилган “Чигатой тили дарслиги»

нашр қилинганлигини қайд этиш мумкин. Унинг ўзбек тили морфологик тизимини талқин қилишда таъсири сезиларли бўлмади, чунки Россиянинг таъсир ва таъйиқининг кучлилиги немис тилшунослиги мезони асосида ўзбек тили морфологик тизими талқинига салбий таъсир кўрсатди. Шу боисдан, ўзбек тили морфологик тизимини Европа тилшунослиги ютуғи асосида талқин этишнинг ўзи бир неча ички босқичга ажратиш асосида амалга оширилганлигини кўрамыз. Бу – 1900–1924 йил, 1925–1940 йил, 1940–1990 йил, 1990 йилдан ҳозирга қадар бўлган давр. Демак, ажратилган ҳар бир босқич ўз хусусиятига эга, 1900–1924 йилларда ўзбек тили морфологик тизимининг талқин ва тавсифида икки йўналишни фарқлаш мумкин. Биринчисига рус туркийшуносларининг Ўзбекистоннинг, асосан, лисоний хусусият жиҳатидан XIV–XIX асрда қарлуқ асосли ёзма адабий тили – эски ўзбек тили анъанасини давом эттирувчи ўтrock аҳолиси (ўша давр терминологиясига кўра, сарт, сорт) нутқининг морфологик хусусияти тавсифига бағишланган ва русийзабон мутахассиснинг маҳаллий аҳоли тили билан танишиш мақсадини кўзлаб ёзган асарлари.⁶² Унтер-офицер Ефремов, тадқиқотчи М.А.Терентьев, В.Наливкин, М.Наливкина, Н.Остроумов, Н.Будзинский, П.Е.Кузнецов, Н.Н.Пантусов кабиларнинг ўзбек тили ва шевасининг умумий хусусиятини таништирувчи ишларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Асосий масала иккинчи йўналишда 1905–1920 йилларда жадидчилик доирасида, ўзбек миллатидан етишиб чиққан ёш олим ва фозиллар М.М.Фахриддинов, С.Саидазизов, Ш.Зуннун, М.Абдурашидхонов, А.Зоҳирий, М.Бехбудий, К.Рамазон, А.Авлонийнинг янги турдаги ўзбек мактаби учун илк қўлланмасини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бироқ бу даврда ўзбек тили морфологик тизимининг яхлит шарҳини бериш вазифаси қуйи масалалар сифатида кўрилар эди. Айнан шу масала Ўзбекистонда она тилида илк миллий дарслигини яратиш билан боғлиқ долзарб вазифа

⁶² Фазылов Э.И., Чичулина Л.Г. Русские тюркологи и узбекское языкознание. – Ташкент: Фан, 1979. – С.216; Аширбоев С. Ўзбек тили морфологик қурилишининг ўрганилиш тарихидан // 1875–1917 йиллардаги рус тюркологлари асарлари асосида: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1975. – 23 б.

эканлиги боис кейинги навбатга қўйилиши ҳал этилди ва амалга ошириш ишлари белгилаб олинди.

Мунаввар Қори, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннуннинг «Ўзбек тили сабоқлиги» ва Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек тили қоидаси» тўғрисида бир тажриба: «Сарф» дарслиги нашри билан ўзбек тили морфологиясининг яхлит, изчил таҳлил ва талқинига тамал тоши қўйилишига сабаб бўлди. Бу вазиятда Фитратнинг том маънода замонавий Европа дарслик типига асари беш йил давомида ўзбек мактабида амалда бўлганлиги боис, фанализ таракқиётига катта таъсир кўрсатиб, биринчи замонавий морфологик таҳлилни белгилаб берувчи бу дарслик устида тўхталиш шарт эканлиги сезилиб турарди. Туркий тилшунослик ҳамда замонавий ўзбек фанининг шаклланиши ва таракқиётига муҳим ҳисса қўшган Фитратнинг илмий ва ижтимоий, жумладан, лингвистик дунёқараши биздан анча олдин, XIX аср Европа фани ва маданияти таъсирини Туркияда ўқиган йилларида (1909–1913) ўзига сингдирган эди.

Европа лингвистик таҳлил тамойилини шарқий анъана чиғириғидан маълум даражада ўтказиб, ўз тили қурилишини ўзига мослаштирган замонавий талқин усули билан тавсифлаган ёш турклар изидан бориб, унинг талқини, сўз туркуми, грамматик категориянинг таснифи каби тилшуносликдаги ечимини кутиб турган морфологияга оид муаммолар ҳал этила бошланди. Бунга мисол сифатида Е.Поливановнинг 1891–1938-йилларда яратилган тадқиқотини келтириш мумкин⁶³. Демак, Фитрат тавсифининг ҳам, Поливанов тавсифининг ҳам бош манбаи рус тилшунослигида XIX аср ўртасида ишлаб чиқилган, тезда Европа тилшунослигида ҳам кенг оммалашган муосир тилнинг синхроник тавсиф методи бўлгани ҳолда, Фитрат бу методни семантик, ономасиологик, мазмун-фикрдан тилга тамойили кучли Француз вариантини ўз анъана ва тилига қисман мувофиқлаштирган турклардан олган, Поливанов эса, шу методнинг рус тилшунослигида ишлаб чиқилган ва муосир туркий тил

⁶³ Поливанов Е. Краткая грамматика узбекского языка. Ташкент–Москва: Туркпечать, 1926. – 123 с.

тавсифида синалиб, ўзини тўла-тўқис оқлаган, формал кўринишда ишлаб чиқилган илмий тушунча ва грамматик талқин чизмаси асосида ўзбек тили қурилиши тавсифини беришга ва шу билан қўйириқда кўриб ўтиладиган “Олтой тили грамматикаси” моделини ўзбек тилшунослигига олиб киришга интилган ва бунга қисман бўлса-да, муваффақ бўлган.

Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишида Фитратнинг тил тавсифида бош методологик тамойил мазмундан → тилга бўлганлиги сабабли⁶⁴ унда барча масала “лисоний бирлик-шакл нимани ифодалайди?” йўналишида эмас, балки “маълум бир мазмун тилда қандай ифодаланади?” тарзида қўйилади, тавсиф ва талқини шундан келиб чиққан ҳолда берилиши инобатга олинган. Француз тилшунослигида кучли бўлган бу тамойил моҳиятан ўша давр синхроник тилшунослигига Европада XVII–XVIII аср тилшунослиги рационал, мантиқий грамматика йўналишининг таъсирида бўлган. Қизиғи шундаки, турклар бундай ёндашишни французлардан, Фитрат эса турклардан ўзлаштиришга муваффақ бўлган. Олим шарқона анъана таъсирида сўз туркумларини от, сифат, феъл, кўмакчиларга ажратган, олмош от ва сифатнинг бир тури сифатида ажратилиб, сон сифат таркибига, равиш эса от, сифат ва айрим кўмакчи ичига киритилади, отдан эса фақат сон категориясигина ажратилганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ мазмун тамойилидан келиб чиққан Фитрат кичрайтириш отини, отнинг ўнлаб маъновий турини, унинг ясалишини ажратиб таҳлил қилади. Бунда феълни ўтим ва салт, бўлишли ва бўлишсизга ажратиб, унинг шаклини тасниф этишда ҳам Фитрат Европа ва Шарқ анъанасига асосланган ҳолда тадқиқ қилди. Феъл сўз туркумидаги тусланган феълнинг бош шакли сифати III шахс бирлик сон кўринишини олади, сифатдошни сифатга, майлни замон маъносига кўра ўтган, ҳозирги, сўнгги (келаси) замон шакли ичига сингдириб юборади, нисбат шаклини, араб-турк тилшунослиги анъанасига мувофиқ кўриб ўтади. Олимнинг “Сарф” асарида алоҳида парадигмага бирлаштирилмаган ҳолда келишик шакли ҳақида ҳам маълумот

⁶⁴ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 145.

берилганлигини кўрамиз.

Фитратнинг бу иши ўзбек тилшунослигида морфологиянинг илк тавсифи сифатида тарихий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, чунки у 1943 йилгача амалда бўлган бошқа дарсликда берилган морфологик талқинга кучли таъсир кўрсатган бўлса ҳам, асарнинг тугалланмаганлиги ҳаммамизга маълум. Булар ҳақида юқорида фикр айтилган.

Ўзбек тилшунослигининг морфология бўлими Европа ва рус тилшунослиги томонидан жиддий ўрганилган соҳалардан бири. Жумладан, В.В.Решетов “Основы фонетики и грамматики узбекского языка”,⁶⁵ А.М.Щербак “Грамматика староузбекского языка”⁶⁶ А.А.Кононовнинг “Грамматика современного узбекского литературного языка”⁶⁷ асарлари орқали ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларини таҳлил қилиш ва ўқувчи онгига етказиб бериш бўлганлиги сир эмас.

Профессор В.В.Решетов ўзбек тилида мустақил ва ёрдамчи сўзларни аталиши рус тили каби бир хил эканлигини эслатиб ўтади ҳамда мустақил сўз туркумларини 6 та, ёрдамчи сўз туркумларини эса 4 турга бўлиб ўрганган.⁶⁸ Олим асарнинг 61-бетида бугунги кунда мунозарага сабаб бўлаётган морфема тушунчасига ҳам тўхталган, айнан ўзакка қўшилувчи қисм морфема эканлиги алоҳида таъкидланади.

Сўзнинг лексик маъносини ифодаловчи қисмини сўз ўзаги ҳисобида талқин этган. Бундан ташқари, тилшунос сўз ясовчи *-чи, -чин, -ла, -сиз* каби қўшимчаларни; шакл ясовчи *-лар, -миз, -ди* каби фақат сўзнинг шаклини ҳосил қилувчи ҳамда сўз олдидан қўшиладиган қўшимчаларни ҳам таҳлил қилиб ўтган. Ўзбек тилидаги унумли ва унумсиз қўшимчалар ҳам назардан четда қолдирилмаган. Асарда ўзбек тилида агглютинатив ҳодисанинг имкониятлари тўлиқ очилиши мисоллар орқали (*қиш+ло+қ+лар+имиз+*

⁶⁵ Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент: Учитель, 1965. – С. 9–210.

⁶⁶ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. Москва-Ленинград: Академ наук СССР, 1962. – С.92–207.

⁶⁷ Кононов А.А. Грамматика современного узбекского литературного языка. Москва-Ленинград: Издательство Академ наук СССР, 1960. – С.63.

⁶⁸ Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент: Учитель, 1965. – С.59–60.

да+ги+лар+ники+га) батафсил таҳлил қилиб ўтилган.⁶⁹

Олим сўзнинг лексик маъно ифодаловчи қисмини ўзак (*ши, бола, ўқи*) ва шу ўзакка ясовчи қўшимча қўшилган қисмини эса (*ши+ла, бола+ли, ўқув+чи*) негиз сифатида талқин қилади. Сўзнинг тузилиши содда, қўшма ва жуфт сўзлардан иборат эканлиги, такрор сўзлар жуфт сўзларнинг таркибида ўрганилиш (*катта-кичик чой-пой*) маъқул эканлигини таъкидлаб ўтган. Олим ўзбек тилшунослигидаги от ва феълларда ишлатиладиган қўшимча ва юкламаларни алоҳида таҳлил қилган. Чунки булар асосий сўз туркумлари сифатида баҳоланган бўлса, ажаб эмас.

Отларга қўшилувчи кўплик, эгалик, келишик қўшимчаларини таҳлил қилиш билан бирга, кесимлик шаклларига ҳам замон, шахс-сон шакллариининг қўшилиши таҳлилга тортилган ҳолда кесимлик шаклида қўлланувчи шахс-сон қўшимчасининг олмошларда қўлланиб гапнинг кесими вазифасида келишини ҳам алоҳида ўрганиб чиққанлиги асарда батафсил баён этилган. Юкламаларнинг қўлланишидаги маъно ва вазифаларини мисоллар орқали кўрсатиб,⁷⁰ *тўлиқсиз феъл* ва *йўқ* сўзининг юзага келиши⁷¹, ишлатилиш ўринларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган.

Келишик қўшимчасининг худди рус тилидаги каби қўлланиш ҳолатига эътибор бериб, сўзларга қўшилиши, вазифаси ва рус тилидан фарқли жиҳатларини алоҳида таҳлилдан ўтказганлиги (чиқиш келишиги рус тилида по- шакли орқали ифодаланиши ёки таржима қилинганда бошқа маънони англатишига эътибор қаратган: *по улице – кўча бўйлаб; я шел по улице – мен кўчадан бораётим эдим*) ҳамда рус тилидаги бошқа келишикларнинг вазифасини ҳам тушунтириб ўтган.⁷² Рус тилидаги “Творительный ва предложный падеж” шакллари борлиги ва уларнинг ҳосил бўлиш ҳолатларини икки усулдан иборат, деб бериб ўтади.⁷³

Олимнинг отлардаги сўз ясалиш ҳолатларига алоҳида эътибор

⁶⁹ Ўша манба. – Б. 61.

⁷⁰ Ўша манба. – Б. 72.

⁷¹ Ўша манба. – Б. 74.

⁷² Ўша манба. – Б. 87.

⁷³ Ўша манба. – Б.89.

қаратганини таъкидламаслик мумкин эмас. Чунки сўз ясаши ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ясашиш шаклларида мутлақо фарқ қилади. Ясашишнинг сўз ясовчи қўшимчалар ва сўзларни сўзларга қўшиб ясашиш бугунги кун грамматикасига қисман мос келса-да, лекин қўшма, жуфт, қисқартма усулда сўз ясашиш усуллари алоҳида тўхталган. Ўзбек тилидаги бир туркумдан бошқа туркумга қўчиш орқали сўз яшаш ҳам самарали усуллардан эканлиги бугунги кун тилшунослари томонидан ўрганиб келинмоқда.

Бундан ташқари, олимнинг отдаги қўшимчаларни биринчи ва иккинчи гуруҳ аффикслари тарзида ўрганганлигига гувоҳ бўламиз. Биринчи гуруҳ аффиксларини – янги маъно билдирувчи от аффикслар; иккинчи гуруҳ аффиксларни эса – қўшимча маъно билдирувчи от аффикслар тарзида таҳлил қилиб ўтган.⁷⁴

Биринчи гуруҳ аффиксларни – шахс оти ясовчи, иш-ҳаракат ва ҳолат оти ясовчи, ўрин-жой оти ясовчи ҳамда тилшуносликда бошқа қўшимчалари сирасига кирувчи ҳолатини белги-сифат оти ясовчи аффикслар деб берганлигига ҳам гувоҳ бўламиз.⁷⁵

Олим сифат сўз туркуми бўйича билдирган фикрларида сифатларнинг отлашиши, сифатларда даража шакллари ва ясашиш ҳолатларига тўхталиб ўтган. Шуниси эътиборлики, олим *-роқ* қўшимчасининг нафақат сифатга, балки феъл ва бошқа сўз туркумларига қўшилишини ҳам мисоллар орқали кўрсатиб ўтган. Масалан, *чўзилиброқ, қараброқ* (феъл), *отгароқ – по билиже к лошади* (от), *бери томонгароқ* (равиш), *менгароқ* (олмош) каби шаклларда ҳам ишлатилишини кузатганлиги маълум бўлди.⁷⁶ Даражанинг синтактик усули икки ҳолат билан ясашишига ҳам мисоллар келтириб ўтган. Масалан, *у уйдан бу уй катта – эта комната больше той (комнаты)* ёки *қараганда, кўра* сўзлари ҳам даража ифодалашини айтган. Масалан, *бунга қараганда –*

⁷⁴ Ўша манба. – Б.96.

⁷⁵ Ўша манба. – Б.96.

⁷⁶ Ўша манба. – Б.166.

*по сравнению с этим; мандан кўра – по сравнению со мной.*⁷⁷

Сифат ясовчи қўшимчаларни икки гуруҳга ажратиш мумкинлигини таъкидлаб, *-гина, -кина, -қина, -иш, -имтир(-имтил), -но* қўшимчаларини иккичи гуруҳда сўз ясовчилар қаторида таҳлил қилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, *-он* – эволюцион, *-ал* – формал, *-ик* – педагогик каби сўзлардаги қўшимчалар ҳам ясовчилик хусусияти билан белгиланган.

Хуллас, сифатларнинг уч гуруҳда: қўшимчалар орқали, қўшма сўзлар ва жуфтлашган ҳолатда ясалишини таъкидлаб ўтган.

Сон сўз туркумидан санок, тартиб, дона, чама, жамловчи, каср сонлар, *-дан (бешдан), -тадан (бештадан), -лаб (ўнлаб)* қўшимчалари улуш сонларини ҳосил қилиши мисоллар орқали асослаб берилган.

Умуман олганда, қўшма сонлар ҳам рус тилидаги каби кетма-кетликда жойлашганлиги,⁷⁸ *-нчи, -инчи* қўшимчалари эса охириги сонга қўшилишини таъкидлаб ўтган. Сон сўз туркумида турланиш, арифметик ифодаланиш ва вақтни кўрсатувчи сонлар тўғрисидаги илмий асосланган фактларни келтириб ўтган.

Олмош сўз туркуми кесимлик белгилари каби матн таркибида гапларни боғлаб келувчи восита сифатида қаралмоқда. Олимнинг олмош сўз туркуми ҳақидаги фикрларига тўхталадиган бўлсак, унинг турлари 9 та эканлигига кўзимиз тушади. Кишилиқ, ўзлик, кўрсатиш, сўроқ, белгилаш, бўлишсизлик ва гумон олмошларидан ташқари адабий тилдаги эгалиқ ва нисбий олмошлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Эгалиқ олмошлари *-ники (меники, сеники)* қўшимчаси орқали ҳосил қилиниб, мен, сен олмошларига қўшилганда *-н* товуши тушириш орқали ифодаланишини кўрсатиб ўтган. Масалан, *мен+ники-меники, сен+ники-сеники.*⁷⁹ Нисбий олмошлар деб ном олган маъно жиҳатдан турини *-ки, -ким* шакллари орқали ҳосил қилинишини кўришимиз мумкин. Масалан, *у билдиким – он знает что, маълум бўлсинки – пусть будет известно, что.*

⁷⁷ Ўша манба. – Б.106.

⁷⁸ Ўша манба. – Б.116.

⁷⁹ Ўша манба. – Б.112.

Феъл сўз туркуми ҳақида сўз борганда, дастлаб феълнинг ўзаги ва негизи ҳақида фикр билдирилган, *кел, ол, бер* сўзлари феълнинг бўлинмас қисми, ўзак ҳисобланиши келтирилган. Ишла феълидаги *-ла*, сана феълидаги *-а* кўшимчалари эса сўз ясовчи сифатида талқин қилинган.⁸⁰ Феъллардаги бўлишли-бўлишсизлик, ўтимли-ўтимсиз, тўлиқсиз, инфинитив шакллар, феълнинг тусланиши, замон ва шахс-сон шакллари ҳақида сўз боради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олим феъллардаги сўроқ шаклига алоҳида тўхталиб, *-ми* кўшимчаси орқали ифодаланишини кўриб ўтган. Масалан, *келдимми? келмадимми?* Ўзбек тилида қўлланадиган феъллар худди рус тиллардагидек учта шахс, бирлик ва кўпликда қўлланишини кўрсатиб ўтган.⁸¹

Феъллардаги шахс-сон шакллари эса 2 турга: биринчи тур *-ман, -сан, -ди* – бирлик; *-миз, -сиз, -дилар, -кўплик*; иккинчи тур *-м, -нг, – бирлик; -к, -ингиз, -лар* – кўплик шаклларда ифодаланишини кўрсатиб ўтган. Феъл замонлари ўтган, ҳозирги ва келаси замон тарзида таҳлил қилинган, ҳар бир замоннинг турларини кўшимчалар ва сўзлар билан ифодалаган. Майл феълларини эса уч турга: аниқлик, буйруқ ва шарт майлларига бўлган, буйруқ майлларининг уч турини кузатишимиз мумкин.⁸² Аниқлик шаклининг бирликдаги *-й, -йин, -ай, -айин (ишлай, ишлайин)* шакллари рус тилидаги *-ка* шаклига айнан тўғри келади. (*по работаю-ка я, да поработаю я*) Феълнинг хосланган шакллари равишдош, сифатдош, ҳаракат номи феъллари ҳам чуқур таҳлил асосида ўрганиб чиқилган.

Дастлабки йилларда равиш сўз туркумининг пайдо бўлганлигини ҳисобга олиб, профессор В.В.Решетов ҳам равишнинг маъно жиҳатдан тури ўрин, пайт, ҳолат ва даража-миқдор тарзида ўрганилганига гувоҳ бўламиз. Олим ёрдамчи сўз туркумлари бўйича алоҳида тадқиқот олиб бориб, кўмакчини асл ва от кўмакчилар, бошлаб, кўриб каби феълларни кўмакчи вазифасида ишлатиладиган феъл шакллари тарзида қайд этилганлиги маълум

⁸⁰ Ўша манба. – Б.127.

⁸¹ Ўша манба. – Б.131.

⁸² Ўша манба. – Б.159.

бўлди.⁸³

Ёрдамчи сўз туркумларидан боғловчиларни тенг ва эргаштирувчи турларига ажратиб, шундан бириктирув, зидлов ва айирув каби турларини тенг боғловчилар сифатида ўрганганилгини кўришимиз мумкин. Юкламаларга тўхталадиган бўлсак, сўроқ (-ми, -чи), таъкид (-ку, -да, -у, -ю), айирув (-гина, -кина, -қина, фақат), кучайтирув (ахир, ҳатто) каби турлари бўйича ўрганган.⁸⁴

Бундан ташқари, ундов сўзлар таркибидаги ҳис-ҳаяжон ва ҳайдаш чақириш ундовларини ўрганиш билан бирга, тақлид сўзлар таркибига кирувчи товуш ва ҳолатни билдирувчи тақлид сўзларни ундов сўзлар таркибига киритганлиги китобнинг 210 саҳифасида бериб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, олимнинг мустақил ва ёрдамчи сўз хусусидаги тадқиқлари тилдаги ҳодисаларнинг янгилини бориши, жамиятнинг тараққий этиб бораётганлигини кўрсатиб туради. Ўтган асрнинг 50–70-йилларида тилшуносликка бўлган эътибор бугунги кун ўзбек тилшунослигининг илмий асарларини яратишга замин бўлиб хизмат қилмоқда. 60–70-йилларда эса туркий тилларнинг барча сатҳлари бўйича ўрганиш А.А.Кононов, В.В.Решетов каби олимларнинг илмий қарашларидан ташқари, А.М.Щербак томонидан ҳам илмий тадқиқот олиб борилган. Олимнинг “Грамматика староузбекского языка” номли ва бир қанча илмий асарлари бунга мисол бўла олади. Дарҳақиқат, Щербак ўзбек тилшунослигининг муаммоларидан батафсил, яъни эски ўзбек тилининг тарихидан тортиб, фонетика, морфология, синтаксис, тилга оид луғатлар ҳамда қўшимчалар тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилган.

Мустақил сўз туркумларидан равишга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган, “Изобразительно-экспрессивные слова” (тасвирий маънони ифодаловчи лексика) мавзусида эса ҳолатни ифодаловчи, модал маънони ифодаловчи ҳамда ундов сўзини ифодаловчи ҳолатларни назарий таҳлиллар асосида

⁸³ Ўша манба. – Б.207.

⁸⁴ Ўша манба. – Б.208

кўриб ўтган. Ёрдамчи сўзларни ўрганадиган бўлсак, кўмакчиларнинг келишиклар билан ифодаланиши ҳамда борлигини диалектик материаллар асосида назарий маълумотлар билан асослаган, дейиш мумкин. Умуман олганда, А.М.Щербакнинг ўзбек тили морфологияси бўйича қарашлари ўз даври учун маълум аҳамият касб этган.

1960-йилларда нашр этилган А.Н.Кононовнинг “Грамматика современного узбекского литературного языка” китобида морфология грамматиканинг бир қисми, сўзларнинг шаклий томони ва таркибини ўрганувчи бўлимдир, деб айтиб ўтилган.⁸⁵ Олимнинг сўз таркиби бўйича билдирган фикрларини далиллашга ҳаракат қиламиз. Чунки дастлабки ўзбек тилининг барча жиҳатларини таҳлил қилишга уринган А.Н.Кононов ўзбек тилидаги сўзларга тарихий нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилган.

Ўзбек тилидаги сўзлар ўзак ва қўшимчаларга ажралган ҳолда, асосан, қўшимчаларнинг сўзларнинг ўнг томонидан қўшилиши ва сўз ясовчи ҳамда шакл ҳосил қилувчи қўшимчаларга бўлиниши мумкинлиги айtilган.

Умуман, олим ўзбек тили сўзларини қуйидагича турларга бўлиб ўрганишни маъқул топган:

- 1) асос;
- 2) шартли асос – *ёмғир, сунур*;
- 3) ўзакка тенг асос + сўз ясовчи қўшимча – *иш-чи, ватан-дош*;
- 4) ясама асос+ясовчи қўшимча – *балиқ-чи-лик*;
- 5) асос+негиз+ясама асос+сўз қўшиш – *иш-га, “на работу”, иш-чи-га, “рабочему”, иш-ла-т-ди, “заставил работатъ”*.

Сўзларнинг тузилиши ва маъносига қараб содда ва мураккаб тарзда таҳлил қилган. Олим сўз туркумларини В.В.Решетов талқинидан фарқли ўлароқ, бошқа туркий тиллардаги каби мустақил, ёрдамчи ва ундов-тақлид каби турларига ажратишни таъкидлаб ўтган ҳамда равишни морфологик хусусиятларига кўра от, сифат, олмош, сон, феъл ва кўмакчилар билан

⁸⁵ Кононов А.А. Грамматика современного узбекского литературного языка. – Москва-Ленинград: Издательство Академ наук СССР, 1960. – С.63.

чамбарчас боғланганлигини асослай олган. Ундов сўзларнинг эса баъзида мустақил, баъзида ёрдамчи сўз вазифасида келишини ҳам кўрсатиб ўтган, тақлид сўзлар вазифаси нуктаи назардан равиш сўз туркумига яқинлигини таъкидлайди⁸⁶. Бу тарзда қараш, албатта, бошқа қарашлар, ажратишлардан фарқ қилади.

Олим сўз туркумини шахс, аниқ ва мавҳум нарса ва буюм, келишиқ ва сон кўринишини ҳам таҳлил қилиб, сифат сўз туркуми ҳақида сўз борганда сўз туркумининг лексик маъноси, морфологик белгилари, кўшимчалар ҳамда синтактик вазифалари хусусида фикр юритади.⁸⁷ Сон сўз туркуми бўйича билдирган фикрларида олим бу туркумни етти турга санок, дона, тартиб, улуш, каср, жамловчи ва ноаниқ сонлар каби турлари борлигига ишора қилади. Бундан ташқари, бошқа сўз туркумларини ҳам таҳлилга тортади. От сўз туркуми юзасидан билдирилган фикрларига қайтадиган бўлсак, дастлаб морфологик ва синтактик усул билан от ясалишини асослаб берган. Лекин ўзбек тилида ҳам бошқа туркий тиллар каби жонли ва жонсиз тоифаларга бўлинмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Кўплик кўшимчасининг қўлланиш жиҳатларига алоҳида эътибор беради. Масалан, *дўстлар “друзья”, қизлар “девушки”*. Кўплик шаклини қабул қилмайдиган мавҳум отлар, саналмайдиган, тана аъзолари, атоқли отларни рус тилидаги маъноси билан изоҳлашга ҳаракат қилган. Кўплик нафақат *-лар* кўшимчаси орқали, балки феълнинг замон, шахс-сон, нисбат категориялари орқали ифодаланиши кўйидаги мисолларда ўз аксини топган. Масалан, *ёз+са+к* (I-шахс, кўплик, ҳозирги-келаси замон, шарт майли), *ўқи+ингиз*, *ота+миз*, *ўқи+ш+ди* каби. Яна бир маълумотга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, I ва II шахсни билдирувчи, кўпликдаги олмошлар биз, сиз, тана аъзолари билдирувчи кўз, оғиз сўзлари, ҳатто эгиз (*икки-з; близнецы, двойня* каби сўзлардаги *-з* товуши ҳам кўпликни ифодалашни кўрсатиб ўтилган).⁸⁸ Ўзбек тили ниҳоятда серқирра бўлганлиги сабабли кўпликнинг ифодаланиши синтактик усулда ҳам амалга

⁸⁶ Ўша манба. – Б.66.

⁸⁷ Ўша манба. – Б.69.

⁸⁸ Ўша манба. – Б.83.

ошиши ўз аксини топган.⁸⁹

А.Н.Кононов аниқ ва мавҳум отлар ҳамда уларнинг ифодаланишини, ўзбек тилида қўлланиш ҳолатларини, бир сони мисолида баъзида мавҳум от ясалишини кўриб чиққан. Келишикларни эса 6 турга, бош келишик шаклидан бошқа келишикларнинг асосларни ҳамда баъзи шеваларда қаратқич келишик *-нинг* ўрнига *-ни* каби. Масалан, *ўқувчиларни(нг) дафтари* (“тетрадь ученика”) тарзида, *-нинг* шакли таркибдан бошланғич *-н* товуши эса *-д, -т, -динг, -тинг* тарзида ҳам ишлатилиши айтилган. Чиқиш келишигининг *-а, -я* тарзида қўлланиши ўзбек тилида ҳам учраши мумкинлигини кўрамиз ҳамда ҳар бир келишиги тўғрисида тўхталишни лозим топмадик.

Олим отларнинг ясалишини 3 турга: морфологик, синтактик ва морфологик-синтактик каби усулларга бўлиб ўрганишни тавсия этилган, морфологик усулида асосан икки турга: феъл бўлмаган асослардан от *-чи, -чил, -дўз, -хўр, -тарош, -анда, -кунанда, -ор, -шунос, -мак, -гоҳ, -қанд, -кент* каби ўнлаб морфемалардан ясалиши кўриб ўтилган. Иккинчи тури эса, феъл асосларидан отларнинг ясалиши, ҳаракат, жараён, натижа, ўрин жой, нарса, восита отларини ясовчи қўшимчаларни таҳлил қилиб ўтган.

Отлардаги шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар таркибига 90 дан ортиқ қўшимчалар кириб, бошқа туркий тиллар ҳамда тожик, озарбайжон каби тилларда ишлатилиш ҳолатлари ҳам берилган. Масалан *-(а)ч, -(и)ч* қўшимчаси унумсиз қўшимча, *боғич, бекач, тўнғич* каби.⁹⁰ *-қоқ(-гоқ, -как), -чак: эркак, тўзгоқ, қопқоқ,*⁹¹ ҳатто кенжа сўзини *кен-кейин<последний, младший + жа+ча* –кичрайтириш тарзида ифодаланишини ҳам кўрамиз⁹².

Сўз ясалишининг синтактик усулида ҳам мураккаб сўзларнинг қандай маъно ифодалаши, сўзларни қўшиб ясалиш ҳолати *-бой, -хон, -биби* каби фонемаларини дастлаб маъно ифодалаганлиги боис, синтаксис усулда сўз ясалиши доирасида эканлиги таъкидланган. Бу усулида сўз ясалиши от+от,

⁸⁹ Ўша манба. – Б.83.

⁹⁰ Ўша манба. – Б.121.

⁹¹ Ўша манба. – Б.128.

⁹² Ўша манба. – Б. 130.

сифат+от, сифатдош+от, сон+от, от+феъл, феъл+феъл шаклларида ташкил топганлиги,⁹³ сўзларнинг жуфт ҳолатда ҳам сўз ясаши кузатилади.⁹⁴

Бундан ташқари, синтактик-морфология усулида ҳам ўзбек тилида сўзларнинг ясаши ўрганилганлигини кўрамиз. Олим сифат сўз туркумини бошқа сўз туркумлари билан бирга маъно ифодалашини айтиб ўтган бўлса, бу туркумни дастлаб аслий ва нисбий сифатлар тарзида таҳлил қилинган.⁹⁵ Сифатларда сўз ясашига доир фикрлари, авваламбор, морфология, синтактик адективиция усуллари келтирилган. Морфологик усулда сўз ясаши икки тури: худди от сўз туркумидаги каби асоси феъл бўлмаган сўзлар ҳамда феъл асосли сўзлардан ясаши таҳлил қилиб ўтган. *-гина, -иш, -(и)мтир* каби қўшимчалар озайторма сифатлар тарзида ифодаланган бўлса, *сан-сарик, совуқ-совуқ, эгри-тўғри, пишиқ-пухта, гирт хом, жиққа хўл, тўғридан тўғри ола-була* каби сўз шакллари сифатларнинг ортторма даража шаклида ўрганганлигига гувоҳ бўламиз.

Сифатларда даража шаклига келадиган бўлсак, *-роқ* морфологик усул билан *“тил қиличдан ўткир”, “асал қандга қараганда ширин”* каби синтактик тарзида, синтактик-морфологик усул эса ҳар иккиласини бирикмадан ҳосил бўлганлигини кўрамиз.⁹⁶ Яна ортторма даражани ҳосил қилувчи шакллarning 4 тури борлигига ишора қилади.⁹⁷

1950–70-йилларда А.Н.Кононовнинг ўзбек тилшунослигидаги илмий изланишлари олмош сўз туркумини ҳам чуқурроқ ўрганишга қаратилган эди. Чунки бугунги тилшунослик фанидаги олмош сўз туркуми олим ўрганган давр билан деярли бир хил шаклдалиги ҳаммамизга маълум. Фақат шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги бўлишсизлик ва гумон олмошларини олим ноаниқ олмош номи билан ўрганган.⁹⁸

Феъл сўз туркумининг ўрганилиши профессор В.В.Решетовнинг

⁹³ Ўша манба. – Б. 134.

⁹⁴ Ўша манба. – Б. 136.

⁹⁵ Ўша манба. – Б. 146.

⁹⁶ Ўша манба. – Б. 164.

⁹⁷ Ўша манба. – Б. 165.

⁹⁸ Ўша манба. – Б. 184.

карашларига ўхшашлигини кўрамыз. Чунки феъл сўз туркумини ўрганиш айнан, феъл нисбатларидан бошланган, нисбат ичида феълларнинг ўтимли ва ўтимсиз ҳолатини ҳам текширган. Феълнинг бўлишли ва бўлишсиз ҳолатлари эса феъл аспекти сифатида ўрганилган. Нисбат, замон, феълдаги шахс-сон кўшимчалари, *бўлмоқ* феъли ҳамда *эмоқ* сўзини ўрганганлигига гувоҳ бўламыз. Чунки бу уч ҳодиса бири иккинчисисиз таҳлил этилмаслиги тил меъёрларида кўриниб туради. Замон шакллари уч турга: ҳозирги, ўтган ва келаси замон тарзида, ҳозирги замон феъллини ўрганишни ҳозирги-келаси замон *-а, -й*, ҳозирги-аниқ замон *-ян, -ётир, -иб*, ҳозирги замон давом феъл *-моқ+да+ла* шаклларида ифодаланишини кайд этган.

Ўтган замон феъллининг эса яқин ўтган замон *-ди*, узоқ ўтган замон *-ган, -кан, -қан, -ган* кўшимчалари билан ҳосил қилиниши ҳамда *-дир* кўшимчаси ўтган замон феъллининг модал шакли эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Олим феълларда кўшимчалар орқали сўз ясалишини ўрганишда 20 дан ортиқ феъл ясовчи кўшимчалар ва унинг шакллари таҳлил қилган.⁹⁹

А.Н.Кононовнинг равиш сўз туркуми юзасидан олиб борилган тадқиқотларида унинг ясалиши, яъни сўз ясовчи кўшимчалар орқали ясалишида *-дайин, -симон* кабилар билан боғлиқ ҳолатларни бугун бошқа сўз туркумларида кузатишимиз мумкин. Масалан, халқ шеваларида *шундайин, шунақа, бунақа, шундайлигича, шу-н-дай-лиг-и-га*, “*так*” каби шаклларнинг учраши мумкинлиги тўғрисида сўз боради. *-симон* кўшимчаси унумсиз кўшимча, *-араз-симон “словоссорясь” ҳазил-симон “в шутку”* каби.

Олим ҳозирги ўзбек адабий тилидан бошқача тарзда равиш сўз туркумида жўналиш (*эрта-га*), ўрин-пайт (*узоқ-да*), чиқиш (*янги-дан, яқин-дан*) келишиги турланишини яхлитланган шакл, деб айтиб ўтган.¹⁰⁰ Мураккаб равишларнинг эса ҳар, ҳамма, ҳеч, алла, қай, бери, нари шакллари ҳамда

⁹⁹ Ўша манба. – Б. 240.

¹⁰⁰ Ўша манба. – Б. 289.

равиш ва бошқа сўз туркумланини такрорлаш орқали такрорий равишлар ҳосил бўлганлигини кўрамиз.

Ўтган 1950–70-йилларда кўмакчи сифатида ишлатиладиган ёрдамчи сўзнинг бош келишик билан – орқали, учун, билан, каби, сингари..., жўналиш келишиги билан – *қарши, кўри, қараб..*, чиқиш келишиги билан *илгари, бурун, аввал, олдин, кейин* каби шакллариининг келишини таҳлил қилиб чиққан. Боғловчилар ҳам 4 турга: бириктирув, зидлов, айирув ва инкор боғловчиларга бўлиб ўрганилган, эргаштирувчи боғловчиларга алоҳида тавсия бериб ўтган. Юклама ва модал сўзлар ҳақида фикр юритган бўлсак, олим юкламаларнинг 8 тури мавжудлигини, модал сўзларни эса 3 турга, ҳар хил маъно ифодалайдиган оттенкалар *мана, ана (вот), ҳатто, ҳаттоки (даже), ҳамма (все), бор (всё)* модал маъно ифодалайдиган оттенкалар *қани, ҳа, ҳа шундай, балли, йўқ, лаббай, чунончи, фақат, наҳот, наҳотки, ҳолбуки, шекилли* каби турларга бўлиб ўрганишни лозим, деб топган. Масалан, *керак, мумкин, лозим*.

Мавзуга оид назорат саволлари.

1. Ўзбек илмий тилшунослигига Европа морфологик талқинларининг кириб келишини тушунтириб беринг.
2. А.Н.Кононовнинг ўзбек илмий тилшунослигига оид қарашлари.
3. В.В.Решетовнинг ўзбек илмий тилшунослигига оид қарашлари.
4. А.М.Щербакнинг ўзбек илмий тилшунослигига оид қарашлари.
5. Е.Поливановнинг ўзбек илмий тилшунослигига оид қарашлари.
6. Херман Вамберининг ўзбек илмий тилшунослигига оид қарашлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Академик Л.В.Щербанинг Умумлингвистик ҳамда грамматик қарашлари //Академик Л.В.Щерба хотираси. – Ленинград, 1956.
2. Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. № 1,2. – Москва, 1964.

3. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.
4. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи, – Тошкент: Қатортол-Камолот, 2000. – Б. 3–4;
5. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан технологиялар, 2007. – 255 б.

II БОБ. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ МОРФОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбек замонавий тилшунослигида сўз туркумлари таснифига муносабат

Таянч тушунчалар: илмий грамматика, туркум, сўз ясалиши, морфология, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов сўз, тақлид сўз, модал сўз.

Антик даврнинг буюк олими Аристотелнинг «Поэтика» (Поэзия санъати ҳақида)¹⁰¹ асарида морфологияга оид илк намуналар кузатилади. Асарнинг «Тил ва фикр» (XIX фасл), «Нутқ бўлаклари» (XX фасл), «Отларнинг турлари» (XXI) каби фасллари бевосита морфологияга оид қарашларни ўз ичига олади. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, эрамиздан олдинги 190–70-йилларда Александрия мактаби вакилларида бўлган Дионисий Фракийский қадимги грек тили учун саккизта сўз туркуми (от, феъл, сифатдош, артикл, олмош, кўмакчи, равиш, боғловчи)ни ажратиш таҳлил қилган. Олимнинг сўз туркумларини ажратиш бўйича қарашлари ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради. Масалан, “От турланувчи сўз туркуми, тана ёки нарса ва умумий ҳамда хусусийнинг ифодасидир”, – деб айтиб ўтган.¹⁰² Сўз туркумини 8 та эканлиги XVI–XVII асрларда кузатилади (славян тилларида). Бу М.В.Ломоносовнинг машҳур «Российская грамматика»сига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Кейинроқ сифатдош сифат туркуми билан алмаштирилган (Востоков), ундан кейин эса Р.П.Павский ҳамда Ф.И.Буслаев бу каторга *сон* туркумини алоҳида киритадилар, XX асрда рус тилшунослигида сўз туркумлари каторида *юкламалар* ҳам мустаҳкам ўрин эгаллайди, бу тизим 10 та туркумдан иборат тарзида қатъийлашди.¹⁰³ Л.Л.Буланин сўз туркумларини ажратиш учун мезон (критерия)ларни белгилашда маълум таҳлиллардан сўнг

¹⁰¹ Аристотель. Поэтика, адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 1980. – Б. 3–149; 39–47.

¹⁰² Античные теории языка и стиля // Цитата: Л.Л.Буланин. Трудные вопросы морфологии. – Москва: Соцэкгиз, 1936. – С. 8.

¹⁰³ Буланин Л.Л. Трудные вопросы морфологии. – Москва: Просвещение, 1936. – С.8.

(морфология ва синтаксис биргаликда) семантик ва грамматик асосни қайд этади.¹⁰⁴ Бунда сўз туркуми маъноси турли олимлар томонидан ҳар хил термин билан белгиланганлиги қайд этилиб («асосий маъно» – А.М.Земский; «умумий, мавҳум маъно» – А.И.Смирницкий; «умумлаштирилган маъно» – ҳозирги замон рус тили, 1964; «умумлашган – мавҳумлашган маъно» – А.В.Дудников; «лексик-грамматик маъно» – Н.С.Валгина; «категориал маъно» – грамматика – 1970; «таснифловчи маъно» – А.Н.Тихонов; «грамматик маъно» – А.Н.Гвоздев, Стеблин – Каменский) келинганлиги, лекин булардан ҳодиса моҳиятига кўпроқ «лексик маъно» термини танланиши ўз исботини топди. Шунингдек, таснифлашда морфологик ва синтактик мезонлар бирлаштирилгани ҳолда грамматик асос сифатида қайд этилиши ҳам тўғри.

Туркий тилшуносликда морфологияга оид қарашлар араб тилшунослиги таъсирида IX–XI асрларда шакллана бошлаган деган эдик. М.Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк»¹⁰⁵ асарининг катта қисмини «Сўз ясаиши» ва «Морфология»га бағишлаган. Асарнинг 2-жилди, асосан, олимнинг морфологияга оид қарашларини ўзида акс эттирган. Аввало, олим сўзларни учта туркумга ажратади ва булар ичида феъл ва феъл шакллари бўйича ўз қарашларини билдириб ўтади. Профессор А.Нурмонов таъкидлаганидек, «М.Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари X–XI аср туркий тиллар морфологияси ҳақида тўла тасаввур берувчи қомусий асардир».¹⁰⁶ Олим асарда феъл замон шакллари, масдар (ҳаракат номи), феъл майллари, сон шаклининг ифодаланиши, ҳурмат шакли, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат шакллари ҳақидаги ўз қарашларини баён қилади. Туркий тилшуносликда муаллифи номаълум ва ёзилган ўрни мунозарали бўлган «Ат-тухфатуз закияту фил-луғатит туркия»¹⁰⁷ асарининг луғатдан кейин берилган грамматика қисми икки жиҳатдан аҳамиятли: 1) асарни

¹⁰⁴ Ўша манба. – Б.8–22.

¹⁰⁵ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк // Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1961. №2. – Б. 41–71.

¹⁰⁶ Нурмонов А., Махмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Қатортол–Қамолот, 2000. – Б.48.

¹⁰⁷ Фозилов Э., Зияева М.Т. Изысканный дар тюркскому языку. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.3–450.

туркий тилларнинг илк грамматикаси, дейиш мумкин; 2) солиштирма (чоғиштирма) грамматиканинг илк намунаси, дейиш мумкин (А.Нурмонов). Китобнинг 29–89-бетлари лексик-грамматик очерк тарзида берилган, асосий грамматикага оид маълумотлар шу қисмда ёритиб берилган.

С.Муталлибов томонидан «Ат-тухфа» («Ноёб тухфа») асари ўзбек тилида 1968 йилда нашр қилинди. Шундан сўнг Э.Фозилов ва М.Зияева томонидан биринчи марта рус тилига таржима қилинди ва қисман шарҳланди. Асарда кипчоқ тили материаллари изоҳлангани айтиб ўтилган. Кипчоқ тили морфологияси ва синтаксиси 64 бобдан иборат грамматика қисмида тавсифланади. Муаллиф туркий тилдаги деярли барча грамматик категория ва шаклларни араб тилшунослиги атамалари воситасида изоҳлангалиги кузатилади.¹⁰⁸ Асарда кипчоқ туркийси араб тили грамматик қонуниятлари асосида баҳоланганлиги эътиборли.

Туркий тил (эски ўзбек адабий тили)нинг морфологиясига оид айрим қарашлар Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида учрайди.¹⁰⁹ Албатта, Навоий туркий тил морфологияси бўйича махсус асар ёзган эмас. Муаллиф туркий тилларга хос отлар ва феълларнинг баъзи морфологик жиҳатларини қайд этиш билан чекланган ва улар бугунги морфологик таълимот учун асос бўлиб хизмат қилади. Унинг тилшунос сифатидаги фаолияти махсус ишларда имкон даражасида ёритилганлиги маълум.¹¹⁰

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослигида морфология тизимини ўрганиш махсус тадқиқот объекти бўлган. Бу ишда Мунавварқори, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун томонидан ёзилган «Ўзбекча тил сабоқлиги» ва қўлланмалар, шунингдек, Фитратнинг «Сарф» асари имкон даражасида таҳлил қилинган ҳамда ана шу давр тилшунослиги ҳолати бўйича хулоса берилган. Ана шу хулосалардан бирини келтириш

¹⁰⁸ О‘rinboev B., Qurbonov T. O‘zbek tilshunosligi tarixi // O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU, 2006. – B.61–63.

¹⁰⁹ Алишер Навоий. Асарлар. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1964. 14-жилд. – Б.116–117.

¹¹⁰ Дониёров Х., Санақулов У. Алишер Навоий тилшунос олим. – Тошкент, 1990. – Б.14–41.

орқали ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш ҳолати ҳақида мантиқий умумлашма чиқариш мумкин. «Ўзбек тили морфологик қурилиши акс этган бу даврдаги асарлар турли савияда яратилган. «Битам йўллари», Элбекнинг «Ёзув йўллари» асарлари дастурий маълумот йўсинида, Қ.Рамазон, Ш.Зуннун асарлари мактаб, курс дарслиги билимлари сифатида ва Фитрат асарлари илмий асар сифатида ёритилган». Сўз туркумлари фарқлашнинг назарий қоидалари бўлмаганлиги боис, 4 тадан 7 тагача сўз туркуми фарқланган. Сўз ва аффикс (қўшимча) маънолари англашилган бўлса-да, аффиксларни сўз, деб қараш анъанасидан борилган, натижада «белгилар» термини остида барча аффикслар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган» (21-бет). Асрнинг бошларида «Девону луғотит турк», «Ат-туҳфа...» каби асарлар оммалашмаганлиги сабабли бўлса керакки, морфология соҳасидаги тадқиқотлар чинакам илмийлик тусини олмаган.

Шундай бўлса-да, алоҳида таъкидлаш керакки, А.Фитрат ҳозирги кунда **концепт** термини воситасида ифодаланаётган «тушунча»га берилаётган изоҳ тарзида сўзга муносабат билдиради. Яъни А.Нурмонов кўрсатишича, у «объектив оламдан унинг умумлашган образининг онгда акс этиши ва бу умумлашган образнинг муайян моддий восита-товушлар силсиласи ёрдамида ифодаланиши нуқтаи назаридан ёндашади». Фитрат сўз ва қўшимчалар ўртасидаги фарқни ажратишга ҳаракат қилади, сўзга таъриф беради, уларни семантик жиҳатига кўра турларга бирлаштиради. Шу тарзда от, сифат, сон, феъл, олмош, кўмакчиларнинг энг муҳим хусусиятларини белгилаб, таҳлил қилиб беради. Кўринадики, Фитратнинг «Сарф» асари ўзбек тилининг илмий морфологиясини яратишдаги илк қадам эди.

ХІХ асрнинг 20–40-йилларида Ғози Олим Юнусов,¹¹¹ М.Шамсиев ва А.Щербек,¹¹² Ҳ.Қаюмий ва С.Долимов,¹¹³ О.Усмон ва Б.Азизов¹¹⁴ ҳамда

¹¹¹ Юнусов Ғози Олим. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1936.

¹¹² Шамсиев М., Щербек. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1932.

Е.Д.Поливанов¹¹⁵ каби олимлар томонидан тилшуносликнинг грамматикаси таҳлил қилинди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Қаюм Рамазон 1913 йилда Мунаввар қори Абдурашидов ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликда «Тил сабоқлари» дарслигини яратган. Унинг дарсликни ёзишдаги иштироки ҳақида адабиётшунос Ш.Зуннуннинг хотираси Б.Ўринбоев томонидан келтирилган: «Тил сабоқлари» китобининг вужудга келишида ҳам сўз тузилиши, таркиби – морфология ва товушлар таркибидек оғир бўлимларни Қаюмжон ёзган».¹¹⁶ Бу дарслик 20–40-йилларда яратилган ўзбек тили морфологиясига оид ишлар учун манба вазифасини ўтаган.

Илмий морфологиянинг шаклланиш тарихи борасида махсус ишларда¹¹⁷ анчагина кенг маълумот берилганлигини назарда тутган ҳолда, биз, бу ўринда ҳолатни кенг шарҳлашни ўзимизга мақсад қилиб олмадик. Ўзбек тили илмий морфологиясининг шаклланишида С.Усмоновнинг хизматлари ҳам беқиёс. Олимнинг «Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши»¹¹⁸ китоби бу борадаги жиддий тадқиқотлар сирасига киради.

1975-йилда нашр этилган “Ўзбек тили грамматикаси” китобида морфология тилшунослик фанининг бир қисми сифатида ўрганилиб, унинг тилнинг грамматик қурилишини текшириши айтиб ўтилган. Чунки унда сўз ва гапнинг ҳар бир тилдаги формал-грамматик томонлари – сўзнинг шакл ўзгаришлари, сўз қўшишнинг, сўз бирикмаларининг турли кўринишлари, воситалари, гапнинг тузилиши ва типлари каби муаммолар ўрганилган. Лекин *грамматика* термини тилнинг грамматик қурилиши маъносида ҳам қўлланиб, бу термин кейинги маънода ишлатилганда, грамматика фанининг текшириш объектини ифода қилади. Тил хусусиятлари унинг фонетик, лексик ва грамматик тузилишида акс этиб,

¹¹³ Қаюмий Х., Долимов С. Грамматика // Сарф. – Тошкент, 1933; Шу муаллиф. Грамматика Наҳв. – Тошкент, 1934.

¹¹⁴ Усмон О., Азизов Б. Грамматика // Морфология ва синтаксис. – Тошкент: Фан, 1938.

¹¹⁵ Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка – Москва: Туркпечать, 1926. – 123 с.

¹¹⁶ O‘rinboev B., Qurbonov T. O‘zbek tilshunosligi tarixi // O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU, 2006. – B. 124.

¹¹⁷ Замоновий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 25–56.

¹¹⁸ Усмонов С. Ўзбек тилиа сўзнинг морфологик тузилиши. – Тошкент: Фан, 1964.

ҳаммаси бир бутун системани ҳосил қилади, демак, тилнинг грамматик қурилиши унинг фонетик қурилиши билан ва лексик системаси билан боғлиқ: тилнинг ўзаро боғланган бўлақларнинг яхлитлигидан иборат бўлиши грамматиканинг фонетика ва лексикология билан алоқада эканлиги тилимиздаги сўзлар орқали англанади. Бундан келиб чиқадики, тилнинг ҳамма томонлари ўзаро боғланган, ўзаро шартланган, грамматик қурилиш тил системасининг бир қисми эканлиги сезилиб туради.¹¹⁹ Умуман олганда, грамматика сўзларни шакллантиради, бириктиради, уларнинг фикр аниқлаш воситаси системасидаги вазифасини намоён қилиб кўрсатади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан, кўпгина тилларнинг грамматик қурилишида ўхшашликлар борлигини кўрамиз, лекин, иккинчи томондан, бир оилага кирадиган тилларнинг орасида ҳам маълум фарқлар мавжуд. Бунда ўхшашлик нисбатан синтаксисда сезилади, фарқланиш, ноўхшашлик эса сўз шаклларида кучли.

Грамматика тилнинг грамматик қурилишига хос бўлган қонун-қоидаларни, меъёрларни тасвирлайди, унинг турли хусусиятларини текширади. Мисол учун ўзбек тилининг грамматик қурилишига доир айрим ҳодисаларни эслаб ўтамиз: эганинг бош келишида бўлиши, шахс жиҳатидан мосланиш, сўзларнинг бирикишидаги ички мослик – мувофиқлик. Шунингдек, *-инқира* аффиксини олган сўз ҳаракатнинг юзага келишидаги «кучсизлик, камлик, нормадан пастлик» маъносини билдиради, шунга кўра, бу сўз семантик жиҳатдан мос равишда «сал», «бир оз» сўзлари билан бирика олади (*ранги сал оқаринқиради* каби), *-роқ* аффиксини олган сўз ҳам шундай (*сал оқарганроқ* каби), булар «жуда» типидagi кучайтирувчи элемент билан кўшила олмайди, чунки ички томони – мазмун тўғри келмайди, мослашмайди. “Ўзбек тили грамматика”си китобининг 54–55-бетларида тилнинг грамматик қурилиш меъёрлари, тилнинг лексик ва фонетик системаларида бўлганидек, тил тараққиётининг турли даврларига кўра

¹¹⁹ Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. — Тошкент: Фан, 1976. — Б. 4-114;

ўзгариб, фарқланиб туриши асосланган. Масалан:

1) Алишер Навоий даври ўзбек тилида, *-роқ* аффиксининг асосий хусусияти чоғиштириш билан боғланган қиёс-ортиқлик маъносини англантиш бўлган (*барчадин яхшироқдир ҳаёт гули*), бугунги тилшуносликда бу аффикс камликни билдириш билан характерланади;

2) кесим мажхул формадаги феъл билан ифодаланган бўлса, шу гапнинг эгаси мантиқий объектни билдирадиган сўз билан ифодаланиб, мантиқий субъект, одатда, ифодаланмайди. Лекин мантиқий субъектни ифодалаш зарур бўлган ўринларда гап қурилиши нофаолдан фаолга ўтади. Ҳозирги замон ўзбек тилида эса мантиқий субъектни гапнинг нофаол қурилмасини ўзгартмай туриб ҳам ифодалашнинг бир неча йўли мавжуд. Бироқ ҳодиса гап структурасининг тараққиётидаги кўринишлардан бири;

3) эски ўзбек тилида *-гу* аффикси ёрдами билан ясалган иш отига *-м*, *-нг* каби аффиксларнинг қўшилиб, шу сўзнинг кесим эканлигини ифодалайди. *Мен келгум* типиди. Гапнинг бундай конструкциясида *-м*, *-нг* каби аффикслар предикативлик кўрсаткичи функциясида келади. Бу ҳол ҳозирги замон ўзбек тилининг грамматик меъёрлари доирасига қирмайди. *Келгим келди, келгинг келди* типидагилар бундан бошқача тарзида.¹²⁰

Кўринадики, йиллар давомида тилнинг тузилишида бўладиган ўзгаришлар синтаксисда ҳам, морфологияда ҳам учраши табиий жараён, гап тузилишининг бу типлари тил тараққиётидаги даврларга нисбатан ҳар хил тусга кира олиши «тил тарихи гапнинг бир қанча таърифини бериши керак» деган фикрни тасдиқлайди ва масалани мисоллар орқали асослаб берган.¹²¹

Айтиш мумкинки, тилдаги ўзгаришлар жамият тараққиётининг объектив қонунлари асосида, талаб натижасида рўёбга чиқади. Чунки ҳодисаларни, шу билан боғлиқ ҳолда, ҳозирги тилнинг тузилиши, меъёрлари, қонун-қоидаларини тасвирлаш тил далилларига тарихий ёндашиш билан боғлиқ жараён. Бундай ёндашиш тил ҳодисаларининг «туғилиши ва

¹²⁰ Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Фан, 1975. – Б.54–55

¹²¹ Ўша манба. – Б.55.

тадрижий таракқиётини кузатиш билан она тилининг материал ва шаклининг аниқ, тушунарли ва равшан бўлишига», ҳодисалар орасидаги «тарихий алоқаларни аниқлашга» эришиш имконини бериши ва бу текшириш тилдаги янги ҳодисаларни, таракқиётни аниқлаб беради, деб таъкидлайди.¹²²

Тилнинг ҳар бир ҳодисаси унинг товуш томони билан боғлиқ, ҳар бир грамматик ҳодисанинг товуш билан ифодаланиши грамматиканинг фонетика билан муносабатини кўрсатади: а) гапнинг характерли белгиларидан бири унинг интонацион тугалликка эга бўлиши; б) синтагмалардаги ва сўз бирикмаларидаги мантикий-грамматик бутунлик шу ҳодисага хос интонацион бутунликдан ҳам билиниб туради; в) лексик урғу сўзга фонетик бутунлик беради; гапда, сўз бирикмаларида пауза ўрнининг ўзгариши фикрий-грамматик ҳолатнинг ўзгалигидан дарак беради; сўзларда лексик урғунинг бошқа-бошқа бўғинга тушиши орқали айрим ҳолларда, маълум шароитларда, сўзнинг маъноси, қайси лексик-грамматик категорияга кириши ва таркибидаги морфемаларнинг типи дифференциация қилинади. Масалан, *йигитча*: урғуси охирги бўғинда бўлганда – от, бундаги *-ча* аффикси кичрайтиш маъносини билдиради; *йигитча*: *ўсмир кўринишли шахс*: бу сўзнинг урғуси бош бўғинда бўлганда – равиш, бундаги урғусиз *-ча* кўшимчаси ўхшатиш маъносини билдиради. *Йигитча*: *йигитдек, йигит* каби. Демак, бу ўринда лексик урғу орқали от билан равиш фарқланган ва бошқалар.

Тилдаги ҳар бир сўз, унинг лексик бирлиги, сўзнинг морфологик ва синтактик хусусиятлари ҳақидаги таълимот грамматиканинг асоси, деб юритилади. Чунки бу сўзнинг лексик-грамматик хусусиятлари, ўхшашликлари от, феъл каби гуруҳларнинг ажратилишига асос бўлиб хизмат қилади. Яна бир ҳодиса – сўз нутқда бошқа сўз билан алоқага киришиб, грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади, бирикишда маълум шаклга киради,¹²³ сўз қўшилмаларининг, тил ва сўз бирикмаларининг материали

¹²² Ўша манба. – Б.56.

¹²³ Тожиев Ё. Тил илмига садоқат. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 72.

сўзлар эканлиги тилшунос олимларимиз томонидан йиллар давомида уқтириб келинмоқда.

Грамматиканинг асосини сўз туркумлари ва гап ҳақидаги таълимот ташкил қилиб, икки қисм – морфология ва синтаксисдан иборат эканлигини доим кўрсатиб туради. Бу асосланган ҳолат ҳисобланади.

Яъни, морфологиянинг объекти сўзнинг грамматик томони: у сўзни тилнинг грамматик системаси нуктаи назаридан текширади: сўзнинг морфологик структураси – морфемалари, морфологик категориялар, сўзнинг шакллар системаси, сўз шаклларининг ҳосил бўлиш йўллари, воситалари, сўзларнинг лексик-грамматик категорияларида ўз аксини топади. Морфологиянинг асоси кенг маънода шакл яшаш, грамматик томонидан демак, морфология – сўз ҳақидаги умумий грамматик таълимот. Фонетиканинг асосини эса унли-ундош, жарангли-жарангсиз каби фонетик зиддиятлар ташкил қилганидек, морфологиянинг асоси бир-бирига зид, лекин ўзаро боғланган, шартланган грамматик зиддиятлардан ташкил топувчи грамматик категориялардир.

Умуман олганда, морфология ва синтаксис бир-бири билан узвий боғлиқ: тилнинг грамматик қурилиши яхлит система, у морфология ва синтактик ҳодисалардан, уларнинг қисмлари ўзаро муносабатда бўлган бир бутунлик, ягона система ҳосил қилишидан иборат эканлигини кўрсатиб туради. Масалан, сўзлар ўзаро боғланиш талаби билан, демак, синтактик хусусият натижасида, турли шаклларда қўллана олади: *мактабнинг биноси, мактабга бормоқ, мактабдан келмоқ* каби. Бундай шакл ўзгариши бутун бир система, сўзнинг ҳар бир аниқ шакли шу системанинг бир кўриниши сифатида баҳоланади.

Грамматикада бу икки бўлимининг яқин муносабати жуда кўп ҳодисаларда сезилиб туради: а) уларнинг объеклари яқин ва алоқадор; б) сўзларнинг грамматик категориялари, сўз туркумлари билан гап бўлаклари орасида боғланиш бор, гап ва сўзнинг алоқаси синтаксис билан морфологиянинг алоқасини кўрсатади; в) гапда сўзларнинг боғланиш

усуллари ва боғловчи шакллари сўзнинг формал, морфологик ўзгариши билан боғлиқ; г) сўзнинг шакли (синтактик форма) унинг бошқа сўз билан бирикишидан дарак беради, шу бирикишнинг характери кўрсатади: сўз ўзгартувчи аффиксларнинг функцияси синтактик, кўмакчи ва боғловчиларда ҳам худди шу ҳолдир; д) сўзнинг форма ўзгариши билан синтактик функцияси ўзаро боғлиқ; е) айрим сўз қўшилмалари сўз шаклини кўрсатишга хизмат қилади; ё) модал сўзлар синтаксис билан айниқса зич боғланган; ж) сўзларни от, феъл каби группаларга ажратишнинг бир асоси уларнинг синтактик белгисидир; з) сўзнинг номинатив функцияси билан тилнинг коммуникатив функциялари узвий боғлиқ каби жиҳатларини кўришимиз мумкин.¹²⁴

Хуллас, морфологиянинг сўз ҳақидаги грамматик таълимот сифатида таърифланиши унинг текшириш объектлари доирасига сўзларнинг лексик-грамматик категорияларга бўлинишини – сўзларнинг туркумланишини ҳам киритишга имкон беради. Сўзларнинг туркумланишида грамматик белгиларнинг асослиги ўша гуруҳларнинг хусусиятларидан аниқ сезилиб туради. Яъни, морфологияни тор маънода олиб, уни сўз шакллари системаси – парадигматика ҳақидаги илм деб қарасак, бу соҳани чегаралаганликдан далолат беради.

1966 йилда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек тили (фонетика, лексикология, морфология)” китобида сўз туркумларини ажратиш бўйича назарий маълумотлар таҳлил этилган. Бунда улар дастлаб “мустақил ва ёрдамчи сўзлар тўдаси”,¹²⁵ деб берилган, бундан ташқари, алоҳида тўдани ташкил этувчи ундов-мимемалар, тасвирий ва модал сўзларга ажратган ҳолда ўрганган. От сўз туркуми туркумлар ичида энг кўп учраши ҳақида ва сифат, сон, феъл сўз туркумларининг грамматик категориялари ҳамда гапда бажарадиган синтактик вазифалари тўғрисида сўз боради. Феъллардаги шахс-сон, бўлишли-бўлишсиз, замон, майл категорияларини энг муҳим санаб,

¹²⁴ Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имокониятлари: Фил. фан. ном. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996.

¹²⁵ Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.195.

даража-тарз, ўтимли-ўтимсизлик, шахслилик-шахссизлик каби категориялари ҳам борлиги таъкидланган. Равиш сўз туркумининг эса, сифатларга хос белги билдириши, сифатлар каби турловчи ва тусловчи қўшимчаларни қабул қилмаслиги, ўзгармаслиги, ўзлари боғланган сўз билан мослашмаслик ва уларни бошқармаслиги каби масалалар таҳлил этилган.

Сўзловчининг фикрига турлича муносабат билдирувчи модал сўзларни, гапда от ёки олмошдан кейин келувчи кўмакчи, гап ва сўзларни боғловчи ёрдамчилар, қўшимча маъно берувчи юкламаларнинг аффикс ва сўз шакли ёрдамида ифодаланиши илмий асосланган. Ундов сўзларни эса ҳис-ҳаяжон ва буйруқ хитоб тарзида бериб ўтган. Тақлид сўзлар деб номланувчи туркумни “тасвирий сўз” номи остида тақлид қилиш, нур ва ҳаракатларини тасвирловчи каби турларга бўлиб ўрганган. Яна бир ҳолатни, сўзларнинг туркумдан туркумга кўчишини нутқ эҳтиёжи туфайли юзага келган”, деб таъкидлайди.

1975-йилда нашр этилган У.Турсунов Ж.Мухторов. Ш.Раҳматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли қўлланмасида эса сўзнинг маъно ва грамматик белгиларига қараб: 1) мустақил сўзлар; 2) ёрдамчи сўзлар; 3) модал сўзлар; 4) ундов сўзлар; 5) тақлид сўз каби турларга ажратилганини келтиради. Мустақил сўзларни лексик маъно англатиши, гап бўлаги вазифасида келиши ва сўз яшаш, форма яшаш, сўз ўзгартириш хусусиятларига эгаллигига қараб ажратади.

1. Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиев, И.Расулов, Х.Дониёровлар томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида сўз туркумларини 12 турга ажратиб, мустақил сўзларни – от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш; ёрдамчи сўзларни – кўмакчи, боғловчи, юклама; бундан ташқари модал сўз, ундов ва тақлид сўзлар тарзида ўрганганлигини кўрамыз. Лекин “Ўзбек тили грамматикасининг практикуми”¹²⁶ китобида сўз туркумларини тўртта катта гуруҳга, туркумга а) мустақил сўзлар – от, сифат, феъл, сон, олмош, равиш; б) ёрдамчи сўзлар –

¹²⁶ Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. Тошкент: Ўқитувчи, 1981.

кўмакчи, боғловчи, юклама; в) ундов ва тақлид сўзлар; г) модал сўзлар каби ажратган:

Сўзлар ўзларининг морфологик белгилари ва гапдаги синтактик вазифасига кўра ҳам ўзаро ажралиб туриши айтиб ўтилган, предмет тушунчасини ифодалайдиган сўзлар – отлар – келишик, эгалик, сон категорияларига эга бўлса, ҳаракат ёки ҳолат ифодалаган сўзлар ўтимли-ўтимсизлик, майл, замон, шахс-сон каби категорияларга эга бўлиши кўрсатилган. Бошқа сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас, деб берилган.

А.Содиқов, А.Абдуазизов, М.Ирискуловларнинг 1981 йилда чоп этилган “Тилшуносликка кириш” дарслигида сўз туркумларини бошқа тиллар – инглиз, немис ва француз тиллари билан қиёслаган ҳолда ўрганишга, моҳиятига янада чуқурроқ эътибор беришга қаратган.

Бунда сўз туркумларини ажратишнинг учта қонунияти борлигини таъкидлайди:

1. Сўз туркумларининг категориал белгилари.
2. Сўзларни туркумларга ажратиш принциплари.
3. Турли тиллар сўз туркумлари.

Инсон кўрган, эшитган ва ҳис қилган нарсаларининг ҳаммасини турларига, гуруҳларга ажратишга одатланган. Қиёслаш инсон тажрибасига асосланган асосий метод. Лекин гуруҳларга ажратишнинг асосий шартларидан бири – ажратилган нарса ёки предмет камида иккита бўлиши лозим. Демак, нарса, предмет ва ҳодисаларни туркумларга ажратиш учун маълум ўлчов, шарт, мезонларга асосланиш керак. Олимлар ҳам сўзларни туркумларга ажратиш учун асос бўладиган даврлар, мезонлар, белгилар, асосларни 3 турга бўлди:

1. Структурализмгача бўлган давр.
2. Структурализм даври.
3. Структурализмдан кейинги давр.

Тилшуносликда структурализм оқими пайдо бўлгандан сўнг 30-йилларгача сўз туркумларини уч асосий белгиси орқали ажратган:

1. Сўзларнинг лексик маъноси.
2. Сўзларнинг морфологик белгилари, яъни сўзнинг грамматик шакли.
3. Сўзларнинг гапдаги синтактик вазифаси.

Китобда келтирилишича, Чарльз Фриз инглиз тилида 4 та мустақил, 15 та ёрдамчи сўз туркумлари мавжудлигини айтади.

У ўтган асрнинг ўртасида барча тилларнинг сўз туркумларини ўрганган ҳолда, туркумларнинг категориал белгиларини ишлаб чиқди:

- 1) сўз туркумларининг семантик белгиси;
- 2) сўз туркумларининг морфологик белгиси;
- 3) сўз туркумларининг синтактик белгиси;
- 4) сўз туркумларининг сўз ясалиш белгиси.

Сўз туркумларининг семантик белгиси деганда, уларнинг умумлашган маъноси (уй-яшаш учун мўлжалланган бино); морфологик белгиси - у ёки бу сўзга хос бўлган грамматик категориялар, мазкур сўзларнинг ўзига хос форма ясовчи, сўз ўзгартувчи аффиксал морфемалари; синтактик белгиси – сўзларнинг гапда бошқа сўзлар билан бирика олиш имконияти; сўз ясалиш белгилари, деганда эса, у ёки бу сўз туркумига хос бўлган сўз ясовчи воситалар тушунилади.

Олим сўз туркумларини дастлаб икки турга – мустақил ва ёрдамчи сўзларга бўлди. Мустақил сўз маълум тушунча ифодалаб, бирор предмет, белги, ҳаракат номини атайди, гапда бирор гап бўлаги бўлиб келади. Ёрдамчи сўзлар туркуми тушунча ифода этмайди, фақат грамматик маъно ифодалаб гапда сўзларнинг ўзаро муносабатини ўрнатишга хизмат қилади. Демак, уларни функционал-грамматик белгилар фарқлаб туради. Ёрдамчи сўзларда аффиксал морфемаларга яқинлик – уларнинг функционал белгиси сифатида ифода топади.

1992 йилда нашр этилган Ҳ.Абдурахмонов, А.Рафиев, Д.Шодмонқуловларнинг “Ўзбек тилининг амалий грамматикаси” китобида сўзларнинг бир умумий маънога, ўзига хос ясовчи, шакл ясовчи ва гапда бир хил синтактик вазифаларни бажаришига мослашиши мустақил, ёрдамчи

хамда бу икки турга кирмайдиган модал сўзлар, ундов сўзлар, тақлид сўзлардан иборат эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Профессор Ё.Тожиев 1992 йилда нашр этилган “Ўзбек тили морфемикаси” номли ўқув қўлланмасида тилнинг грамматик қурилишини тавсифлайди, уни: а) сўз туркумларини, уларнинг конкрет маънолари ва грамматик тузилиши жиҳатидан; б) гапларни аниқ маълумотлари ва грамматик тузилиши жиҳатидан текшириш, деб икки қисмга бўлади.¹²⁷

Тилшунослик тилнинг грамматик системаси ҳар доим сўзни бошқа сўзга муносабати нуқтаи назаридан текширади, яъни бир қисми предмет тушунчасини ифодаласа, бир қисми белги, яна ҳаракат, миқдор ва бошқа тушунчаларни ифодалашни тадқиқотларда айтилган. Яна сўзларнинг бошқа сўзлар билан муносабатга киришиш ҳолати, яъни сўз туркумларини, уларнинг аниқ ҳолатдаги семантик-грамматик хусусиятларига қараб баҳо бериш ҳам таъкидланади.

Тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида қаралаётган тилнинг сўз ясаиш системаси билан ҳам морфологиянинг зич боғланганлиги бир нечта ишда айтиб ўтилади. Бу боғланишни олим аффиксация ва композиция усулида сўз ясаиши, сўзларнинг қисқариши, ўзгариши, улар компонентлари орасида синтактик алоқанинг йўқолиши (*тил билмас, муштумзўр, кирювди*) ҳамда ясама сўз қисмларининг орасидаги муносабатнинг сезилмай қолиши каби ҳолатларини зич боғланишлар сирасига киритиб ўтган.¹²⁸

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, ўзбек тилшунослигида мавжуд, сўз деб қаралувчи бирликларни таснифлашга ҳар доим алоҳида эътибор қаратилган. Бу нарса барча дарсликлар, қўлланмалар, илмий мақолаларда ҳам ўз ифодасини топган. Морфологияга алоқадор барча ишларда тарихан олганимизда, одатда, XX асрнинг ўрталарига қадар ҳам, асосан учта сўз туркуми ажратилиб, қайд этилган (исм-от, феъл, ёрдамчилар).

Ёрдамчилар баъзан кўмакчилар номи билан, баъзан, боғловчилар номи

¹²⁷ Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент: Ташкентского ордены Дружбы народов, 1992.

¹²⁸ Ўша манба. – Б.59.

билан ва баъзан юкламалар номи билан қайд этилган ёки ёрдамчи сўзлар шу уч гуруҳга ажратилган.

Биз бу ўринда таснифларнинг ҳаммасини келтириб ўтирмаймиз-да, кейинги кейинги давр (XX асрнинг 50-йилларидан сўнги) таснифларини, асосан, жамоа томонидан яратилган илмий грамматикаларда келтирилган таснифлар асосида қайд этишни маъқул кўрамиз.

1957 йили Ф.Камолов таҳририда нашр этилган “Ҳозирги замон ўзбек тили” илмий грамматикасида (асосий муаллифлар: Ф.Камолов, Ш.Раҳматуллаев, В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ғуломов, З.Маъруфов, Х.Комилова, Р.Жуманёзов, М.Асқарова, С.Фузаилов, С.Усмоновлар) “Сўз ясалиш” тизими ҳам “Морфология” таркибида берилган ва сўз туркумлари: а) мустақил сўзлар – от, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш тарзида; б) ёрдамчи сўзлар – кўмакчи, боғловчи ва юклама тарзида; в) модал сўзлар; г) ундов ва мимемалар тарзида қайд этилган.

1966 йилда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида (жамоа) сўз тукумлари ўн иккита тарзида аниқ белгиланиб, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, ундов сўзлар, тасвирий сўзлар (тақлидлар - мимемалар), модал сўзлар, кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар қайд этилган. Яъни, умуман, тилдаги сўзлар: а) мустақил сўзлар б) оралик (алоҳида) сўз туркумлар; в) ёрдамчи сўз туркумларига ажратилган. “Сўз ясалиши” ҳар бир сўз туркуми доирасида қайд этилган.

1975 йилда яратилган “Ўзбек тили грамматикаси” (жамоа) китобида “Сўзларнинг лексик-грамматик категориялари” қисмида ўзига хос тасниф берилгани ҳолда (унда 3та тамойил: морфологик, лексик-семантик ва синтактик тамойилларга асосланган) ўзгарувчи ва ўзгармовчи сўзлар ажратилади ва кейин, мустақил сўзлар: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш қайд этилиб, ёрдамчи сўзларга кўмакчи, боғловчи, юклама киритилади. Модал сўзлар, ундовлар, тақлид сўзлар алоҳида сўз туркумлари сифатида келтирилади – жами сўз туркумлари 12та этиб белгиланади.

Мустақилликдан кейин яратилган кўпгина қўлланмаларда ҳам сўз

туркумлари, асосан, шу тарзда таснифланган. Ҳатто проф. А.Нурмонов ва бошқалар томонидан тузилган “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси”, Морфология (–Т., 2001 й.) қўлланмасида ҳам, асосан, от, сифат, сон, олмош, феъл каби мустақил сўз туркумлари қайд этилиб, бу қўлланмада равиш сўз туркуми алоҳида ажратилмайди. Бу муаллифлар томонидан шундай изоҳланади: “...белги оти туркий тилларда **синкретик** хусусиятга эга. Белгини аташ нуқта назардан ҳам бир хил хусусиятга эга. Шунинг учун сифат ва равишларга ажратишнинг ҳеч қандай илмий асоси мавжуд эмас”. Бу қўлланмада ёрдамчи сўз туркумлари ҳамда алоҳида сўз туркумлари ҳақида фикр билдирилмайди. Асосан 5 та сўз туркуми ва уларга хос грамматик категориялар ҳақида назарий фикрлар баён қилинади.

2007 йили Ўзбекистон Миллий университети олимлари етакчилигида нашр этилган (Р.Сайфуллаева ва бошқалар) “Ҳозирги ўзбек тили” қўлланмасида ҳамда “Замонавий ўзбек тили. Морфология”(–Т.,2008 й.) қўлланмасида сўз туркумлари сал бошқачароқ таснифланади, яъни модал сўзлар, ундов сўзлар бирлаштирилиб сўз-гаплар тарзида қайд этилади. Тақлидий сўзлар олмош туркумидан олдин қайд этилиб (мустақил сўз туркуми сифатида) мустақил сўзлар 7та этиб белгиланган

Кўринадики, тақлид сўзларнинг мустақил сўзлар қаторига киритилиши масаласи ҳали тадқиқ қилиниши лозим. Шунингдек, ундов ва модал сўзларнинг сўз-гаплар тарзида қайд этилиши ҳам янги тадқиқотларни тақозо этаётир. Чунки аввал ундов ва модал сўзлар сўз туркумларини ташкил этувчи бирлик сифатида қайд этилиб, сўнг уларнинг, асосан, гап тарзида нутда акс этиши ҳақида гапириш керак бўлади.

Назаримизда, ўзбек тилшунослигида сўзларнинг туркумларга ажратиш борасида бошқа бир мунозарали ҳолат мавжуд. Бу юкламалар ва модал сўзлар муносабати ҳамда баъзи эргаштиручи боғловчилар (аффикс ҳолидаги эргаштирувчи боғловчилар *-са, -ки...*) ва боғловчилар таркиби масаласидир. Биринчидан, юкламаларни сўз юкламалари ва аффикс юкламаларига ажратиш мантиқан тўғри эмас. Аффикс бу сўз туркуми доирасига

киритилмаслиги керак. Албатта, бу аффикслар маълум маъноларни билдиради, вазифа бажаради, бироқ сўз туркуми доирасига кирмайди (эргаштирувчи аффикс, боғловчилар ҳам шундай). Иккинчидан, юклама (сўз-юклама) тарзида қайд этилаётган бир нечтагина (*фақат, худди, ҳатто...* кабилар) сўз ифодалаётган асосий маънолар модал сўзлар ифодалаётган маънолардан тубдан фарқланиб турмайди.

Изоҳларни келтирамиз: а) юкламалар ҳақида “Айрим сўз ёки гапга кўшимча маъно жилоси” (оттенкасини бериш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар юкламалардир):¹²⁹ 1) нутқдаги бирор сўзни ажратиб кўрсатиш учун қўлланади. *Электр кўзгагина эмас, қўлга ҳам ёрдам берсин;* 2) гапга сўроқ маъноси бериш учун қўлланади: *-ми, -я* аффикслари ҳақида гап боради; 3) ҳис-ҳаяжонни ифодалайди: *-а* аффикси ёки сўз келади; 4) таъкид ва кучайтирувни билдиради: *ахир*.

Сўз юкламалар сифатида, асосан, *ҳам, ахир, ҳатто, фақат, худди, на* бирликлари қайд этилади. Баъзан маънони кучайтирувчи *тим, лиқ, лим, гирт, гарқ, жиққа* каби бирликларни ҳам қайд этиш кузатилади.

б) модал сўзлар ҳақида. Модал сўзлар ифодалаган маъноларига кўра дастлаб 2 гуруҳга ажратилади:

1) фикрнинг аниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар: а) *ростлик, чинлик, реаллик: ҳақиқатан, дарҳақиқат...* б) фикр қатъийлиги: *сўзсиз, шубҳасиз;* в) ишонч: *албатта;* г) табиийлик: *табиий;* д) чинлик-ростлик: *ростдан ҳам, дарвоқе;*

2) фикрнинг ноаниқлиги: а) тахмин: *шекилли;* б) гумон: *эҳтимол, балки;* в) тусмол: *афтидан;* г) гумон, ишонч: *ҳар ҳолда.....* кабилар.

Модал сўзлар англатган асосий маънолар юкламалар англатган маънолардан тубдан фарқ қилади, дейиш қийин. Юкламаларда ҳам воқеликка, фикрга муносабат ифодаланган бўлади. *Ҳам, ахир, фақат, худди, ҳатто* юкламалари маъноларида ҳам муносабат ифодаланиб туради. Маъно тафовутдаги, вазифадаги қисман фарқни назарда тутган ҳолда сўз юклама

¹²⁹ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 575

тарзида қайд этилаётган сўзларни модал сўзлар таркибига киритиб, унинг бир кўриниши сифатида бериш мақсадга мувофиқдир. Юклама сифатида қайд этилаётган бирликларнинг аксарияти аффикс кўринишидадир. Уларни сўз туркуми доирасида эмас, аффикслар доирасида белгилаб, қайси гуруҳ аффиксларига киришини ўша ерда қайд этиш лозим. Бошқача айтганда, бу аффиксларни грамматик шакл ҳосил қилувчи ёки грамматик муносабат ифодаловчи аффикслар қаторида қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам йирик тилшунос А.Н.Кононов ўзининг “Грамматика современного узбекского литературного языка” фундаментал асарида аввало сўз туркумлари куйидаги тартибда гуруҳлайди:¹³⁰ мустақил сўзлар: *от, сифат, сон, олмош, феъл*; ёрдамчи сўзлар: *кўмакчи, боғловчи, юклама*; оралик сўз туркумлари: *равиш, ундовлар, мимемалар* (таклидий сўзлар) каби.¹³¹ Бу ўринда модал сўзлар умуман қайд этилмайди. Кейинроқ ҳар бир сўз туркуми алоҳида таҳлил қилинган ўринда юкламалардан кейин алоҳида модал сўзлар берилиб, тўла изоҳланади.

Олимнинг юклама ва модал сўзга муносабатига эътибор берсак, у юкламалар сифатида деярли фақат аффиксларни қайд этади (-чи, -да, -а, -я, -у, -ку, -ми, -оқ, -ёқ, -гина). Алоҳида изоҳда “Одатда “ҳам” сўзи бир нарсани таъкидлаш учунгина хизмат қилади”, – деб қайд этади. Бошқа бирорта сўз юклама тарзида қайд этилмайди.¹³²

Шундан сўнг модал сўзлар изоҳига ўтилади-да,¹³³ бу туркум доирасида *мана, ана, ҳатто, ҳаттоки, ҳаммиша, бари; қани, ҳа, ҳа шундай, балки, йўқ, лаббай; чунончи, фақат, наҳот, наҳотки, ҳолбуки, шекилли; керак, мумкин, мумкин эмас, лозим* каби сўзларни келтиради. (фақат сўзлар қайд этилган) ўзбек тилида ёзилган дарслик ва қўлланмаларда *фақат, ҳатто, ҳаттоки, каби* сўз-юклама тарзида қайд этилади. Ҳақиқатан ҳам, бу сўзлар модал маъно ифодалайди. Кўринадик, ўзбек тилида юклама тарзида қайд

¹³⁰ Кононов А.А. Грамматика современного узбекского литературного языка. — Москва-Ленинград: Академ наук СССР, 1960.

¹³¹ Ўша манба. — Б.65.

¹³² Ўша манба. — Б.335-336.

¹³³ Ўша манба. — Б.336-337..

этиладиган сўзлар мавжуд эмас. Кўринадик, шу тарзда қаралса, ўзбек тилида юклама туркумини ташкил этувчи алоҳида сўз гуруҳи борлиги кузатилмайди. Сўз ҳолида бундай birlikлар (ўзбек тилининг ўзиники) йўқ. *Ҳам, фақат, худди, ҳатто* кабилар ҳам ўзга тиллардан ўзлашган ва жуда камчиликни ташкил этади. Улар модал сўзларнинг бир кўриниши ҳисобланиши мумкин.

Демак, ўзбек тилида, ҳақиқатан ҳам, 6 та мустақил сўз туркуми (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш (равишни ажратган маъқул)); 2 та ёрдамчи сўз туркуми (кўмакчи, боғловчи – аффикс ҳолидаги боғловчилар киритилмайди – улар аффикслар доирасида таснифланади); 3 та алоҳида туркумлари (модал сўзлар, ундов сўзлар, тақлид сўзлар туркумлари) бор эканлиги маълум бўлади. Тилимиздаги барча сўзлик хусусиятига эга бўлган birlikлар ана шу туркумлар доирасида қайд этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки юклама тарзида қайд этилаётган 5-6та сўз модал сўзлар таркибига киритилиши, тўғридир. Юклама сифатида қайд этилган аффикслар эса аффикслар доирасида таснифланади ва таҳлил қилинади. Ўзбек тилида алоҳида юклама сўз туркумини қайд этиш маъқул эмас.

Шундай қилиб, ўзбек тилидаги сўзларни таснифлашга барча қарашлар кўздан кечирилганда, ҳозирги кунга келиб, ана шу тарзда, ўн битта лексик-грамматик гуруҳга ажратиш энг маъқул кўрилади. Ўзбек тилшунослигидаги барча таснифлар тараққиёти буни тасдиқлаши мумкин.

Морфология грамматиканинг таркибий қисми бўлиб, сўзнинг (мустақил маъно англатувчи сўзларнинг) грамматик шакл ва маъносини ўрганади – сўзшакл ҳақидаги таълимотдир. Сўзшакл, маълумки, асосан, аффикслар воситасида ҳамда бошқа воситалар орқали ҳосил қилинади (фонетик восита, аналитик восита, оҳанг-интонация, жуфтлашиш, такрорлаш ва ҳоказо). Бошқача айтганда, ҳар бир мустақил сўз туркуми-асосан, от ва феъл – нутқда қўлланар экан, албатта, маълум бир грамматик шаклларда иштирок этади ва грамматик маъно ифодалайди. Сўз гапта (нутқда) бирор грамматик шаклсиз иштирок эта олмайди. Грамматик маънонинг эса

синтетик, аналитик ва аралаш шаклларда ифодаланиши ҳамма тилшунослар томонидан тан олинган.

Грамматик шаклга эга бўлиш ва грамматик маъно ифодалаш мустақил сўз туркумларига хос хусусиятдир. Ана шундай хусусиятга эга бўлган сўз туркумлари қадимдан маълумки, деярли ҳамма тилларда мустақил қўллана олувчи, маъно (луғавий маъно) англатувчи, асосан от ва феъл сўз туркумига хос бўлиб, айниқса, от-исм билдирувчи сўзлар ўз ички бўлинишларига эга бўлади: нарса-қурол отлари, шахс отлари, ўрин-жой отлари, мавҳум отлар; белги отлари (сифат, равиш), миқдор отлари ва ҳоказо; феъл туркумига кирувчи сўзлар ҳам шундай; ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари, шунингдек, нутқ феъллари, кўрув феъллари, фаолият феъллари, тафаккур феъллари, муносабат феъллари... кабилар.

Демак, асосий мустақил сўз туркумлари сифатида от(исм) ва феъл белгиланиши, ҳақиқатан ҳам, тўғридир. Исм (от) қаторида сифат, равиш (булар белги отлари), сон (миқдор отлари) ва олмош –кенг маънода исмлар ўрнида қўлланувчи сўзлар ҳам исм таркибида қаралиши мақсадга мувофиқ бўлиб, кўп йиллик тилшунослик ана шу ҳолатни тан олади. Шунга кўра, сўзлар асосан уч туркумга ажратилган: *от, феъл, ёрдамчилар* (ёрдамчи термини ўрнида баъзан юклама, баъзан боғловчи, баъзан кўмакчи терминларидан бири ишлатилганлиги маълум). Ҳозирги кунда ёрдамчи сўз туркумлари сифатида *кўмакчи, боғловчи, юклама* қайд этилиб келинапти. Алоҳида сўз туркумлари сифатида асосий адабиётларда *тақлид (тасвир) сўзлар, ундовлар, модал сўзлар* қайд этилади. Баъзи ҳолларда ундов ва мимемалар тарзида ундов сўзлар билан тақлид сўзлар бирлаштириб ҳам берилади. Энг кейинги даврда яратилган баъзи адабиётларда тақлид сўзлар мустақил сўз туркумлари қаторига киритилиб, ундов ва модал сўзлар сўз-гаплар тарзида қайд этилаётгани кузатилади. Юкламалар (ўзбек тилида) алоҳида туркум сифатида ажратилиб, улар таркибида *–ми, –чи, –а, –я, –ю, –гина, –ку, –да, –у, –оқ, –ёқ* каби аффикс – кўшимча кўринишдаги бирикмалар ҳам берилади. Сўз юкламалари эса жуда чегараланган. *Фақат, худди, ахир,*

наҳотки, ёлғиз, баъзан, танҳо, бир, ҳатто, нақ, гўё, гўёки, на кабилар (на инкор боғловчиси сифатида, бир ва ёлғиз сўзлари юклама вазифасини бажарувчи сўзлар сифатида ҳам қайд этилади; ҳам, баъзан каби бирликлар ҳам боғловчи сифатида қайд этилади. (Қаранг: Ҳозирги ўзбек тили, - Тошкент, 2007 й., 255-257-бетлар) Бизнингча, битта сўз-бирликнинг иккита сўз туркуми таркибида туриши мумкин эмас. Бир бирликнинг (маълум туркумга мансуб бирлик) иккинчи туркум таркибида турувчи бирликнинг вазифасини бажариши, бошқа масаладир.

Айниқса, ўзбек тилида у ёки бу сўз туркумига кирувчи бирликнинг вазифасини бажарувчи аффикс кўринишдаги бирликлар анчагина. Бирок улар сўз туркумлари деб номланувчи бирликлар билан бир қаторда туриши мумкин эмас. Аффикс юкламалар, деб белгиланувчи воситалар – бирдиклар аффикслар гуруҳи таркибида бўлиб, ўша ерда маъно жиҳатидан таснифланиши керак. Масалан, бизнингча, аввало, сўз ясай олиш ва олмаслигига кўра 2 гуруҳга ажратилиши – сўз ясовчилар тарзида таснифланиб, сўнгра сўз ясовчиларнинг ўзи ички бўлинишлар асосида от ясовчи, феъл ясовчи тарзида; сифат ясовчи, равиш ясовчи тарзида; шахс отлари ясовчи, нарса-қурол отлари ясовчи, ўрин-жой отлари ясовчи, мавҳум отлар ясовчилар тарзида ёки: отдан сифат ясовчи, феълдан от ясовчи, отдан феъл ясовчи... каби. Иерархияда ички таснифланиши муҳим, шундай йўл тутиш мақсадга мувофиқ.

Сўз ясамайдиган аффикслар – грамматик муносабат, соф грамматик маъно ифодаловчи аффикслар ҳам ички таснифланишга эгадир.

а) синтактик муносабат ифодаловчилар – улар умумий грамматик маъно ифодаляди, сўзлар ўртасидаги маъно муносабатларини шакллантиради, уларни белгиляди. Шу билан бирга, улар ҳам ички таснифланиши мумкин: от ва феъл муносабатларини ифодаляди, уларни тобе ҳокимлик асосида боғляди ҳамда от ва от ўртасидаги муносабатларни ифодаляди. Каримнинг китоби каби. Бунда қарашлилик – тегишлилик маъноси ифодаланади (*уйдаги китобларим* бирикмаси ҳам шу типга киради).

Худди шу каби феъл билан феъл муносабати ҳам ифодаланиши мумкин: ўқиб чиқди; ўқиб ташлади; ўқиб қўйди... каби. Баъзан бундай қўшимчалар содда гапларни, сўз бирикмаларини, муносабатларини ҳам ифодалаш, боғлаш вазифасини бажариши мумкин. Феъл нисбат шакллари ҳам шу гуруҳга киради.

б) синтактик муносабат ифодаламай, мазмуний муносабат ифодаловчи: соф грамматик маъно ифодалайди: *-лар*, кичрайтириш-эркалаш бирликлари, тарз ифодаловчи бирликлар, бўлишсизлик шакли *-ма*, кучайтирув-таъкид ифодаловчи аффикслар *-ку*, *-да*, *-ми*, *-оқ*, *-ёқ*, *-у*, *-ю*, *-а*, *-гина*, *-чи* кабилар. Шунингдек майл, замон, шахс-сон, (умуман, кесимлик шакллари) кўрсаткичлари ҳам шу гуруҳга киради. Яна эмоция, таажжуб, сўроқ, ҳайратланиш каби маъноларни ифодаловчи аффикслар ҳам шу гуруҳга бирлаштирилиши мумкин. Бу типдаги аффикслар ўзбек тилида кўмакчи сўзлар, модал сўзлар, боғловчилар бажарган вазифани бажариши учун кенг қўлланади. Укам учун олдим- укамга олдим каби.

Демак, а) мустақил сўз туркумлари асосан, иккита *от* (исм) ва *феъл* (сифат, сон, олмош, равиш исм таркибида); б) ёрдамчи сўзлар 2 та – кўмакчилар, боғловчилар; в) алоҳида сўз туркумлари: тақлид сўзлар (булар, кўпроқ от тарзида қўлланади, тақлид сўзларни ҳозирги изоҳлашлар билан мустақил сўз туркумлари қаторига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, ҳозирча ҳам алоҳида сўз туркумлари доирасида тургани мақул. Юкламалар масаласига келсак, сўз юкламаларни модал сўзлар таркибига киритиш маъқул кўрилади, аффикс-юкламалар, деб қаралаётган бирликларни эса аффикслар доирасида (сўз туркумлари доирасида эмас) баҳолаш тўғридир), ундов сўзлар (булар, асосан гап тарзида нутқда иштирок этади); модал сўзлар (булар кириш бўлак ёки гап тарзида қўлланади). Масалан, *йўқ* бормайман. *Йўқ* – кириш сўз, бормайман кесим шаклида ифодаланган гап; *Йўқ. Бормайман* – иккита гап. Бу фикр 3 хил ифодаланиши мумкин: *Йўқ.* Бу алоҳида гап; *бормайман* –бу ҳам алоҳида гап – тўлиқсиз гап; *йўқ, бормайман* – алоҳида гап (*йўқ* – кириш бўлакдир) ва ҳоказо.

Мавзуга оид назорат саволлари.

1. Ўзбек замонавий тилшунослигида сўз туркумлари таснифига оид муносабатларни тушунтириб беринг.
2. Сўз туркумларини ажратишнинг қонуниятлари қандай турларга бўлинади?
3. Сўзларни туркумларга ажратиш учун асос бўладиган даврлар, мезонлар, белгилар, асосларни санаб беринг?
4. Сўз туркумларини ўрганган ҳолда, туркумларнинг категориал белгиларини тушунтириб беринг.
5. Ўзбек тилшунослигида сўзларнинг туркумларга ажратиш борасида мунозарали ҳолатларга изоҳ беринг.
6. Грамматик муносабат, соф грамматик маъно ифодаловчи аффикслар тўғрисида маълумот беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи, – Тошкент: Қатортол-Камолот, 2000. – Б. 3–4;
2. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: ЎРОЎМТВ, 2010. – 591 б.
3. Тожиев Ё. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалишига доир // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. ЎзМУ илмий ишлари тўплами, – Тошкент: 2009.
4. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.
5. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.
6. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 109 б.
7. Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Уздавнашр 1963. 145 б.

Ўзбек илмий морфологиясида грамматик категориялар талқинига доир қарашлар тараққиёти

Таянч тушунчалар: илмий грамматика, туркум, морфология, грамматик категория, грамматик шакл, морфема, қўшимча, сўз.

XX асрнинг 40-йиллари ўзбек тили морфологияси бўйича жиддий илмий тадқиқотлар яратилиш даври бўлган. Бу вақтга келиб, умумий тарздаги морфологияга оид қайдлардан секин-аста ҳар бир морфологик ҳодисани алоҳида тадқиқ этишга ўтила бошланди. Бундай йўналишдаги ишларни тилшунос А.Ғуломов 1940 йилда «Ўзбек тилида келишиклар» рисоласи – тадқиқоти билан бошлаб берди.¹³⁴ Кўп ўтмай, олим «Ўзбек тилида кўплик категорияси» асарини яратди. Бу даврда “Феъл” китобини ёзди. Шу тарзда 30 дан ортиқ илмий тадқиқотлари бевосита ўзбек тили морфологиясига оид у ёки бу муҳим ҳодисанинг илмий талқинига бағишланди. Характерли жиҳати шундаки, олим ҳар бир ҳодисага, ҳолатга, бирликка онтологик тизимли ёндашади. Жумладан, агар олимнинг *-лик* аффикси ҳақидаги тадқиқотига эътибор берадиган бўлсак, бу аффиксининг келиб чиқишидан тортиб, унинг вариантлари, сўз яшашдаги ўрни, маҳсулдорлиги, маъно хусусиятлари, барча имкониятлари, яна бошқа хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот беради. Бошқа аффикслар ҳақида ёзилган мақолаларда ҳам шу ҳолат кузатилади. Яна таъкидлаймиз, М.Жўрабоева қайд этганидек, олимнинг «катта асарларга тенг қийматли ўнлаб мақолалари илмий хазинасида ноёб бўлиб қолаётганлиги, ҳали ҳам ўз қийматини йўқотмай, янги-янги йўналишдаги тадқиқотларга пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани аён ҳақиқат».¹³⁵ Унинг бирор тадқиқотида тизимсизликни кўриш мумкин эмас. Зеро, диалектик билиш тамойиллари шуни талаб этади. Чунки оламдаги ҳар бир ҳодисага (билишда) ёндашилгани каби тилнинг ҳар бир ҳодисасига (ҳар бир бирлигига ҳам)

¹³⁴ Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар // СССР ФА Ўзбекистон филиалининг асарлари. 2-серия. Филология. – Тошкент, 1941. № II.

¹³⁵ Ғуломов А. Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: ЎЗМУ, 2004. – Б.7.

унинг бошқа ҳодисалар, бирликлар билан турлича муносабатларини назарда тутмасдан туриб ёндашиб бўлмайди. Бу ҳақиқат ва ўзгача ёндашувларнинг барчаси тўлиқ натижаларни бермайди, бирёклама хулосаларни келтириб чиқаради. Профессор Ҳ.Неъматов бундай ҳолатларга муносабат билдирар экан, қуйидаги ҳақли фикрни баён қилади: «Лисоний бирликнинг структурал (жумладан, субстанциал) талқини ҳам, формал талқини ҳам ўз йўлида – унинг ҳар бир, жуда ҳам серқирра бўлган тадқиқ манбаининг – лисоний бирликнинг бир қиррасинигина очиб беради, холос. Қолган қиррасини очиш фан олдида турган вазифа. Давр ва тараққиёт эса унинг янги-янги қиррасини очиб бораверади. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилшунослигида айна бир тилнинг – ўзбек тилининг морфологик тизими тавсифида турли хил ёндашиш ва талқинни кўриш мумкин».¹³⁶ Ҳар бир тил ҳодисаси, унинг хусусиятлари, қирралари ҳақидаги фикр-хулосалар унга ёндашувнинг характери, мақсади, ёндашувдаги кўлам, ёндашувчининг билим даражаси, яна бошқа жиҳатлари (холис-холис эмаслиги кабилар), танланган объектнинг ҳажми, бошқа қарашлар, тадқиқотлар савияси, умумий илмий-амалий муҳитдан келиб чиққан ҳолда, нисбий тарзда чуқурлашиб, бойиб боради.

Кўплик категорияси ҳақида гап кетганда, одатда, асосий диққат отларга, қисман кишилиқ олмошларига қаратилиши, феъллардаги кўплик ҳолати уларга қараб белгиланишини ҳам кўрсатиб ўтади.¹³⁷ Профессор А.Ғуломов «Ўзбек тилида кўплик» ибораси жуда кенг маънони ўз ичига олишини таъкидлар экан, «ундан қўшимчалар орқали ифодаланган кўплик («гуллар»даги предмет сонининг ортиқлиги, «гулимиз»даги қаратувчи шахс ортиқлиги, «гуллатдик»даги бажарувчи шахс ортиқлиги) уқилиб турганидек, айрим сўз, сўз бирикмалари орқали ифодаланган кўплик (*биз, кўп одам, шода-шода марварид*) ҳам англашилиб туради»,¹³⁸ деган умумий ҳолатни қўшимча қилади. Олим ҳодисага мантиқий жиҳатдан ёндашувнинг

¹³⁶ Замоновий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. 1-жилд. – Б.24.

¹³⁷ Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1944. – Б.4.

¹³⁸ Ўша манба. – Б.4.

грамматик жиҳатдан ёндашувдан фарқ қилишига ҳам эътибор қаратади. Унинг қуйидаги хулосалари ҳозир ҳам муҳим аҳамиятга эгадир: «Тарихий жиҳатдан қараганимизда, жамлик англатишда иккинчи йўлнинг жуда қадимий экани пайқалади. У ўз сўзлик холи билан жамлик. Ҳар бир турдош от ялпи маънода қўлланиб, белгиланмаган сонни англатади. Бу тўла сон. Предмет сонини қўшимча орқали англатиш белгиланган ноаниқ кўплик. Кўпликнинг грамматик ифодаланишида биринчи йўлга нисбатан учинчисининг қадимийлиги кўринади. Ҳақиқатан ҳам, аффиксацияга қадар кўплик маъноси, асосан, такрор, сўзларни қатор келтириш орқали, синтактик йўл билан ифодаланган. Қўшимчалар туғилиб, кўплик ўз шаклига эга бўлгач ҳам, бу йўл кўплик ифодасининг бир тури сифатида қўллана берган».¹³⁹ Айтилганлардан қуйидагиларни англаш мумкин: а) нутқда кўпликни ифодалашнинг энг қадимги йўли сўзлар воситасида ифодалаш, грамматик ифодалаш эса кейинги ҳодисадир; б) грамматик ифодалашда морфологик йўлга нисбатан синтактик йўл қадимийдир; в) аффикслар кейинчалик юзага келган. Олимнинг фикрича, аффикслар сўзлардан туғилган, яъни «бу фикр – мустақил сўзнинг маъно ва формал томондан ўзгариб, ёрдамчи сўзга ўтиши ва аффиксга айланиши – бир қанча тилларнинг материалларини, тарихини текшириш асосида келиб чиққан. Масалан, сифатдошлардаги *-диган* аффикси (*ишлайдиган, борадиган* каби) зотан *тургон* сўзидан келиб чиққан (*юратургон-юратырған-юратыган-юрадыгон-юрадигон-юрадиган*)»;¹⁴⁰ г) бу усулларнинг ҳар бири ҳозирги кунда ҳам қўлланиб келмоқда. Янги тадқиқотлар натижасида уларни тўлдириш, такомиллаштириш, ривожлантириш мумкин. Лекин олимнинг юқорида келтирилган хулосалари, жиддий асосланганлиги туфайли ўз қийматига эга. Масалан, ўзбек тилида кўплик маъноси сифатларни такрорлаш орқали ҳам, от туркумидаги ёки бошқа туркумдаги сўзларни такрорлаш орқали ҳам ифодаланиши мумкин: *яхши-яхши; машина-*

¹³⁹ Ўша манба. – Б.5.

¹⁴⁰ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.80.

машина; нима-нима (олдинг), тез-тез (кўп) келиб турмоқ; тўртта-тўртта каби. Буларнинг ҳар бири ўзига хос кўплик ифодаланиши билан фарқ қилади. Шунингдек, кўплик нутқда фонетик усулда ҳам ифодаланади, яъни одам сўзини *ооодам* тарзида – зарб урғуси бериб ёки унлини чўзиб талаффуз қилиш орқали ҳам ифодаланиши олим фикрларини тўлдириш мумкин, лекин хулосаларни инкор этиб бўлмайди, чунки бу ходисани илмий асослаб берган.

Олим «Ўзбек тилида отлардаги кўплик маъносининг ягона аффикс белгиси «-лар»дир», деган катъий фикрни илгари суради. «Демак, *-лар* кўпликнинг грамматик белгиси. Унинг кўплик белгиси аталиши асосий функциясига кўра. Отларнинг кўплиги, деб отнинг *-лар* олиш ходисасини санар эканмиз, у чоғ бу ҳолатнинг мантикий-грамматик ҳодиса эканлиги яққолдир»,¹⁴¹ деярд экан, олим тўла ҳақ. Олим 40-йиллардаёқ «Кўплик *-лар* билан ифодаланар экан, бирлик бу кўшимчани олмаслиги билан билинади, у ўзини махсус формал белгига эга эмаслиги билан танитади. Бу ҳолат отларга хос. Феълларда бирлик ҳам ўз белгисига эга бўла олади», – деган фикрни айтади.

А.Ғуломов “бирлик ўзини махсус формал белгига эга эмаслиги билан танитади”, – деган ғояни илгари сурган. Худди шу каби фикр кейинчалик Ш.Раҳматуллаев томонидан ҳам айтилган ва А.Ғуломовнинг фикри тўғри эканлиги ўз тасдиғини топган. Ш.Раҳматуллаев ёзади: «Одатда *-лар* аффикси кўплик шакли, деб аталади: шунга кўра, шакл ва маънода унга зид кўйиладиган аффиксиз ҳолат бирлик шакли деб юритилади. Масалан, *дарахт* – бирликдаги от, *дарахтлар* – кўпликдаги от, дейилади.¹⁴² Лекин академик А.Ҳожиёвнинг фикрлари куйидагича: «...отнинг ҳеч қандай шакл кўрсаткичига эга бўлмаган (шаклсиз) ҳолати бирлик сон шакли ҳисоблаб келинаётган бўлса-да, аммо ўзбек тилида, ҳақиқатан ҳам, бирлик маъносига эга бўлган ва кўплик шаклига зидлик муносабатида бўла оладиган шакли

¹⁴¹ Ўша манба. – Б.5.

¹⁴² Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1944. – Б.5.

(бирлик сон шакли) борлиги ўз исботини топгани йўқ...»¹⁴³ тарзида, ундан ҳам катъийроқ ифодаланган фикрлари ўз тасдиғига эга эмас: а) «отлар бирлик ва кўплик сон шаклларида қўлланади» мулоҳаза ҳамма тилшунослар томонидан идрок этиб бўлинган (шакл масаласига зоҳирий эмас, ботиний ёндашиш керак); б) Ҳ.Ғ.Неъматов ўзининг «Феъл, унинг форма ва категориялари»¹⁴⁴ мақоласида бунинг исботини берган; в) «Замонавий ўзбек тили, морфология» қўлланмасида; «Шунинг учун уни категория таркибидан чиқариш система моҳиятини уқмасликдан бошқа нарса эмас... Лисоний моҳият эса «шаклсиз ҳолатнинг шаклли ҳолатга зидланишидан иборат», деган хулоса берилган.¹⁴⁵ Бу ҳолат проф. Ё.Тожиевнинг «Ўтимлилик ва ўтимсизликка» бағишланган жиддий мақоласида алоҳида таъкидланганлиги ҳаммага маълумдир.¹⁴⁶

Ўзбек тилидаги кўпликни ифодаловчи *-лар* кўшимчасининг синтактик ёки морфологик ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикрларга А.Ғуломов эътибор қаратиб, унинг сўз ясовчи эмаслигини, шунингдек, тилшуносликда назарда тутилган турловчилар қаторида ҳам бўлмаслигини аниқлашга ҳаракат қилади. «Отдаги *-лар* ни сўз ўзгартувчи қаторига киритувчи олимлар («Сўз ўзгартиш турлаш ва туслаш кўшимчалари ёрдами билан бўлади: «қуш-қушлар...») ҳам уни айрим мулоҳазалар билан оладилар» тарзидаги эҳтиётли ёндашувни беради. Демак, А.Ғуломов *-лар* аффиксини сўз ясовчилар қаторига ҳам, сўз ўзгартувчилар қаторига ҳам киритмайди. Аффикслар таснифи сўз ясовчилар, сўз ўзгартирувчилар тарзида қайд этилган ўринларда, олим *-лар* аффиксини сўз ўзгартирувчилар қаторида келтирса-да, сўз ўзгартирувчиларнинг ўзини синтактик вазифа бажарувчи шакллар ва синтактик вазифа бажармайдиган шаклларга

¹⁴³ Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. №5. – Б.26–33.

¹⁴⁴ Неъматов Ҳ. Феъл, унинг форма ва категориялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. №1. – Б.49.

¹⁴⁵ Замонавий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2007. – Б.210.

¹⁴⁶ Тожиев Ё. Ўтимлилик-ўтимсизлик категорияси ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг анжуман масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент: ТошДУ, 1987. – Б.35-39.

ажратиб туриб, у ҳолатда *-лар* аффикси синтактик вазифа бажармайдиган аффикслар каторига киритилади. Аффикслар таснифи сўз ясовчилар, форма ясовчилар ва сўз ўзгартувчилар тарзида қайд этилган кейинги грамматикада А.Ғуломовнинг ўзи *-лар* аффиксини форма ясовчи аффикслар каторига киритади. Ҳар икки ҳолатда ҳам *-лар* аффикси мақоми тўғри белгиланган.¹⁴⁷

Шунингдек, бу аффикснинг қўлланишидаги айрим жиҳатларни бошқа тиллардаги қўлланишлар ҳолати билан қиёсланиши олимнинг эътиборидан четда қолмайди. Жумладан, рус тилидаги «*Птицы поют, сердца детей*», немис тилидаги *Die Vogel singen Kinderhersen* бирикмаларининг иккинчи сўзларини бу ўринда бирлик шаклида қўллаб бўлмайди (сон мослиги доим сақланади), бироқ ўзбек тилида, фикрий материални ўзгартмай туриб, уни *қушлар сайрадилар, болаларнинг юраклари* шаклида ҳам, *Қушлар сайради, Болаларнинг юраги* шаклида ҳам қўллаб бўлади», деган фикрни айтар экан, унинг сабабларини жиддий изоҳлаб беради. Юқоридаги каби фикрларни, изоҳларни келтиришимиздан мақсад шуки, кўп тилшунослар (қисман, бошқа олимлар ҳам) проф.А.Ғуломовга нисбатан «А.Ғуломов рус тилига хос қонун-қоидаларни ўзбек тилига айнан татбиқ этган, фикрларини рус тили материаллари асосида айтган, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқмаган», тарзидаги фикрларни айтганлар.¹⁴⁸ Ваҳоланки, А.Ғуломов, ўз фикрларини ўзбек тили материалларини ниҳоятда чуқур таҳлил қилиш асосида айтганлиги кузатилади.¹⁴⁹

Юқорида келтирилган қиёс асосида олим чиқарган хулоса ҳам буни тасдиқлайди: «Бу сўзларни ҳар икки формада қўлласакда, кўплик мазмуни англашила беради. Бу кўрсатадики, у бирикмалар ҳар уч тилда мазмунан бир, бироқ ўзбек тилида иккинчи мисолларда кўплик маъноси шаклланмай,

¹⁴⁷ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 82–83.

¹⁴⁸ Миртожиев М., Махмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992, – Б.19–23; Зикриллаев Г. Истиклол ва адабий тил. –Тошкент: Фан, 2004. – Б. 27–38.

¹⁴⁹ Тожиев Ё. Профессор А.Ғуломов Ўзбек илмий грамматикасининг билимдони. –Тошкент: ЎЗМУ, 2020 йил октябрь; Тожиев Ё. Тил илмининг дарғаси // Ўзбек тили ва адабиёти ва санъати. 2020 йил, 6 ноябрь.

контекстуал англашилган. Бундан келиб чиқадики, ўзбек тилида кўплик маъноси доим ўз ифодасига эга бўла бермайди. Бу тилда унинг формал ифодаси жуда ҳам қатъий эмас, фикрий томонигагина асосланиш кучлироқ. Бу факт турколог олимларнинг туркий тилларда кўплик шаклининг кенг қўлланишига эга эмаслиги, унинг кўпинча ифодаланмай қолиши ҳақидаги фикрларининг ҳақиқат эканлигини яна бир марта исботлайди. Умуман, кўплик маъноси махсус кўшимча ёрдами билан эмас, балки бошқа воситалар билан ифодаланар экан, мазмунан англашилар экан, у чоғ шу кўпликдаги предметни билдирувчи от бирлик шаклида қўллана беради. Шунингдек, сон тасавури билан боғланмаган предметларнинг номи ҳам бирликда қўлланади».¹⁵⁰ А.Ғуломов давом этиб, ўзбек тилида отларнинг бирликда қўлланиш ҳолатлари ҳақида фикр билдирар экан, башарти, бу сўзлар кўплик шаклини қабул қилса, бу аффикс энди, кўпликни эмас, бошқа маънони ифодалаш, бошқа вазифа бажаришини айтади. Шундан сўнг, қайси тип отлар бирликда қўлланиши мумкинлигини 19 та пунктда бирма-бир келтириб ўтади, уларнинг сабабларини, ички кўринишларини изоҳлайди¹⁵¹. А.Ғуломов *-лар* аффиксининг қўлланиш хусусиятларига батафсил тўхталар экан, ўша пайтдаёқ грамматик шакл валентлиги масаласини кўзда тутган, дейиш мумкин. У айтган фикрлар кейинги пайтда (XXI аср бошларида) ёки сал олдинроқ билдирилган грамматик шакл валентлиги ҳақидаги фикрларнинг манбаи. Жумладан, А.Ғуломов *-лар* кўплик кўшимчасининг олдида сон аниқловчиси бўлган сўзларга кўшила олмаслиги, кўшилса, бошқа вазифани бажариши мумкинлиги ҳақида фикр юритади. Бу аффиксининг ҳар бир кўшилиш ҳолатида алоҳида-алоҳида имконият касб этишини кўрсатади.

Юқорида олим томонидан айтилган назарий фикрлар ишда мукамал асосланган, фикрларининг аниқ қонуният эканлигини «инглиз тилида S билан кўпликка айланган *рельс, эскимос, папуас* каби сўзлар рус тилига

¹⁵⁰ Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1944. – Б.15.

¹⁵¹ Ўша манба. –Б.15–21.

бирлик бўлиб кириб, кўплиги учун русча «ы» олган (*Рельсы, папуасы, эскимосы*), ўзбек тилида *-лар* олган: *папуаслар, эскимослар*... каби изоҳлайди. Олим *луғатайн, тарафайн (айн), хабар - ахборот - хабарлар, рубой - рубоийт; фақир-фуқаро; олим - уламо, лутф-алтоф, набий-анбий-анбийлар, валий-авлиё-авлиёлар; шайх-машойих-шайхлар-машойихлар* каби яна анчагина сўзларнинг ўзбек тилидаги қўлланиш ҳолатларини батафсил изоҳлайди. Худди шу тарзда А.Ғуломов форс тилидан кўплик белгиси билан кирган *Шаҳоншоҳи, мардон, чилдухтарон, сипохон, ҳукмдорон, пирсиён, шоуидон, мусурмон* каби сўзлар, уларнинг -он қисми ҳақида фикрлар билдиради ҳамда давомида *ўғлон, ёрон, эрон, боён, даврон, жонон* сўзлари ҳақидаги қарашларга муносабат билдириб, ҳар бири бўйича ўз қарашларини баён қилади. Бизнинг назаримизда, А.Ғуломовнинг бу сўзлар бўйича луғатларда қайд этилган ҳолатлар, бошқа олимлар томонидан айтилган фикрларга муносабати, улар асосида чиқарган хулосалари ишончли, ўзбек тилшунослигидаги ана шу сўзларга доир қарашларни ҳам бойитади. Кейинги қисмларида эса феъллардаги кўпликнинг ифодаланишини таҳлил қилиб беради. А.Ғуломов бу борада куйидаги назарий тезисларни баён қилади:

- 1) феълларда кўплик ҳам, бирлик ҳам алоҳида шаклланади;
- 2) феълларда кўплик ҳаракатни бажарувчи, бажартирувчи шахснинг кўплигини (аниқ феълларда) ёки ўша ҳаракатга йўлиққан, шу феъл ўзаги билан ифодаланган иш ўз устида бўлган, ўзига қаратилган шахснинг ортиқлигини (мажхул феълларда) англатади;
- 3) феълларнинг бирлик, кўплиги тусловчи қўшимчалар ёрдами билан ифодаланади;
- 4) буларнинг қандай формада келиши, қайси шахс, қайси сонни кўрсатиши эгага қараб бўлади;
- 5) бу ҳодисалар феълнинг сон шаклидаги хусусиятларини очиб кўрсатади: а) феълларда сон шахс билан боғлиқ; б) феълдаги шахс, сон кўрсатувчи шакллар унинг эга билан бўлган муносабатини кўрсатишга

хизмат қилади;

б) феъл тусловчи кўшимчалар синтактик шакллاردир;

7) бу ҳолат уни отдаги кўплик белгисидан фарқлайди.

Олимнинг *бордим* ёки *бораман* шакллари (улар алоҳида-алоҳида гап ҳам бўла олади) *-м* ва *-ман* қисмлари, бу кўшимчалар (тусловчилар) этимологиясига доир қарашларда, зотан *мен* олмоши билан алоқадор эканлиги кузатилади¹⁵². Жумладан, А.Ғуломов бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Тусловчи аффиксларнинг отлардаги сўз ўзгартувчи эгалик аффикслари билан ўхшашлиги бордир”. Масалан: *бордим* – *ҳовлим* мисолларидаги *-м* аффиксларининг ўхшашлиги аниқ ҳодиса: буларнинг иккаласи ҳам биринчи шахснинг борлигини кўрсатади (иккаласи ҳам биринчи шахснинг бирлигини билдирувчи *мен* олмошининг аффикслашишидан туғилган, деб фараз қилинади). Буларнинг фарқи: биринчиси феълга кўшилиб ҳаракатнинг шахсга муносабатини билдиради; иккинчиси эса, отга кўшилиб, предметнинг шахсга муносабатини – қарашлилигини билдиради. Демак, отлардаги ва феъллардаги шахс-сон билдирадиган аффикслар тарихий жиҳатдан бир-бири билан алоқадордир».¹⁵³ Кўринадики, *мен инженерман, сен инженерсан, у инженердир* гаплари охиридаги *-ман, -сан* тусловчилари айнан *мен* ва *сен* олмошларига алоқадор. Бу шакллари эга белгилаб берганлигини асослаб ўтиришга эҳтиёж йўқ. Учинчи шахсда бу гап зотан *у инженер турур* гапининг охириги сўзида қисқариш юз берган: *турур—>дир* каби.

А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида кўплик категорияси» китоби ХХ асрнинг 40-йилларида ёзилган, 56 саҳифадан иборат. Агар муболаға дейилмаса, ҳажмининг тенг ярми ўзбек тилидан олинган мисоллардан иборат (бошқа тилларга оидларидан, асосан, ўзбек тилига ўзлашиб бўлинганлари танланган). Таҳлилга тортилган материал ниҳоятда ранг-

¹⁵² Тожиёв Ё. Ҳозирги ўзбек тилшунослигига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. №2. – Б.30–37; Шу муаллиф. Яна сўз, лексема, сўзшакл, морфема, морфемика ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2008. № 6. – Б. 43–50.

¹⁵³ Ғуломов А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1954. – Б. 16.

баранг – улар умумхалқ тилидан, шевалардан, тарихий асарлардан, турли хил дostonлардан, фольклор материалларидан, таржима асарларидан, расмий хужжатлар, диний манбалар, газеталар, жанрлар, мумтоз адабиёт вакиллари ва замонавий адиблар асарларидан, жонли сўзлашувдан ва ҳоказо... олинган. Хулосалар ана шу материаллар таҳлили орқали, уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб чиқарилган. Бошқа тил материалларига қиёслаганда ҳам, одатда, ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатини бўрттириб, аниқ кўрсатиш мақсад қилиб олинган. У ёки бу бирликнинг қўлланишидаги меъёрийликка алоҳида эътибор қаратилган. Сўз шаклларнинг оғзаки нутқда, шеваларда, шеъриятда, тарихда ва ҳозирда қўлланишлари, бу ҳолатлардаги шакллари, қўш қўлланишлари, алмашилиб қўлланишлари *оғритмангизлар; борингиз-боринглар ёки айтинглар-айтларинг, биз-бизлар, сиз-сизлар, кирманг-кирмангиз...*), шу тарзда *мен ўрнида биз, ўзим ўрнида ўзлари* билан *сен ёки сиз* олимшининг алмашилиши каби жуда кўп, ҳақиқатан, ўзбек нутқида хос хусусиятлар олим томонидан, ҳар жиҳатдан, чуқур таҳлил қилинганлигини кўриб, «80-йиллардагина олимлар бундай таҳлил усулларини қўллай бошладилар» тарзида айтилган гапларнинг ўринсиз эканлигини исботлаш шарт эмас.

А.Ғуломов ўзбек тилининг ниҳоятда бой тил эканлигини тўла ҳис қилган, билган, унинг ҳар бир тил бирлиги чексиз имкониятларга эга эканини ўз илмий таҳлиллари орқали очиб бера олган олим. Хусусан, от такрори билан сифат такрорининг кўплик ифодалашдаги умумий ва фарқли жиҳатларининг А.Ғуломов томонидан очиб берилиши бу борадаги назарий қарашларни бойитган, янгича қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бошқача айтганда, ҳар бир тил бирлиги, ҳар бир тил ҳодисаси ўзи мансуб бўлган тил материаллари сифатида шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тил ҳақидаги умумий назарий фикрлар, қарашларни татбиқ этган ҳолда, уларга субстанциал ёндашув асосида муносабатда бўлганда чуқур тадқиқ этилган бўлади. Умуман олганда, профессор А.Ғуломов ўзбек илмий тилшунослигининг грамматик

категорияларини хусусийдан умумийга қараб таҳлил қилди ва грамматик категорияга ва унинг юзага келиш ҳолатларига тўғри баҳо берди. Бу ҳолат тилшуносликдаги кейинги грамматик категорияларнинг ўрганилиши ва тадқиқ қилиниши учун асос вазифасини бажариб келмоқда. Зеро, профессор А.Ғуломов белгилаб берган, қайд этиб ўтган барча грамматик категориялар ҳозирги кунгача яратилган бошқа барча илмий-тадқиқот ишларида янги методологиялар асосида ўрганилмоқда. Масалан, А.Ғуломов ишларида “фeyлнинг вазифавий шакллари” (функционал шакллар) тарзида номланиб, унга ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош киритилган бўлса, кейинчалик, фeyлнинг айнан ана шу шакллари “фeyлнинг хосланган шакллари” номи билан ва ниҳоят, энг янги қараш сифатида бу шакллар “фeyлнинг ўзгалоғчи шакллари” тарзида номланиб туриб қайд этилгани фанимизнинг ҳодисалар моҳияти сари янада чуқурлашилаётганлигидан далолат беради.¹⁵⁴ (Бундай ном алмаштиришлар “фeyл” сўз туркуми доирасида кўп учрайди: аниқлик, ижро майли, дарак майли, хабар майли..., “фeyл нисбатлари”, “фeyл даражалари” кабилар анчагина. Бундан ташқари ўзлик нисбати, қайтим нисбат кабилар ҳам бор). Бироқ А.Ғуломовнинг ўз қарашларида фeyлнинг вазифа шакллари тизимини категория сифатида қарамаслик бу даврда ҳали ўзбек тилшунослигида категория тушунчасининг чегаралари ва моҳияти аниқ белгилаб олинмаганлигидан далолат беради.

Хуллас, ўзбек тилшунослигида грамматик категорияни белгилашда (айниқса) профессор А.Ғуломовнинг хизматлари алоҳида ўрин тутди. Олим “Морфологияга кириш”, “Ўзбек тилида келишиклар”, “Ўзбек тилида кўплик категорияси”, “Фeyл”, “Ҳозирги замон курси бўйича материаллар”, “Ўзбек тилидаги кичрайтириш-эркалаш маъноларини ифодаловчи аффикслар ҳақида”, “Ўзбек тилида сифатнинг чоғиштирма даражаси ҳақида”, “Аффиксация даврида содир бўладиган ёндош ҳодисалар”

¹⁵⁴ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.510–527; Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 199–205; Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 372.

(Морфология бўйича) каби асарлар билан ўзбек тилшунослигининг “Морфология” соҳаси тараққиётига катта ҳисса қўшди.

С.Усмоновнинг 2010–1964-йилларда нашр этилган “Ўзбек тилида сўзларнинг морфологик тузилиши” китобида сўзларнинг грамматик шакллари алоҳида ўрганган, тилдаги ички ва ташқи шаклларга ҳам тўхталиб ўтган. Олим “Синтактик шаклларнинг парадигматик муносабати” номли бобида айтган грамматик категорияларга батафсил тўхталиб, сўз шакллари форма тузилиш системаси жиҳатидан икки турга: 1. Парадигма ҳосил қиладиган шакллар. 2. Парадигма ҳосил қилмайдиган шакллар каби турларга бўлиб ўрганган.

Парадигма ҳосил қиладиган шакллар сўзларнинг ўзаро боғланган, шу билан бирга бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган бир бутун системани ташкил қилувчи икки ва ундан ортиқ форма. Бундай шаклларга от ва отлашган сўзлардаги грамматик сон, келишик, эгалик, феълдаги бўлишли ва бўлишсизлик шакллари, кесимлик шакллари киритилиши айtilган.¹⁵⁵ Грамматик маъноларнинг бир хиллиги ва ўхшашлиги бир парадигма атрофида бирлашишини билдирган. Бундай системани ташкил қилувчи грамматик ҳодисалар йиғиндиси грамматик категорияни ташкил қилади, деб айтиб ўтган.¹⁵⁶

Парадигма ҳосил қилмайдиган шакллар сўзларни ўзаро кучсиз боғланган, бир-бирига қарама-қарши қўйилмайдиган икки ва ундан ортиқ шакллардир деган таърифни келтиради.¹⁵⁷

Мазмундан шу нарса англашиладики, бу системадаги сўзлар парадигма ҳосил қиладиган шакллар каби зич боғланмаган, қисман мустақилликка эгалиги билан фарқланади. Парадигма ҳосил қилмайдиган шаклларга отлардаги кичрайтиш-эркалаш, функционал шакллар; сифатларда даража, кучайтирув (интенсив), белгининг ортиқлиги ва камлиги, белгининг ноаниқлиги каби шакллар; сонларнинг турларини кўрсатувчи шакллар;

¹⁵⁵ Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг морфологик тузилиши. Тошкент: SHIDASP, 1964. – Б.128.

¹⁵⁶ Ўша манба. – Б.129.

¹⁵⁷ Ўша манба. – Б.129.

феъллардаги нисбат шакллари, функционал шакллар ва бошқа шу каби индивидуал хусусиятли шакллар киришини таъкидлайди.

1975 йилда У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевлар томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” кўлланмасининг “Грамматик категориялар” қисмида эса грамматик маънонинг тўртта усул орқали ифодаланиши берилган: а) сўзларнинг негизига грамматик маъно билдирувчи аффикс қўшиш йўли билан. *Китобни, китобга, китобдан* каби; б) ёрдамчи сўзларни келтириш билан. *Учун, билан* каби; в) сўз тартиби орқали; г) интонация орқали.

Грамматик маъно ифодаловчи турли воситалар грамматик шаклларни ташкил этиши, грамматик форма грамматик маъно билан узвий боғланганлиги айтиб ўтилган.¹⁵⁸ Маълум грамматик маънолар ва уларга хос ифода шакллар грамматик категория дейилиши асослаб берилган. Лекин китобда проф.С.Усмоновнинг парадигма ҳосил қилмаган шаклларни¹⁵⁹ ҳам грамматик категориялар таркибига киритиб, “грамматик категория грамматик маъно ва грамматик форма бирлигидан иборат” – деган фикрни маъқуллайди.¹⁶⁰ Сўзларнинг грамматик тузилишининг синтактик ва аналитик шакллардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтган.

Дарҳақиқат, грамматик категорияларни тадқиқ қилиш бўйича 1980 йилда Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиев, И.Расулов, Х.Дониёровлар томонидан “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (1-қисм) дарслигида ҳам сўзнинг грамматик маъноси ва грамматик шаклига тўхталиб ўтилган. Бошқа манбалардан фарқли ўлароқ, уч хил грамматик формани: синтактик (қўшимчалар ёрдамида), аналитик (ёрдамчи сўзлар) ҳамда жуфт ва такрорий шакллар орқали ифодаланишини берган. Олимларимиз сўз шаклини бирор туркумдаги грамматик категорияга хос форма бўлиши ёки грамматик

¹⁵⁸Турсунов Ў., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б.101.

¹⁵⁹Ўша манб. – Б.129.

¹⁶⁰Ўша манб. – Б.101.

категория ҳосил қилмайдиган форма бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.¹⁶¹ Категориал шаклларга отларда сон, эгалик, келишик, феълларда майл, замон, шахс-сон шакллари киритади. Нокатегориал шакллар сифатида эса маълум бир маъно ифодаловчи сўзни шу сўзга мансуб бўлган туркумга хос бўлмаган синтактик вазифага мослашиш вазифасини бажарувчи шакллар, деб таъкидлаган.¹⁶² Грамматик категория эса бир-бирига қиёсан олинмайдиган икки ёки ундан ортиқ грамматик маъно билан шу маънони ифодаловчи форма бирлигидан ҳосил қилиниши айтиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқотчилар сўзнинг тузилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Сўзнинг форма ясалишида қатнашадиган бўлақларини сўзнинг морфологик структураси, деб олган. Бироқ сўз ясовчи қисм сўзнинг морфологик тузилишига киритилмай (*иш+чи*, *иш+ла*), форма яшаш учун асос ҳисобланса (*иш+чи+лар*, *иш+ла+ди+к*), ундан сўнги қисмлар форма ясовчи аффикслар ҳисобланиши кўрсатилган.

1981 йилда М.Асқарова ва Ҳ.Абдурахмоновлар томонидан нашр қилинган “Ўзбек тили грамматикасининг практикуми” дарслигида сўзнинг грамматик маъно ва шакллари хусусида сўз юритилади. Грамматик маънодан ташқари, лексик маъно сўзнинг материал қисми орқали ифодаланиши, грамматик маъно эса, сўзнинг формал қисми бўлиб грамматиканинг ўрганиш объекти эканлигининг таъкидланиши муҳимдир.

Грамматик маъно сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмай, баъзан кўшимча, баъзан сўзлар билан ифодаланиши айtilган, грамматик маъно ва грамматик форма бир бутунликни ҳосил қилувчи ажралмас birlik, буларнинг грамматик категорияни ташкил этиши айтиб ўтилган.¹⁶³

Тилшуносликда жуда кўп муаммоли вазиятларни юзага келтирган жиҳат бу – категориялар тизими. 1981 йил нашр этилган “Тилшуносликка кириш” дарслигида грамматик категорияларни ҳосил қилувчи грамматик

¹⁶¹ Шоабдурахмонов Ш., Асқаров М., Ҳожиев А., Расулов М., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.240.

¹⁶² Ўша манба – Б. 240.

¹⁶³ Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. Тошкент: Ўқитувчи, 1981. –Б.50.

маънолар тўғрисида ҳам сўз боради. Олимлар грамматик маъно ифодаловчи кўшимчаларни икки турга: форма ясовчи аффиксал грамматик морфемалар ва сўз ўзгартувчи аффиксал грамматик морфемалар тарзида ўрганган. Бундан ташқари, интонация, мелодика (тон баландлиги ўзгариши тушунилади), урғу, такрор, ички флексия (турли маъноларни ифодалаш учун сўз таркибидаги товушларнинг ўзгариш *foot (оёқ) – feet (оёқлар)*), супплетивизм (айни бир сўзга мансуб икки сўзшаклнинг алоҳида-алоҳида асослар билан ифодаланиши) ва ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланиши батафсил баён этилган.

Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан тилларда турли грамматик маънолар учрайди. Лекин бу грамматик маънолар ва уларнинг ифодаланиши ҳамма тилларда ҳам бир хил эмас. Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик маънолари, уларни ифода қилувчи воситалар мавжуд. Улар айрим-айрим мавжуд бўлмай, балки маъно турларининг яқинлигига қараб гуруҳ-гуруҳларга бирлаштирилиб, грамматик категория сифатида баҳоланган.¹⁶⁴ Бунда олимларимиз грамматик категорияларни уч турга бўлиб ўрганган: 1) аналитик-грамматик категориялар – фақат ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланади; 2) синтетик-грамматик категориялар – аффикс морфемалар орқали ифодаланади; 3) аралаш ёки синтетик-аналитик грамматик категориялар – бир вақтнинг ўзида ҳам аналитик, ҳам синтетик воситалар ёрдамида ифодаланади. Бу инглиз, немис ва франсуз тилларида ҳам учрайди.

Ўзбек тилида жинс тушунчаси кўпроқ лексик-семантик усул билан ифодаланиши айтиб ўтилган: *ўғил-қиз, ота-она, эркак-аёл каби*. “Ўзбек тилида грамматик жинс-категорияси йўқ. Лекин бундан ўзбек тилида жинс тушунчаси ифода қилинмайди деган фикр келиб чиқмайди”, деб келтирилади. Лекин араб тилидан кириб келган *-а* қўшимчасини грамматик жинс категорияси ифодаловчиси сифатида баҳолайдилар. *Карим-Карима, Нодир-Нодира* – морфологик усул.¹⁶⁵ Бундан ташқари сон, келишик ва замон

¹⁶⁴ Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – Б.154.

¹⁶⁵ Ўша манба. –Б.160–161.

категориялари инглиз, немис ва француз тилларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари билан қиёсий таҳлил орқали ўқувчи оммасига етказиб берилган.

Профессор Ё.Тожиевнинг 1992 йилда нашр этилган “Ўзбек тили морфемикаси” номли ўқув қўлланмасида ўзбек тилшунослигидаги грамматик категорияларга батафсил тўхтанган. Тилда сўз грамматик жиҳатдан бошқа сўзлар билан ҳам муносабатда эканлиги олинади. Чунки у бошқа сўзлар билан грамматик шаклда муносабатга киришади. Шу сабабли, гап таркибида катнашган сўз мустақил сўз ҳисобланмай, грамматик шаклга эга бўлган, грамматик маъно ифодаладиган бўлади. Яъни гапда сўз семантик, фонетик ва грамматик жиҳатдан яхлит бўлса ҳам, бошқа сўзларга нисбатан, улар билан муносабатда бўлган ҳолда келиб чиқиши таҳлил этилган. Шу нарсаларни ҳисобга олган ҳолда олим сўзнинг уч томони ички (маъно), ташқи (товуш) ва грамматик (ўзаро муносабат) томони борлигини айтиб ўтган. Масалан, *китоб-дафтар* сўзидан фарқ қилувчи предмет; грамматик маъноси – гапдаги маъноси: *китоб сотиб олдим* – бирлик, белгисиз тушум.¹⁶⁶

Яъни сўзнинг грамматик формада келиши грамматик маънони ифодалашини кўрсатади. Грамматик шакллар, одатда, бир-бири билан узвий боғланганлиги, грамматик зидликни ҳосил қилувчи шакллар система кўринишида мавжуд эканлигини билдиради. Масалан, отлардаги бирлик ва кўплик бири иккинчисисиз мавжуд эмаслигини айтиб, бири қўлланганда иккинчисининг мавжудлигини, бири бўлганда иккинчиси бўла олмаслигини келтириб чиқаришини айтади.¹⁶⁷ Масалан, *китоб+о // китоб+лар* шакллар биргаликда ана шу ҳолатда шакллар системасини ташкил этиши айтилган ва бу система ҳамда улар англаган грамматик маънолар грамматик категорияни ташкил этади, деб изоҳланган.

Олим грамматик категория мавжуд бўлиши учун икки ҳодисани: маълум бир грамматик маънолар системасини ифодаловчи грамматик шакллар системаси бўлиш лозим ҳамда бу шакллар орасида грамматик

¹⁶⁶ Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент: Ташкентского ордены Дружбы народов, 1992. – Б.63.

¹⁶⁷ Ўша манба. – Б.64.

оппозиция (зидлик) бўлиши шарт, деб ҳисоблайди. Масалан, отлардаги сон, эгалик, келишик, субъектив баҳо категориялари, сифатлардаги даража категорияси, феълларда шахс-сон, замон, майл, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик каби категориялар ҳам зидланиш натижасида шаклланганлигини айтади. Ҳатто феълнинг хосланган шакллари: сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи ва соф феъл шакллари ҳам оппозиция ҳосил қилиб грамматик категорияни ташкил этади, деб изоҳлайди.

Демак, ҳар бир сўз туркумининг ўзига хос грамматик категориялари бор ва улар сўзларни туркумлашда асосий белги сифатида ҳисобга олинади.

М.Т.Ирискулов 2009 йилда нашр этилган “Тилшуносликка кириш” номли китобида грамматик категорияларнинг грамматик маъно билан узвий алоқадорлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг олдинги фаслларида нутқнинг энг кичик маъно англатувчи бирликлари англатган маъноларига кўра лексик ва грамматик морфемаларга ажратилишини ҳам кўриб ўтдик. Чунки кишилар нутқ орқали бир-бири билан мулоқотга киришишлари учун грамматик маъно лексик маънога қўшимча равишда намоён бўлиши зарур. Акс ҳолда кишилар мулоқот жараёнига кириша олмайдилар. Олим томонидан тилнинг грамматик таркибида аффикслар, оҳанг, такрор, ички флекция, супплетивизм, урғу ва бошқа воситаларда грамматик маънолар ифодаланишини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Тилшунослик нуқтаи назаридан тилда ёрдамчи воситалар турли хил: уларга кўмакчи, боғловчи, юклама, артиклар, предлоглар, ёрдамчи сўзлар ва боғловчи бошқа воситалар кириши илмий адабиётларда қайд этилади. Бундай воситаларнинг гапда тутган ўрни, вазифаси ва бошқа сўзлар билан бирикиш тартиби турлича. Шу сабабдан улар икки гуруҳга ажратилади: биринчи, артиклар, ёрдамчи феъллар, баъзи ёрдамчи сўзлар; иккинчи - боғловчи, кўмакчи, предлог ва юклама.

Грамматик категорияларнинг биринчи тоифаси сон, келишик, эгалик ва шахс-сон каби категориялар морфлар орқали ифодаланиб, синтетик

категорияни ташкил этиши белгилаб қўйилган. Аналитик грамматик категорияларнинг эса, фақат ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланиши назарда тутилган, аралаш ёки синтетик-аналитик грамматик категориялар эса бир вазиятнинг ўзида ҳам аналитик, ҳам синтетик воситалар билан ёки бошқача қилиб айтганда, ҳам грамматик аффиксал, ҳам мустақил грамматик морфлар ёрдамида ифодаланиши назарда тутилган.

Умуман олганда, ўзбек тилшунослигининг ушбу даврида ўзбек тилининг грамматик категорияларини аниқлаш ва тизимлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бироқ ўтган асрнинг 40-йилларида “Ўзбек тилининг кўплик категорияси” асари асосида бошланган тадқиқотларда ўзбек тилида грамматик категория тушунчаси, умуман, муаммо сифатида кун тартибига қўйилмади, балки аксар ҳолларда рус тилшунослигида бу борада эришилган натижалар ўзбек тилига истисносиз қабул қилинди. Ваҳоланки, бу ўзини оқламайди, ўзбек тилидаги грамматик категориялар ҳозирги кунга келиб бошқача ёндашув асосида кўриб чиқилишини тавсия этамиз.

Шу ўринда бир ҳолатни алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Профессор Ё.Тожиев ўз маърузаларида отларга хос субъектив баҳо категориясига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлашдан ташқари, отларда яна бир алоҳида грамматик категория борлигини кўп таъкидлайди. Бу отларга хос қарашлилиқ-тегишлиқ категориясидир. Яъни от туркумидаги сўзларнинг (отлашган сўзлар ҳам қиради) от туркумидаги сўзлар билан муносабати ана шу категорияни ташкил этишини ва бу категориянинг: а) қаратқич келишиги шакли (-нинг) ҳамда эгалиқ аффикслари шакллари (-м(-им), -нг(-инг), -и(-си), -миз(-имиз), -нгиз(-ингиз), -лари воситасида ифода топиши – *менинг китобим, сенинг китобинг, унинг китоби*); б) -даги аффикси воситасида ифода топиши; в) -ники воситасида ифода топиши *-мендаги китоб, сендаги китоб, ундаги китоб.. каби*; г) -ий, -вий аффикси орқали (*деворий газета, сиёсий гап каби*); д) -лик аффикси орқали: *Наманганлик йигит, тушлиқ овқат каби*. Шунингдек, бошқа воситалар билан ифодаланиши қайд этади. Ўзбек тилидаги қаратқич келишиги, маълумки, отни от билан боғлайди – от билан

от муносабатини ифодалайди. Бошқа келишиклар, одатда, отни феъл билан боғлайди. *Карим келди, Каримни кўрдим, Каримда бўлади, Каримдан олдим* каби. Бу икки ҳолат бир-биридан фарқ қилади. Буни жиддий тадқиқ этиб асослаш керак.

Қаратқич келишиги шакли эгалик аффикслари билан биргаликда (одатда, биргаликда) нарса ёки ходисанинг бошқа нарса ходисага тегишлилигини билдиради. Шу жиҳатдан уни бошқа келишик шаклларида жиддий фарқлаб туради. Бизнингча келишик шакллари парадигмаси, одатда, отни феъл билан боғлаш – от+феъл муносабатини ифодалайди. Бу муносабат маълумки, *-нинг* аффикси ва эгалик аффикслари саналувчи воситалар иштирокидагина ифодаланади. Бу шакллар бир-бирисиз қўлланмайди. Уларни ажратиб туриб баҳолаш (категориялаштириш) мумкин эмас. Шунга кўра ҳам билиниб турибдики, улар биргаликда битта категорияни, яъни қарашлилик-тегишлилик категориясини ташкил этади. Ана шу шакллар вазифасини ўзбек тилидаги *-даги, -ники, -ий, (-вий), -лик* ва яна (эҳтимол) бошқа шакллар – воситалар ҳам бажариб келади. *Уйдаги китоб (уйга тегишли китоб; тушдаги – тушлик овқат – тушининг овқати – тушки овқат – овқат тушники* кабилар).

Хуллас, отларга хос қарашлилик-тегишлилик категорияси мавжуд эканлиги аниқ бўлиб, қаратқич келишиги ва эгалик шакллари ана шу категория таркибига киради. Шунда отларда сон, келишик (5та) шакл, қарашлилик-тегишлилик (посессивлик) ҳамда субъектив баҳо (кичрайтириш эркалаш) категориялари мавжуд бўлиб, сифат ва равишлардаги даража категорияси ҳам шу охириги категория таркибига кириши мумкин. Олимнинг бу фикрини маъқул деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид назорат саволлари.

1. Ўзбек илмий морфологиясида грамматик категориялар талқинига доир қарашлар тараққиётини тушунтириб беринг.
2. А.Ғуломовнинг грамматик категориялар талқинига доир қарашлари.
3. А.Ҳожиёвнинг грамматик категориялар талқинига доир қарашлари.

4. Ш.Раҳматуллаевнинг грамматик категориялар талқинига доир қарашлари

5. Ё.Тожиевнинг грамматик категориялар талқинига доир қарашлари.

Ўзбек илмий морфологиясида сўз ясалиши муаммолари талқини ва унинг стандартлашуви

Таянч тушунчалар: сўз ясалиши, ясама сўз, ясалма, ясовчи асос, яшаш ҳодисаси, ясовчи элемент, морфема, қўшимча, сўз, сўз ясалишининг турлари.

Туркий тилларда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам морфологиянинг лексикология билан яқинлиги, айниқса, морфологик йўл билан – аффикслар орқали сўз яшашда ёки бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга ўтишида очиқ кўриниб туради. Яъни, сўз мустақилликка, яхлит тузилишга эга, унда ўзаро боғланган фонетик, лексик-семантик ва грамматик томонлар мавжуд, бу сўзнинг ўзаро боғланган уч хил тузилишга эга эканлигини кўрсатади: биринчидан, сўзнинг семантик жиҳати (сўз англатадиган маъноларнинг бутун системаси); иккинчидан, сўзнинг фонетик жиҳати (сўзнинг типик фонетик хусусиятлари); учинчидан, сўзнинг морфологик жиҳати (морфемаларга бўлиниши) каби.

Сўз яшашнинг энг кўп тарқалган, етакчи усули аффиксация усули, бундай ясалиш формал, ташқи томондан сўз шакллари яратиш билан бир хил кўринишда бўлганлигидан, бу ҳодиса кўп замонлардан бери морфологияга киритилади, ҳолбуки, сўз яшашнинг синтактик, фонетик ва лексик-семантик усуллари ҳам бор. Сўз яшашнинг фонетик ва лексик-семантик типлари (грамматик сўз яшашдан бошқа усуллар) морфологиядан анча узоқ туради. Сўз яшашнинг усуллари ва воситалари ҳар хил. Сўз яшаш ҳодисаси янги лексик бирлик яратиш демак. Англашиладики, сўз ясалишининг функцияси лексик характерда, у лексикологияга жуда яқин туради. Шунга кўра, айрим ишларда сўз ясалиши лексикология сатҳида ўрганилган.¹⁶⁸

¹⁶⁸ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.59.

Сўз яшанинг функциясини, ҳамма усулларини, воситаларини, тил системасининг турли томонлари билан муносабатини – умуман, унинг табиатини, ўзига хос хусусиятларини жамлаб, бир бутун сифатида олиб карасак, унинг тилшуносликдаги мустақил бир қисм эканлигини кўрамиз. Демак, сўз ясалиши тил ҳақидаги фаннинг айрим бир соҳаси, шу билан бирга унинг бир томони морфологияга алоқадорлиги билан ажралиб туради, албатта...

Ўзбек тили морфологиясида сўз ясалишига доир муаммолар 1966 йилда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ҳамда С.Усмоновнинг (2010)1964 йилларда нашр этилган “Ўзбек тилида сўзларнинг морфологик тузилиши” номли китобда сўз яшаш шаклларига турлича ёндашилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат, албатта, тилнинг таракқий этишида мулоҳаза билан фикр билдирилганлигини англатади. Бундан ташқари, У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевларнинг 1975-йилда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” қўлланмасида “Морфологиянинг муҳим вазифаларидан бири сўзнинг грамматик структурасини ўрганишдан иборат”, дейилган.¹⁶⁹ Сўзнинг лексик ва грамматик маъно ифодалайдиган бу қисмларини морфема деб атаган. Шу жиҳатдан уларни ўзак ёки асосий, аффикс ёки кўмакчи морфема сифатида ўрганганлиги маълум. “Аффикс” сўзига алоҳида урғу бериб, унинг лотин тилидан кириб келганлиги ва уч турга: сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи кўринишларга эга эканлигини таъкидлайди. Сўз ясовчи кўшимчаларнинг кўшилиши негизни, бирдан ортиқ кўшилиши натижасида эса негизнинг мураккаб қурилишга эга бўлиши кўриб ўтилган. Негиз (асос) ўзакдан фарқли ҳодиса сифатида белгиланган ва у, аввало, туб ва ясама негиз типидан турларга ажратилади: (*гул+ни – гул туб негиз; гулчи-ни – гулчи – ясама негиз; гулчилик-ни – иккинчи ясама негиз...*). Шунингдек, негизнинг (у туб ёки ясама бўлишидан қатъий назар) туб лексик негиз, туб морфологик негиз, туб синтактик негиз кўринишлари ҳамда ясама лексик

¹⁶⁹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 102.

негиз, ясама морфологик негиз, ясама синтактик негиз каби кўринишлари мавжудлиги қайд этилади.¹⁷⁰ Бу қараш академик А.Ҳожиевнинг “Ўзак, асос, негиз тушунчалари битта ҳодисани – бир birlikни ифодалайди, шунга кўра, улардан биттасини қўллаш-қолдириш керак”, деган фикрни йўққа чиқаради.¹⁷¹ Айниқса, ўзак ва асос терминлари икки хил birlikни ифодалашини унутмаслик керак. Ўзак ясама кўринишида бўлаолмайди, асос (негиз) эса ясама кўринишида бўла олади.

Сўз ясалишига оид яна бир ҳолат: унумли, кам унум ва унумсиз аффикслар мавжудлигини таъкидлар экан, оз миқдорда яшаш учун хизмат қиладиган қўшимчаларни кам унум, ҳозирги ўзбек тилида янги сўз яшаш хусусиятини йўқотган қўшимчаларни унумсиз (*қоровул, тузлуқ, дардчил, энчил, кекирдак*) қўшимчалар сирасига киритади.¹⁷²

Бу таҳлиллар қаторида турловчи (от ва отлашган сўзларга қўшилиб келадиган эгалик, келишик) ва тусловчи (шахс-сон) қўшимчаларини сўз ўзгартирувчи, қолган қўшимча турларини форма ясовчи аффикслар қаторига киритиб ўтган.

Академик А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тили сўз ясалиши” қўлланмаси ўзбек тилшунослигида сўз ясалиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш ва олимларнинг фикрларини жамлаш мақсадида 1989 йилда чоп этилди. Кейинчалик бу олим 2010 йилда “Ўзбек тили сўз ясалиш тизими” монографиясини ҳам нашр этади. Бу асарда А.Ҳожиев ўзининг бошқа қарашларини баён қилиб ўтади ва ўзбек тилида сўз яшашнинг ягона усули мавжудлигини асослашга ҳаракат қиладди (аффиксация усули). Бироқ бу тўғри эмас эди. Чунки усули қандай бўлишидан қатъий назар, қўшма сўзлар, лексикализациялашган ясалмалар ҳам мавжудлиги назарда тутмаслик мумкин эмас.

¹⁷⁰ Қосимхўжаева О. Сўз таркиби. – Тошкент: Ўқитувчи, 1956. – Б. 20-70; Усмонов С. Сўзнинг морфологик таркиби. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – Б. 20–60; Раҳматуллаев Ш. От негизлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1975. – Б.18–41;

¹⁷¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.

¹⁷² Ўша манба. – Б.104.

Профессор Ё.Тожиев кўшимча сўзларнинг сўз бирикмаларининг уч жиҳатдан ўзгариши асосида конверсияга учраши асосида вужудга келишини, ясалишини таъкидлайди (“Кўшма сўзларнинг ясалишга доир” алоҳида мақола нашр этилганлиги маълум). Бунда бирикма таркибида семантик, грамматик ва фонетик ўзгариш юз бериши асосида янги, кўшма сўз вужудга келади: *белнинг боғи – белбоғ, томнинг орқаси – томорқа, янги ер – янгиер* кабилар. Шунингдек, морфемани лексемага тенглаштириш каби ҳолатлар мавжуд бўлиб, бу ҳам тўғри эмас. Морфема сўзнинг маъно англатувчи қисми(қисм). У лексема ёки сўзга тенг бўла олмайди.¹⁷³ Бу қарашлар ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши тизимини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш вазифасини долзарб қилиб қўйади.

Профессор А.Ғ.Ғуломов сўз ясалишининг грамматика ва лексикага боғлиқлиги борлигини таъкидлаш билан бирга, ўз текшириш объекти борлигини, алоҳида соҳа эканлигини қайд этади. Морфема билан иш кўрувчи соҳаларнинг баёнида аввал морфемика, сўнг сўз ясалиши ва морфологиянинг алоҳида-алоҳида соҳалар сифатида берилиши, кўрсатилган илмий грамматикада бу ҳол “илмий жиҳатдан пухта асосланиб, практик томонидан ҳам афзалликларга эга” эканлигини олим таъкидлайди”.¹⁷⁴

Умуман олганда, олимларнинг фикрларини жамлаган ҳолда, сўз ясалишининг грамматикага киритилиши ва унинг мустақил бир бўлими, деб морфем бирликлар билан бирга иш кўриши, бу билан морфемиканинг бир қисми, деб қаратилиши тўғри эканлигини айтади. Китобнинг 10-бетида, “морфем таҳлилда маълум сўзларни маъноли энг кичик қисмларга – морфемаларга ажратади. Масалан, *ун-ум-дор-лик, иш-чи-лари-миз*. Ана шу қисм (морфема)лар сўзнинг морфем структурасини ташкил этади”, деб таъриф берган. Шундан келиб чиқиб морфемаларни ўзак ва кўшимча морфемаларга ажратганлигини кўрамыз.

Сўз ясалишини ҳам иккига ажратади: Сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи

¹⁷³ Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент, 1992. –Б. 36-47; Шу муаллиф: Яна морфема, лексема атамалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010 №1. –Б.13-17.

¹⁷⁴Ўша манба. – Б.6.

аффикс (формант), деб номлайди. Сўзнинг морфологик тузилиши ҳам форма ясовчи асос ва форма ясовчи аффикс (формант) тарзида ажратилади: *ми-чилари-миз каби*.

Олим сўз ясаиш мотивациясини ясама сўз ва унинг ясаишида катнашувчи қисмларнинг маъно жиҳатдан бўлган ўзаро муносабати, деб баҳолайди. Шу сабабдан, ясама сўзга асос бўлган бўлак – сўз ясаиш асоси, мотивловчи асос, ундан ҳосил бўлган сўз (ясама сўз) мотивланувчи сўз дейилади: *чанқоқ, чанқа-мотивловчи, чанқоқ-мотивланувчи* каби. Маълум бўладики, сўз ясаишида иштирок этадиган бундай қисмлар сўз ясаишининг структурасини ташкил этиши белгиланган.

Олим рус тилида сўз ясаиши билан боғлиқ ишларда сўз ясаиши системаланганлигини таъкидлаб, бу ишда сўз ясаишига оид бўлган бир ходисага нисбатан модель сўзи (сўз ясаиши) қўлланмаганлигини маълум қилади. Бироқ сўз ясаишга оид ишларда фақат профессор А.Ғ.Ғуломов сўз ясаиш модели терминини қўллайди, сўз ясаиш типи термини унинг ишларида учрамаслигини айтади.

Академик А.Ғожиёв сўз ясаиши регуляри деганда, сўз ясаиши жиҳатдан ўзаро алоқада бўлган сўзларда форма ва семантик муносабатнинг такрорланиши тушунилишини айтган. Масалан, *чизиқ, қавариқ, чандиқ*. Демак, ясама сўзларда мавжуд бўлган такрорланувчи семантик ва формал бўлак сўз ясаиш типини белгилаши мумкинлигини кўраимиз.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясаиш типига оид барча сўзлар учун умумий бўлган маъно, умумий сўз ясаиш маъноси, айрим сўзлар учун хос бўлган (жузъий фарқли) маъно хусусий сўз ясаиш маъноси эканлигига дуч келамиз. Яна шуни таъкидлаш жоизки, сўз ясаишининг маҳсулдор сўз ясаиш типини (-ла: феъл ясовчи бир нечта типга бўлинади) ва маҳсулсиз сўз ясаиш типини /-ла қўшилмасининг макон (жой) маъноли лексемалардан шу макон (жой) бўйлаб бўладиган ҳаракатини билдирувчи феъллар ясаиши:

ораламоқ, ичкариламоқ, олисламоқ, баландламоқ).¹⁷⁵ Энг кўп тарқалган сўз ясалиш усули – бу аффиксация усули эканлиги барча манбаларда қайд этилади. Шу сабабдан, академик А.Ҳожиев ҳам, бу усул билан сўз ясалишига алоҳида тўхталиб ўтган.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясалишидаги композиция усули масаласида бир неча йиллардан буён мунозарали ҳолат мавжуд. Бунга профессор Ё.Тожиев юқорида таъкидлаганимиздек, ўзининг “Ўзбек тили морфемикаси” номли ўқув қўлланмасида алоҳида эътибор қаратган. Унинг алоҳида бошқа ишларида ҳам сўз яшаш усулларига бошқача бир муносабат билдирилганлиги кузатилади.¹⁷⁶

Морфема тил ифода системасида товушдан кейин турадиган семантик-морфологик бирлик, сўзнинг энг кичик маъноли қисми.¹⁷⁷ Морфема тушунчаси ҳамма вақт ҳам тилнинг бир семантик – морфологик бирлигини унинг иккинчи бир семантик – морфологик бирлиги билан муносабатда бўлганда мавжуд бўлади – воқеланади. Масалан, *китоб-хон*. Бунда биринчи қисм иккинчи қисмга нисбатан алоҳида эмас, сўзнинг бир қисми эканлиги айтилди. Шунга кўра, *-хон* элементи ҳам сўзнинг қисми сифатида тан олинishi ва олдинги қисмга нисбатан баҳоланиши – бири иккинчисига нисбатан алоҳида-алоҳида морфема ҳисобланиши таъкидланган. Сўз қисмлардан (энг камида икки қисмдан) ташкил топмаган бўлса, у туб сўз сифатида баҳоланса, бу ўринда морфема ҳақида фикр юритиб бўлмаслигини айтади.¹⁷⁸ Кўз, тил, тоғ, боғ кабилар морфемадан кейин турадиган йирик тил бирлиги, улар сўздир, деган хулосага келган.

Олим сўз ва морфема тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтган, янги сўз морфемаларга ажралиши хусусиятига эга, у семантик грамматик жиҳатдан шаклланган, бир бутун ҳолда худди шундай тил бирликлари билан

¹⁷⁵Ўша манба. – Б.22

¹⁷⁶ Тожиев Ё. Ўзбек тилида кўшма сўзларнинг ясалиши ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. № 6.

¹⁷⁷Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.5.

¹⁷⁸Ўша манба. – Б.61.

умумийлик ҳосил қилишини айтган.¹⁷⁹ Морфемалар бири иккинчиси билан боғлиқ бўлиши, бири иккинчисидан ажратилганда морфемалик хусусияти йўқолиши тилга олинади.¹⁸⁰

Китобда ўзак ва негизлар морфемаларга ажралувчи сўзлардаги морфемаларнинг характерига кўра белгиланиши, сўзларда нечта морфема кўшилишидан катъий назар мустақил ҳолатда лексик маъно ифодалай олиши ва ифодалай олмаслиги бир-бирига зид қўйилади, мана шу ўзак ва кўшимчанинг вужудга келишига сабаб бўлиши айtilган. Негиз тушунчасига асос бўлган сўз форма билан янги ҳосил бўладиган сўз форма зидлиги – оппозицияси натижасида ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан белгиланган. Масалан, теримчи, теримчилар.¹⁸¹

Бу икки сўз қуйидагича таҳлил қилинади:

1) **морфем таҳлил:** *тер*-бош (етакчи, ўзак) морфема; сўз яшаш асоси:

а) *терим* сўзи: *-им* – эргаш (аффикс, ёрдамчи) морфема: ясовчи элемент;

б) *теримчилар* сўзи: *тер* – бош морфема; *-им, -чи, -лар* – эргаш морфемалар.

2) **сўз яшаш таҳлили:**

а) *терим* сўзи – *тер* – сўз яшаш асоси; *-им* – сўз ясовчи элемент;

б) *теримчилар* сўзи *терим* – сўз яшаш асоси –ясама асос. *-чи* – сўз ясовчи элемент; *теримчи* – шакл яшаш асоси, *-лар* шакл яшаш элементи.

1) **Сўз шакл (морфологик таҳлил):**

а) *терим* – шакл яшаш асоси, 0 шаклда;

б) *теримчилар* – теримчи шакл яшаш асоси; *-лар* – шакл ҳосил қилувчи элемент.

Ўзбек тилидаги, морфемалардан (таркибий қисмлардан) иборат бўлган барча сўзлар, шу уч жиҳатга кўра таҳлил қилинади:

а) бош ва эргаш морфемаларга ажратилади (морфем таҳлил);

¹⁷⁹Ўша манба. – Б.10.

¹⁸⁰Ўша манба. – Б.11.

¹⁸¹Ўша манба. – Б.11.

б) ясалмалар ясовчи асос ва ясовчи элементга ажратилади(сўз яшаш таҳлили);

в) шакл яшаш асоси ва грамматик шакл белгиланади(морфологик таҳлил).

Бу таҳлиллар аралаштирилмаслиги керак:

– сўзларни (таркибли сўзларни) морфемаларга – маъно англатувчи қисмларга ажратиш морфемикага алоқадор;

– сўзларни туб ва ясама сўзларга ажратиш сўз ясашига алоқадор;

– сўзларни морфологик асос ва морфологик элементга ажратиш морфологияга алоқадордир.

Маълумки, морфологияда (грамматиканинг бир қисми бўлгани сабабли) сўзнинг грамматик шакллари –категориялари, сўзнинг грамматик шакллар тизими, у ёки бу грамматик шаклнинг ҳосил бўлиши – грамматик ва грамматик шакл муносабати ўрганилади. Бу кейинги даврда яратилган барча адабиётларда деярли шу тарзда қайд этилган.¹⁸²

Тилшуносликда кенг қўлланилаётган негиз ва асос тушунчалари, одатда, янги сўзлар (ясалмаларга) ҳамда грамматик шаклда бўлган сўзшаклларга нисбатан қўлланилади.

Негизни белгилашда унинг қандай сўз шакл учун асос бўлаётганлиги аҳамиятсиз. Чунки бир ҳолатда янги лексик маъно англатувчи сўзга, иккинчи ҳолатда янги грамматик маъно англатувчи сўзга асос, деб қаралиши аниқ. Бундан ташқари, негизни ҳам туб (*терим-тер*) ва ясама негиз (*теримчи-терим*) тарзида баҳолайди. Яна шуни алоҳида таъкидлаганки, ясамалик сезилмай қолган сўзлар ҳам туб негизлар сирасига киритилган, қўшма сўзлар таркибида икки ва ундан ортиқ ўзак (белбоғ) бўлиши ясамалик белгисидир ва шундан ҳосил бўлган сўз битта ясама негиз сифатида кўрилади.¹⁸³

Сўз ясашига эътибор қаратиш тарихий нуқтаи назардан ёндашилмаса, масаланинг ечими ойдинлашиши қийинроқ кечади. Чунки сўз

¹⁸² Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 206.

¹⁸³ Ўша манба. – Б.13.

ва кўшимчаларнинг маъносини билмай туриб, уларни морфемаларга ажратиш мушкул. Олимнинг таҳлилларида ҳозирги ўзак типдаги кўп бўғинли ўзак морфемаларнинг аксарияти тарихий жиҳатдан таҳлил қилганда икки ва ундан ортиқ морфемадан иборатлиги айтилади. (*бўй-ин, биқ-ин, юр-ак, терс-га-ру, ёғ-им-ир, чўм-из-ич, қиш-ла-қ, кет-ар, ил-га-ру, кет-ин, ёт-си-қ*).¹⁸⁴

Хулоса қилиб айтганда, бу ишларда ўзбек тилидаги морфемаларга турли жиҳатлардан ёндашилган ҳолда тавсиф берилгани кузатилади.

Сўз ясалишининг тарихига назар соладиган бўлсак, тарихий тилшуносликда Абу Носир Форобийнинг содда сўз қонунлари ҳақидаги қарашларида сўзга кўшимчалар қўшилганда содир бўладиган ҳолатлар (сўзнинг фонетик тузилишидаги ўзгаришлар), содда ва кўшма сўз, ясама сўз намуналарига эътибор берганлиги, Абу Райҳон Берунийнинг сўз этимологик қарашларида сўзни морфемаларга ажратиш борасидаги қарашларида акс этган, айниқса, Маҳмуд Қошғарийнинг сўз ясалиши ва унга доир масалаларга махсус аҳамият қаратганлиги, сўзларни ясалганлик - ясалмаганлик белгисига кўра туб ва ясама сўзларга ажратиши, аффиксацияни сўз яшанинг энг маҳсулдор усули сифатида қайд этиши, сўз ясалишида ҳозирги кунда ҳам алоҳида таъкидланаётган сўз яшаш асоси, ясовчи восита, ясалма ҳақида фикр юритиши, айрим от ясовчи ва бошқа аффиксларнинг сўз яшашдаги иштироки борасидаги қарашлари, бу билан ҳам янги сўзлар ясалиши мумкинлиги каби ҳолатларнинг ўзбек тилшунослигида қайд этиб ўтилганлиги¹⁸⁵ фикримизни тасдиқлайди. Худди шу каби муаллифи номаълум бўлган «Ат-тухфатуз закияту фил-луғатит туркия» китобида ҳам XIII–XIV асрларда тилшуносликнинг бошқа масалалари билан бирга, сўз ясалиш масаласига ҳам муаллиф алоҳида эътибор қаратганлиги, айрим аффиксларнинг сўз ясалишида иштирок этишини қайд этганлиги ҳам олимлар томонидан

¹⁸⁴ Ўша манба. – Б.18.

¹⁸⁵ Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Камолот–Қатортол, 2000. – Б. 44–45; О‘ринбоев В., Қурбонov Т. О‘zbek tilshunosligi tarixi // O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU, 2006. – Б. 45.

таъкидланган.¹⁸⁶ Бу ишда сўз ясаши, сўз ясовчи аффикслар, уларнинг қандай негизларга қўшилган ҳолда сўзлар ясаши каби масалаларга алоҳида эътибор берилганлиги шарҳланган. Жумладан, от ясовчи, сифат ясовчи, феъл ясовчи аффикслар қайд этилади, уларнинг қандай маъноли сўзлар ясаши, шунингдек, қўшма сўзлар ясай олиши (синтактик усул) доирасида ҳам анча аниқ фикрлар, қарашлар ҳақида фикр юритилди. Муаллиф томонидан ҳозирги ўзбек адабий тили сўз ясаши тизимида қайд этилаётган *-лик*, *-чи*, *-н*, *-даш*, *-м*, *-в*, *-ма*, *-гич* (вариантлари билан), *-ман*, *-дан*, *-ги*, *-инди* каби кўплаб от ясовчи; *-ак*, *-ли*, *-чак*, *-а* ва бошқа от ва сифат ясовчи; *-ла*, *-ар*, *-ик* (*-ук*), *-кар* каби феъл ясовчи аффикслардан бир нечасининг қайд этилиши, қўшма сўзларнинг ясашида *бўл*, *қол*, *бор*, *тур*, *кўр*, *уйла* каби феълларнинг иштирок этишига эътибор қаратиши шарқ тилшунослигида, жумладан, туркий тилшуносликда сўз ясаши масаласига қадимданок жиддий эътибор қаратилганлигини асослайди. Албатта, туркий тилшуносликда сўз ясаши масалаларининг ўрганилиши алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Биз шу ўринда, ҳар ҳолда, сўз ясаши доирасидаги тадқиқотларнинг вужудга келиши тарихи узоқ эканлигини асослашга ҳаракат қилдик.

Умуман, тилшунослик тарихида сўз ясашига оид қарашлар кейинги даврларда ҳам тўхтаб қолмаганлиги, тил тадқиқига жиддий ёндашган олимлар бу масалага алоҳида эътибор қаратганликлари, у ёки бу даражада ана шу ҳодисанинг айрим жиҳатларини ёритиб ўтганликларини кўраимиз. Масалан, Алишер Навоийнинг ҳам ўзининг «Муҳокамат ул - луғатайн» асаарида *-и*, *-боз*, *-паз*, *-соз*, *-ар*, *-вул*, *-л*, *-дек* аффиксларининг сўз яшашдаги иштирокига алоҳида эътибор берилганлиги кузатилади. Шу тарзда, ХХ аср бошларида ҳам, ўзбек тилшунослигида сўз ясашининг айрим жиҳатлари давр талаби доирасида ўрганилди. Бу борада А.Фитратнинг қарашлари эътиборга лойиқ. Юқоридаги талқинлардан кўринадик, туркий тилшуносликда сўз ясашига оид масалалар алоҳида ҳолда, кенг кўламда,

¹⁸⁶ Фозилов Э.И., Зияева М.Т. Изысканный дар тюркскому языку. – Тошкент: Фан, 1978. – С.78–88.

чуқур илмий ўрганилмаган бўлса-да, бу ҳодисага ёндашув, уни қайд этиш, сўз яшаш усуллари, таянч тушунчаларини белгилаш, асосий ҳолатларни қайд этиш олимлар диққатини ўзига жалб этган. «Ат тухфа» асарида бу масалага, ҳар ҳолда, анча жиддий ёндашилган ҳамда таҳлил этилган. Шунга қарамай, айтишимиз мумкинки, ўзбек тилшунослигида сўз ясалишига доир асосий назарий масалаларни ҳал этиш, бу борадаги ишларни замон талаби даражасида ривожлантириш қадимдан туркий тилшунослик доирасида яратилган асарлар, қарашлар асносида ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, ўзбек тилшунослигининг XX асрдаги ҳолати, айниқса, сўз ясалиши муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича эришилган ютуқлар, бевосита туркий тилшуносликда шаклланиб келган қарашларнинг давоми, илмий чуқурлашган кўриниши бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, XX аср бошлари ўзбек тилшунослиги жаҳон тилшунослигининг, айниқса, рус тилшунослигининг айнан сўз ясалиши борасида эришган ютуқларидан ҳам фойдаланган.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб рус тилшунослигида сўз ясалиши муаммоларига ниҳоятда катта эътибор қаратилган. Айрим олимларнинг қатор монографиялари ва мақолалари сўз ясалишининг турли масалаларини ёритишга бағишланган. Айниқса, В.А.Богородицкийнинг “Общий курс грамматики”¹⁸⁷ китоби ҳамда “Очерки по русскому языку и введению языкознанию”¹⁸⁸ монографиясининг юзага келиши гўё рус тилшунослигида сўз ясалишига доир тадқиқотларнинг авж олишига туртки бўлгандек таассурот уйғотади. Чунки ана шу йиллардан бошлаб деярли ҳар йили ўнлаб мақолалар, кўплаб монографиялар, махсус бошқа тадқиқотларга оид ишларнинг нашр этилганлиги диққатга сазовор. Бу ишларда уларда рус тили сўз ясалиши тизимининг энг долзарб, турли-туман масалалари тадқиқ этилган: жумладан, В.В.Виноградов, П.А.Левковскаянинг мақолалари ҳамда «Академик Л.В.Щербанинг умумлингвистик ҳамда грамматик қарашлари»

¹⁸⁷ Богородицкий В.А. Общий курс грамматики. – Москва-Ленинград: Соцэргиз, 1935. №5.

¹⁸⁸ Богородицкий В.А. Очерки по русскому языку и введению языкознанию. – Москва: Соцэргиз, 1939.

номли мақолалари¹⁸⁹ бу борадаги илк қадамлар бўлди, дейиш мумкин. Шу тарзда 1952-1957-йиллар оралиғда ҳар йили ўнга яқин ёки ўндан ортиқ илмий мақола ёки монография нашр этилганлиги кузатилади. Жумладан, З.А.Потиха ва Ш.Ф.Шанскийнинг монографияларида¹⁹⁰ келтирилган библиографик кўрсаткичларда беш юзга яқин адабиётлар қайд этилган, уларнинг аксарияти бизга ҳам таниш. Ўзбек тилшуносларининг кўпчилиги бу ишлардан хабардор. Қайд этилган ишларнинг барчаси ХХ асрнинг 70-йилларига қадар нашр этилган, бу борада В.В.Виноградов, В.П.Григорьев, А.А.Дементьев, Е.А.Земская, Г.С.Зенков, К.А.Левковская, В.В.Лопатин, И.С.Улукханов, З.А.Потиха, Н.М.Шанский, М.В.Панов, М.Н.Морозова, Е.С.Кубрякова, Е.О.Винокур, А.П.Аверьянова каби олимларнинг тадқиқотлари долзарб мавзуларга бағишланганлиги, қўйилган масаланинг чуқур ёритилганлиги, хулосаларининг асосли эканлиги каби кўп жиҳатлари билан фақат рус тилшунослигини назарий жиҳатдан бойитибгина қолмай, умуман, дунё тилшунослиги тараққиётига, унинг сўз ясалиши тизими тараққиётини белгилловчи назарий билимларига ҳам катта ҳисса бўлиб кўшилган. Бу эса, албатта, бошқа тилшуносликларда сўз ясалиши муаммоларини ҳал этишда назарий манба вазифасини ўтайди, масалаларни тўғри ва имкон қадар мукамал ҳал этишга кўмаклашади. Ҳодисага, унинг моҳиятига ёндашувни ўзгартиради, тадқиқот методларини такомиллаштириш, ўзгартиришни таъминлайди. Сўз ясалиши, яшаш усуллари тушунчасини, яшаш типлари ёки моделлари, ясама сўз тушунчасини, ясалма, ясама сўз маъноси, ясама сўз компонентлари, сўз ясалиш таҳлили, ясовчи асос, ясовчи восита ёки элемент, қўшма сўз, туб сўз ясовчи аффикс, сўз ясалиши ва шакл ясалиши муносабати, ясама сўз ва сўз бирикмаси муносабати, қисқартмалар ва сўз ясалиш муносабати, маъно кўчиши ва сўз

¹⁸⁹ Виноградов В.В. Сўз ясалиши, унинг грамматика ва лексикологияга муносабати // Тил назарияси ва тарихи масалалари. – Москва, 1952; Академик Л.В.Щербанинг Умумлингвистик ҳамда грамматик қарашлари // Академик Л.В.Щерба хотираси. – Ленинград, 1956; Левковская П.А. Сўз ясалиши ва унинг грамматикага муносабати ҳақида // Академик Л.В.Щерба хотираси. – Москва, 1952.

¹⁹⁰ Потиха З.А. Современное русское словообразование. – Москва: Просвещение, 1970. -384 с.; Шанский Н.А. Очерки по русскому словообразованию. – Москва: МГУ, 1968.

ясалиши муносабати, фонетик ўзгаришлар ва сўз ясалиши, урғу ва сўз ясалиши, вариантдорлик, сўз ясалиш меъёрлари каби яна кўплаб тушунчалар ҳамда масалаларнинг, шу жумладан, регулярлик, унумли-унумсизлик ёки маҳсулдор-маҳсулсизлик тушунчаларининг моҳиятини тўғри белгилашга, уларга ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш каби ҳолатлар, ясалмани синхрон ёки диахрон аспектда ўрганиш, яъни ана шулардан келиб чиқиб асослашга кўмаклашади. Бу тушунчаларни белгилашда назарий жиҳатдан асос бўлади. Рус тилшунослигида кенг камровда ва чуқур тадқиқ этилган сўз ясалишига алоқадор ишлар туркий халқлар тилшунослигида ҳам бу соҳага эътиборни кучайтирди.

Озарбайжон тилшунослигида Э.В.Севортяннинг “Аффиксы именного словообразования...”(1966), “Аффиксы глаголообразования”(1962) китоблари нашр этилди. А.А.Юлдашевнинг “Система словообразования в башкирском языке” (1958) тадқиқоти юзага келди.

Ўзбек тилшунослигида 1955 йилга келиб, «Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиши муаммолари» фундаментал тадқиқоти юзага келди. Шу мавзуда А.Ғуломов Москвада докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Докторлик диссертацияси учун тадқиқотнинг биринчи қисми – аффиксация қисмигина тавсия этилган, шу қисм юзасидан бажарилган иш ҳажми 700 саҳифа атрофида эди. А.Ғуломовнинг ушбу диссертацияси зотан икки бўлимдан иборат бўлган: 1. Аффиксация. 2. Сўз қўшиш (словосложение). Ҳар бир бўлимнинг ўзи ҳам икки қисмдан ташкил топган: 1) аффиксация: биринчи қисм – отларни ясовчи аффикслар, иккинчи қисм – феъл ясовчи аффикслар; 2) сўз қўшиш: биринчи қисм – қўшма сўзлар; иккинчи қисм – жуфт сўзлар. Докторлик диссертацияси сифатида биринчи бўлимнинг биринчи қисмигина тавсия этилган, унда от ясовчи аффикслар ҳақида батафсил маълумот берилган. Ишда, шунингдек, аффиксация вақтида содир бўладиган фонетик ўзгаришларга кенг тўхталиб ўтилган. Ўзбек тили сўз ясалиши борасидаги илк ишларга (У.Турсунов ва З.Маъруфов ишлари) танқидий муносабат билдириб ўтилган.

А.Фуломов илмий фаолиятининг салмоқли қисмини ўзбек тили сўз ясалиши тизимининг барча, энг муҳим назарий масалаларини, ўзига хос жиҳатларини (айнан, ўзбек тилига хос бўлган хусусиятларини, ўзбек тили, айниқса, халқ тили материаллари асосида), шунингдек, умуман, сўз ясалиши муаммосини умумназарий аспектда ўрганиш масалалари ташкил этади. Албатта, бу фикр олимнинг бошқа соҳалар (фонетика, морфемика, морфонология, морфология, синтаксис каби соҳалар) бўйича олиб борган йирик тадқиқотларини ҳеч камситмайди. Зеро, олимнинг қайд этиб ўтилган соҳалар бўйича олиб борган тадқиқотларидаги мукамаллик, илмий теранлик, янги қарашлар, салмоқли хулосалар ҳам ўзбек тилшунослигининг бетакрор ютуқлари ҳисобланади ва ўзбек тилшунослигининг кейинги таракқиёти учун назарий манба вазифасини бажаради, деб ўйлаймиз. Олим ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши муаммолари бўйича энг кўп тадқиқотлар олиб борган тилшунослар сардори бўлиб қолади.

А.Фуломов тилшуносликнинг сўз ясалишига доир энг мураккаб, мунозарали назарий масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Чунки «сўз яшаш» ёки «сўз ясалиши» тушунчаларининг туб моҳияти, ҳақиқатан ҳам, тилда янги сўзлар яратиш – ҳосил қилиш. Янги сўз ҳосил қилиш – яратиш эса, тилдаги мавжуд воситалар ва улардан қайсидир усулларда фойдаланиш орқали амалга ошади. Бу ҳолатни ўзгартириб, бошқача талқинлар билан изоҳлашга, баён этишга ҳаракат қилмайлик, моҳият – шу, мақсад шу. А.Фуломов таъкидлаганидек, тил бирликлари ёрдамида, маълум усул билан сўз ҳосил қилиш моҳиятидан тубдан фарқ қилмайди. Чунки янги сўз бўшлиқдан олиб ҳосил қилинмайди, унинг ҳосил қилинишида тил бирликлари, мавжуд воситалар иштирок этади, улар воситасида сўз ҳосил қилиш, албатта, улардан қандайдир усулда фойдаланиш орқали амалга ошишини тилшунослик қоидалари тасдиқлайди.

Хуллас, сўз яшани бундай икки хил изоҳлаб, унга икки хил маъно бериб ўтиришга ҳеч эҳтиёж йўқ. Демак, А.Фуломов таърифида акс этган “қандай усул билан бўлмасин” тўғри белгиланган. Чунки тилда мавжуд

бўлган воситалар-бирликлардан фойдаланмаган ҳолда янги сўз ҳосил қилиб бўлмаслиги маълум. Ва ниҳоят, янги сўз ҳосил қилиш ҳолати ҳам туб моҳият. А.Ғуломовнинг «Ясама сўзнинг, бинарлик ҳолати, бинар оппозиция тусида бўлиши, унда икки элементнинг алоқадор эканлигини кўрсатади: ясама сўз (маҳсул) ва унинг ясовчиси (ясалишига асос бўлган элемент)»¹⁹¹ деган фикри ва мисоллар таҳлили ҳам, айнан, сўз ясалиши моҳиятини тўғри белгилаганлигини кўрсатади. Олим яшашга асос бўлган сўз ва ясаиб чиққан сўз муносабатларини изоҳлар экан, ясалиш асоси (А.Ҳожиёв) термини ўрнида, унинг туб моҳиятини тўғри белгилаган ҳолда яшашга асос бўлган ўзак, негиз терминларини, баъзан яшашга асос бўлган элемент терминини ҳам ишлатади ва бу элемент мустақил ҳолда айрим сўз, лекин ясалмага асос бўлгач – ундан янги сўз ясалгач – сўзнинг қисми: ўзак ёки негиз» деган моҳиятни баён қилади. Чунки ҳар бир ясама сўз сўз ясалиш асоси ёки сўз ясовчи асос, сўз яшаш асоси ҳамда сўз ясовчидан сўз ясовчи элементи, сўз ясовчи восита, сўз ясовчи - қисмларидан иборат бўлади. А.Ғуломов ҳар қандай ясама сўзда ясалиш асоси битта бўлиши ҳақидаги фикрнинг туб моҳиятини ҳам 70-йиллардаёқ аниқ белгилайди. Жумладан, «*тароқчи* сўзи *тароқ* сўзидан (олим тароқ асосидан демайди, холос), *тароқчилик* сўзи *тароқчи* сўзидан ясалганини, бунда сўз ясалиши таҳлили билан морфем таҳлилни аралаштирмаслик каби ҳолатларни жуда аниқ ва тўғри таъкидлайди: тўқимачилик сўзи тўқимачи сўзидан ясалган (-лик воситасида), у икки қисмдан: тўқимачи ва -лик қисмларидан иборат, аммо *тўқи+ма+чилик*: тўқи – ўзак морфема, қолганлари аффиксал морфемалар каби таҳлилларни берар экан,¹⁹² ХХІ аср бошларида бу борада айтилган фикрлардан моҳият жиҳатидан фарқланмайди, балки ХХІ асрда айтилган бу каби фикрларнинг юзага келиш вазифасини ўтаган десак, ҳақиқатга мос келади.

Олимнинг моҳият эътибори билан тўғри қайд этилган фикрларини,

¹⁹¹ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. № 1. – Б. 13.

¹⁹² Ўша манба.– Б.15.

айрим терминларни ўша даврга мос ҳолда қўллаганини назарий хатога йўл қўймасдан тан олиш илми бойитади, янгиликларга етаклайди. Терминнигина ўзгартириш билан моҳият ўзгариб қолавермайди. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, олимнинг ясама сўз (ясалма), сўз яшаш асоси, сўз ясовчи восита, ясалманинг маъноси, ясовчи асоснинг маъноси, ясовчи воситанинг маъноси, сўз яшаш усуллари тушунчалари ҳақидаги фикрлари ўз моҳиятига кўра, тўла асосли эканлиги кузатилади. Бу ясама сўз таркибини сўз ясалиши ва морфем таҳлил қилиш борасида ҳам ўз қимматини йўқотмаганлигини, асослилигини кўрсатади. Унинг сўз яшашда янги - ясалма ҳосил бўлади, у икки таркибий қисмдан иборат бўлади, бу таркибий қисмлар ўзаро муносабатда бўлади, ясовчи асос қисм билан ясовчи восита (аффикс, ёрдамчи воситалар – сўзлар) қисм ўртасидаги ўзаро муносабат ва уларнинг яхлит ҳолда ясалма билан муносабати каби масалалар бўйича айтган фикрлари ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. «Сўз ясалишига оид асосий тушунчалар» изоҳлари ўзбек тили сўз ясалиши тизими билан жиддий шуғулланган академик А.Ҳожиёв томонидан термин қўллашдан тортиб, бошқа кўпгина жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда тўла аниқлаштирилди, тўлдирилди.¹⁹³ Ана шу тўлдиришлар, янгича изоҳлашларнинг барчаси А.Ғуломов таърифи ва ҳодисалар моҳияти тўғри эканлигини инкор этмайди, аксинча, улар туб моҳиятига кўра, бир-бирига мос келади. Демак, А.Ғуломовнинг XX асрнинг ўрталарида қайд этган сўз ясалишининг таърифи ва асосий тушунчаларига доир қарашлари XXI аср бошларида ҳам асосий назарий манба вазифасини ўтаб келмоқда ҳамда янги тадқиқотларнинг юзага келишида асос вазифасини бажаради.

Бугунги кунда ўзбек тилининг ўзига хос сўз ясалиш тизими мавжуд. Бу ўзбек тилининг сўз ясалиши системаси, у шу тилга хос сўз ясалиши типлари системасини (икки системалар), сўз яшаш усуллари системасини, сўз яшаш моделлари (шартли, қолиплари) системасини ўз ичига олади. Бунда сўз яшаш

¹⁹³ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 5–60.

асоси, ясовчи восита, ясалма каби бирликлар ҳам шу система элементларидир. Сўз яшаш усули ёки усуллари деганда янги сўзнинг қайси йўл билан яратилиши назарда тутилади: а) асосга ясовчи восита (аффикс) қўшиш йўли (бу бор, ҳамма тан олади); б) сўзлар бир-бирига қўшилиб бирикма ҳосил бўлади – бирикма ўзгаришлар асосида (туфайли) содалашади, ихчамлашади, бирикмалик хусусиятини йўқотади, янги луғавий бирликка айланади: масалан, *белнинг боғи* – бирикма; *белбоғ* – янги луғавий бирлик – янги сўз. Бу усулни композиция усули, синтактик усул, лексик-синтактик усул, грамматик усули, содалашиш усули ёки яна бошқа номлар билан аталадими? Бунинг фарқи йўқ. Чунки минглаб, ҳозирча биз, қўшма сўз деб атаб келаётган бирликлар бор: *мингоёқ, томорқа, кўзойнак, отқулоқ, бешариқ, янгийўл, тошариқ...* кабилар. Уларнинг барчаси аввало: а) иккита сўзнинг (бирликнинг), яъни ё ўзак морфемаларнинг ёки, тўғрироғи, мустақил ҳолдаги сўзшаклнинг (белнинг боғи) ёки ясалишда иштирок этган иккита асоснинг бирикишидан (биринчи босқич) бирикма ҳосил бўлиши; кейин уларнинг бир-бирига сингишиб кетиши (фонетик, грамматик, семантик ўзгариши туфайли), содалашиши (иккинчи босқич) усулида, янги луғавий бирлик сифатида, тайёр ҳолда луғатларда қайд этилади. Демак, шу усулда янги сўз ҳосил бўлади, у аффиксациядан тубдан фарқ қилади. Буни ҳам янги сўз яратиш, ҳосил қилиш, деб тан олмаслик мумкин эмас, чунки бу грамматикада олдиндан қайд этиб келинган ҳолат.

Ўзбек тилида сўз ясалиш парадигмаси, сўз ясалиш категорияси терминлари ва улар моҳиятига тўхталадиган бўлсак, бу терминлар академик А.Ҳожиёв таъкидлаганидек, аввало ортиқча, алоҳида моҳиятни ифода этмайди. Бироқ «сўз ясалиш парадигмаси» терминини «сўз ясалиш типи» термини ўрнида шартли қўллаш мумкин. Бу типнинг моҳияти. Модел – бу = асос+аффикс (бир модел); аффикс+асос (иккинчи модел). Сифатларда эга эканлик маъносини ифодаловчи аффикслар воситасида от асослардан сифат ясалиши бир сўз ясалиш типи бўлади; от асослардан шахс отлари ясовчи орқали янги отлар ясалиши иккинчи бир типни ҳосил қилади. Унинг ўрнида

колип термини ишлатилгани билан моҳият ўзгармайди.

Жаҳон тилшунослигида сўз ясаши борасида олиб борилган тадқиқотларнинг деярли барчасида, уларнинг қандай усуллар эканлиги, кўринишларига тўхталиб ўтилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, туркий тиллар сўз ясашига доир ишларда бу масалага тўхталиб ўтилган. Ҳатто сўз яшаш усуллари махсус тадқиқот объекти бўлган ишлар ҳам анчагина, ўзбек тилшунослигининг ўзидаёқ, бошқа ишлар қаторида иккита махсус иш айнан шу масаланинг моҳиятини очиб беришга бағишланган.¹⁹⁴ Бундан ташқари, қатор ишларда ҳам сўз яшаш усуллари алоҳида эътибор қаратилганлиги маълум. Жумладан, академик А.Ҳожиёвнинг қайд этилган ишида шу ҳолат кузатилади, яъни олим сўз яшаш усуллари борасидаги қарашларга алоҳида тарзда муносабат билдириб ўтган.

Умуман, тилшуносликда сўз яшаш усуллари таснифи, тўғрироғи, усуллар миқдорини белгилаш борасидаги фикрлар, қарашлар турли-туман. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида такрорлаганимиздек, тилшуносликнинг минг йиллик тарихи давомида сўз яшаш усуллари эътибор қаратилган илк ишлардан бошлаб, то XX асрнинг охиригача қадар ва яратилган илмий тадқиқотларда (XXI аср бошларидаги баъзи ишларда) ҳам сўз яшашнинг иккита усули тан олинади. Бу усуллар деярли барча тилшунослар томонидан яқдиллик билан қабул қилинган, қайд этилган. Албатта, бошқа усуллар қайд этилган ўринларда ҳам, аввало, ана шу икки усул берилган, кейин бошқа усуллар санаб ўтилган.

А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида» мақоласи XX асрнинг 40-йилларида нашр этилди.¹⁹⁵ Бу ишнинг ҳажми 50 саҳифани ташкил этиб, олим ушбу ишида «Сўз яшаш термини, дунё тилларида сўз яшаш усулларининг бир қанча хил бўлишига қарамай, бизнинг онгимизда одатда аффикс орқали янги сўз ясашиш тасаввурини уйғотади, чунки ҳозирги

¹⁹⁴ Сайфуллаев А., Убаева Ф. Сўз яшаш усуллари. – Бухоро, 1958; Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // Тил ва адабиёт институти асарлари. – Тошкент: Фан, 1949. №1. – Б. 37–87.

¹⁹⁵ Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // Тил ва адабиёт институти илмий асарлари. – Тошкент, 1949. № 1. – Б.37–87; А.Ғуломов илмий мероси. – Тошкент, Давлат илмий нашриёти, 2009. № 5. – Б. 92.

тилларда энг кўп қўлланадиган, жуда сингиб кетган усул шудир; бироқ бундан бошқа (аффиксиз) сўз яшаш усуллари ҳам бордир», дейди.¹⁹⁶ Олим агар аффиксиз бошқа усуллар ҳам бор, деганда, ёрдамчи сўз сифатида сўз яшашда иштирок этган воситаларни (*кам, хуш..., қил, бўл, эт...*) назарда тутган ҳолда ушбу фикрни айтган бўлса ҳам, барибир, ҳақли. А.Ғуломов ушбу мақоласида (У.Турсуновнинг «Ўзбек тилида феълларнинг ясаши», З.Маъруфовнинг «Ўзбек тилида от ясовчи аффикслар», бир қисми А.Ғуломов томонидан ёзилган)¹⁹⁷ ўз қарашларини қисман ўзгартириб, ҳолатларни умумлаштириб, янгича ёндашиб, сўз яшаш усулларини учтага бирлаштиради:

1. Грамматик сўз яшаш (аффикс ёрдамида яшаш – аффиксация, сўз кўчиш йўли билан яшаш – композиция, сўзни бир лексик-грамматик категориядан бошқасига, бошқа туркумга кўчириш – категориал кўчиш йўли билан яшаш – конверсия).

2. Лексик-семантик сўз яшаш (маъно ўзгариши орқали янги сўзнинг ҳосил бўлиши).

3. Фонетик сўз яшаш (фонетик воситалар – ҳар хил фонетик ўзгаришлар ёрдами билан яшаш) тусида ажратади.

Албатта, олим шу ўринда берилган жумлада (...ўзбек тилида сўз яшашнинг воситалари ҳар хил, уларнинг типлари шундай кўринишларга эга: морфологик тип (сўз яшашнинг морфологик йўли), лексик-семантик тип (сўз яшашнинг лексик-семантик йўли), морфологик-синтактик тип (сўз яшашнинг морфологик-синтактик йўли), фонетик тип (сўз яшашнинг фонетик йўли) тарзидаги фикрни айтади. Кўринадикки, А.Ғуломов ушбу фикрида, ҳақиқатан ҳам, айрим олимлар тўғри таъкидлаганларидек, гўё сўз яшаш типлари ва сўз ясашиш йўли тушунчаларини қориштириб юборган, уларни эквиваленти сифатида қўллаган. Ҳатто, тип маъносида «модел» сўзини ҳам қўлланганлиги қайд этилади. А.Ғуломов, умуман олганда, сўз яшаш типининг моҳиятини тўғри тушунган, яъни олим ясама сўзларни ўзаро бирлаштирувчи маъно, бир

¹⁹⁶ Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // Тил ва адабиёт институти илмий асарлари. –Тошкент, 1949. № 1. – Б.32.

¹⁹⁷ Ўзбек тили грамматикаси. Кириш. – Тошкент: Фан, 1975. № 1. – Б. 22.

томондан, бир типга оид ясама сўзларнинг ҳаммасини уларнинг сўз ясаши асосларидан фарқлашини ҳам, иккинчи томондан, сўз ясашининг шу типини бошқа сўз ясаши типларидан фарқлашини, учинчи томондан, бир типга оид ҳар бир ясама сўзнинг маъноси гуруҳловчи маънога тенг бўлмаслигини ҳам билган. Шу билан бирга, сўз ясаши типининг умумийлик билан характерланишини ҳам, бунинг эса системага хос, системани белгиловчилардан ҳисобланишини ҳам билган. Бироқ шу ҳолатларни билган, фарқлаган олим, ҳақиқатан ҳам, А.Ҳожиев кўрсатганидек, *сўз ясаши тип* ва *сўз ясаши йўллари*, *сўз ясаши усуллари терминларини эквивалент* сифатида қўллагани ҳам факт. Олим сўз ясаши тип ва моделларини фарқлаб, иккинчиси биринчисининг таркибида бўлишини тўғри кўрсатган.

А.Ғуломов XX аср ўрталарида (докторлик диссертациясининг «Кириш» қисмининг 2-бўлимида) сўз ясаши усуллари терминини қўллаб, бундай усулларни: морфологик, синтактик, лексик, семантик, фонетик усуллар тарзида белгилаган бўлса,¹⁹⁸ 70-йилларга келиб, кўриб ўтганимиздек, бирлаштириб, учта қолипга келтиради.¹⁹⁹

Рус тилшунослигида 1980 йилда Н.Ю.Шведова бош муҳаррирлигида яратилган «Русская грамматика» (1-китоб) фундаментал ишидаги сўз ясаши йўллари ҳақидаги қайдларнигина келтиришни маъқул кўрамиз.²⁰⁰ Бу китобда сўз ясаши усули сўз ясаши типига нисбатан йирик, қатор типларни бирлаштирувчи бирлик эканлиги таъкидланган ҳамда умумлаштирилган ҳолда бир неча усулда сўз ясаши қайд этилади.²⁰¹

Демак, бу грамматикада асос тарзида иккита усул белгиланган, ички бўлинишларда унинг 11 та усули қайд этилган. Кузатиш шуни кўрсатдики, 1970 йилда нашр этилган «Грамматика современного русского литературного языка»²⁰² китобидаги сўз ясашига оид қисм 1980 йилда

¹⁹⁸ Гулямов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка: Фил. фан. док. ...дисс автореф. – Тошкент, 1955. – Б.7.

¹⁹⁹ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. №1. – Б. 22.

²⁰⁰ Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясашининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 154–160.

²⁰¹ Шведова Н.Ю. Русская грамматика. – Москва: Наука, 1980.

²⁰² Грамматика современного русского литературного языка. (Отв.ред. Н.Ю.Шведова) – Москва,

нашр этилган «Грамматика»да айнан қайтарилган (132–411-бетлар). Фақат кейинги китобда сон, олмош ҳамда экспрессивлик ифодаловчи юкламалар, таклид ва ундовлар, ўзгарувчан сўзларнинг ажратилган шакллариға хос сўз ясаиш структураси (411–413), шунингдек, сўз ясаишида морфонологик ҳодисалар (413–452) қўшимча тарзида берилган. Кўринадик, рус тилида сўз яшанинг асосан икки усули қайд этилган. Н.М.Шанскийнинг «Очерки по русскому словообразованию»²⁰³ монографиясидаги ҳолатни ҳам кўриб чиқишни жоиз, деб топдик. Гап шундаки, бу китобда (1-нашри 1959 йили чоп этилган ва бу ҳодиса алоҳида қайд этилмаган) сўз яшаш усуллари алоҳида бобда берилган (IV-боб). Ушбу китобда сўз яшаш усуллари аббревиация ва редеривация усуллари ҳам бирлаштирган ҳолда тўртта этиб белгиланган: лексик-семантик; морфологик-синтактик; лексик-синтактик ва морфологик усуллар.²⁰⁴ Сўз яшаш усуллари шу тарзида белгилаш Галькина-Федорук ва бошқалар томонидан тузилган «Современный русский язык» китобида ҳам қайд этилган. Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки, жуда кўп рус олимлари сўз ясаиш усули тушунчаси моҳиятини тўғри англаган ҳолда умумлаштириб, иккита тарзда, бир қадар умумлаштирган ҳолда эса, тўртта тарзда белгилаганлар. Рус тилининг ўзига хос сўз ясаиши тизими нуқтаи назаридан бунинг қанчалик тўғри ва асосли эканлиги, албатта, рус тилшунослари томонидан кўриб чиқилади.

Бошқа туркий тиллардаги адабиётларда сўз яшаш усуллари қуйидагича қайд этилганлиги кузатилади: қозоқ тилига оид «Современный казахский язык» китобида сўз ясаиши ҳар бир туркум доирасида берилиб (масалан, отларнинг ясаиши, сифатларнинг ясаиши... каби), от, сифат, феъл ва равишларнинг ясаишида икки усул борлиги қайд этилади (194–198; 246–274; 263–265-бетлар). Булар: аффиксация усули ҳамда сўз қўшиш усуллари. Худди шу китобнинг ўзида: «Агглютинатив тилларда сўз

1970. – Б. 37–301.

²⁰³ Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию. – Москва: МГУ, 1968.

²⁰⁴ Ўша манба. – Б. 253.

ясалишининг аффиксация усули ягона усул эмас. Қозоқ тилида янги сўзлар турли хил усуллар билан, жумладан, лексик-грамматик усул (сўз кўшиш, иккилантириш, такрорлаш кабилар) билан ҳам ясаши мумкинлиги қатъий таъкидланган (121-бет). Бу китобда ҳам ўзак, негиз, ўзак морфема тушунчалари ва уларнинг моҳияти, шунингдек, аффиксларнинг, асосан ўзакдан кейин кўшилиши қайд этилади.

«Хакас тили грамматикаси»да²⁰⁵ сўз яшаш усуллари учта этиб белгиланган: морфологик усул, синтактик усул, лексик усул (лексик-синтактик усул тарзида ҳам қайд этилади). Морфологик усулнинг энг унумли усул эканлиги алоҳида қайд этилади. Китобда лексик усул изоҳланар экан, бунда, сўз маъносида туб ўзгариш ҳосил бўлиши, сўзнинг иккита сўзга ажралиб кетиши (омоним сўзнинг ҳосил бўлиши) назарда тутилган. Худди шу тарзда озарбайжон, қорақалпоқ ва бошқа туркий тиллардаги сўз яшаш усуллари кузатилганида ҳам, иккита усул (аффиксация ва композиция) якдиллик билан қайд этилиб, лексик ёки лексик-семантик каби бошқа усуллар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилади.

Шуниси характерлики, қайд этилган адабиётларга эътибор қаратилса, кўрсатилган усуллар қаторида фақат фонетик усулда сўз ясаши А.Ғуломовнинг шу масалага бағишланган ишларидагина қайд этилгани кузатилади. Рус тилига оид адабиётларда ҳам, туркий тилларга оид адабиётларда ҳам бошқа олимлар томонидан бу усул қайд этилмайди.

Демак, олим ўзбек тилида тарихан, сўз ясаилишининг шундай усули мавжуд бўлганлигига эътибор қаратади ва ўзбек тилининг ўзига хос фонетик материаллари асосида, ясаилишнинг қонуниятларини тўғри белгилагани ҳолда, бу усулда кўплаб сўзлар ясалганлигини (тил тарихида) асослаб берган, дейиш мумкин. Албатта, бу усулда сўз ясаилиши (олим кўзда тутган тарзда) ҳозирги кунда кузатилмайди. У ўз фаоллигини йўқотган. А.Ғуломов фонетик усулда сўз ясаилишининг биринчи кўриниши бўлган ички ўзгаришлар асосида сўз ясаилишига кўп маротаба мурожаат

²⁰⁵ Баскакова Н.А. Грамматика Хакасского языка. – Москва: Наука, 1975. – С. 52.

қилади ва бундай ясалишларнинг қонуниятларини ҳам белгилаб беради.²⁰⁶ Бу эса олимнинг ҳақ эканлигига кишини ишонтиради. Кейинги этимологик кузатишлар ҳам *кўз-кўр, кун-тун, дада-ада-ота; ога-тога, қўл-қил, кел-кет, олд-орт, ост-уст, ака-ука, ота-она, тош-теш, қатиқ-қаттиқ, тўғри-ўғри, сол-ол, буз-туз, суз-сиз(II), бос-ос, хирр-ир, югур-йур, қис-сиқ, арт-арч, ёй-ёз, қиш-қис, бут-пут-бит* каби яна бошқа жуфтликларнинг шу усулда ясалганлигини кўрсатади (дам-дим каби қўлланишлар ҳам мавжуд). Бу масала ҳали жиддий тадқиқотларни талаб этади, албатта. Мазкур иш доирасида, бу масала, бизнинг мақсадимиз эмас. Лекин А.Фуломовнинг бу усулга алоҳида эътибор қаратганлигини ва бу ҳолат ўзбек тилининг этимологик луғатларини тузишда назарий асослардан бири бўлганлигини ҳамда келгусидаги яна кўп тадқиқотларга манба бўлиши мумкинлигини таъкидлаймиз. Ўзбек тилшунослигида «содаллашиш» ҳодисасига бағишланган кейинги бир ишда ҳам юқоридаги каби жуфтликларда фонетик воситалар янги сўзларнинг ясалишида муҳим аҳамият касб этганлиги қайд этиб ўтилади.²⁰⁷

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, А.Фуломовнинг морфонология ва сўз ясалишига доир ишларида, шунингдек, «Феъл» китобида *қоп-йоп, йон-йоқ-йот, от-сот; йор-йир-жир-жар (йара), йирт; бўз-бўр-бўш; ари-ири-чири-эри; ойоқ-адоқ-азақ; улоқ-увоқ-ушоқ; ий-эг (феъл)* ва ҳоказо жуда кўп (500 га яқин) бир-биридан ясалган, бир-бирига товуш жуфтликлари жиҳатидан ҳамда маъно алоқадорлигига кўра боғланувчи birlikлар борки, улар 3–4та эмас, яхлит системани ташкил этади. Уларнинг бир-биридан ясалганлигини белгиловчи қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан, қарама-қарши маъноли сўзлар; яқин тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; от-феъл жуфтлиги; от-феъл-сифат жуфтлиги каби алоҳида қонуниятлар асосида

²⁰⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – 600; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003. – 598 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати III (форсча, тожикча birlikлар ва улар билан ҳосилалар). Тошкент: Университет, 2009. – 282 б.

²⁰⁷ Усмонова М.К. Ўзбек тилида содаллашиш: (ясама сўз ва сўзшакллар мисолида) фил. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2012.

шундай урчиш содир бўлганлиги ишончли. Ана шундай урчиш, фонетик ўзгариш асосида фарқланиш тарзида янги сўзлар ҳосил бўлиши масаласи, кўрамизки, А.Ғуломов томонидан жиддий тадқиқ этилган. Шу усулда сўз ясалиши мавжуд бўлганлиги асослаб берилган. Бизнингча, ўзбек тилига хос, одатда, бир бўғинли, икки товуши бир хил бўлган туб сўзларни (шартли равишда, синхрон аспектдагина туб деб белгиланиши мумкин), жиддий тадқиқ этилса, олимнинг фикрлари тўғри эканлиги янада равшанлашади, ўзининг аниқ исботини топади. Мисолларни кузатсак, *йоп* ва *қоп* сўзлари «*бекитмоқ*» семаси билан бирлашади; *суз-йуз* (сувда *сузмоқ*, *йузуб* ўтдим) узиш «бирор нарса сатҳи *орқали* «*ўтиш*» семаси билан, *бўз-бўр* сўзлари «*хом*», «*ишлов берилмаган*», «*оқ*» семалари билан, *тим-том* сўзлари «*усти бекилган жой*» (тимнинг тагида) семаси билан, *йор-йир* жуфтлиги «*ажратиш*» семаси билан, *кўр-гўр* жуфтлиги «*берк*» семаси билан, *кеч-кес-кез* жуфтликлари «*бирор нарса сатҳи орқали ўтмоқ*», *бос-бот* жуфтлиги «*оғирлик билан таъсир этмоқ*» семаси билан бирлашади. *Кўз* ва *кўр* сўзларининг келиб чиқиши бир-бирига алоқадор эканлиги, шубҳасиз. Фақат изоҳлашда қийинлик бор: з ва р аффикслар, (*кел-кет* сўзларидаги *-л*, *-т* каби) кейин ўзак таркибига сингиб кетганми ёки з билан р товушларида алмашиниш содир бўлганми? *Тоға* сўзи *оға* сўзи олдидан *т-* ни орттириш орқали шаклланганми ёки *та-* (*катта*) + *оға* (зотан ака ёки тескариси) қўшилиши ва натижада, товуш тушиши содир бўлганми (битта *а* тушган – *та+аға-тоға*). Кўринадики, барибир, қандайдир фонетик ҳодиса содир бўлган: *кун-тун* жуфтлигида олдинги товуш алмаштирилган ва ҳоказо. Буларнинг барчасида ана шундай фонетик ўзгариш асосида (майли, биринчи босқич), дейлик, кейин фарқланиш рўй бериб (иккинчи босқич), янги бир луғавий birlik юзага келган.

Хуллас, ўзбек тили материаллари тарихда шу усулда янги сўзлар ясалганлигини тасдиқлайди.

XX аср охири XXI аср бошларида ўзбек тилшунослигида сўз ясалишининг асосан битта усули мавжудлиги, барча тилшуносликларда

(рус тили, туркологик адабиётлардаги ҳолат кўзда тутилади) аксарият тилшунослар яқдиллик билан қайд этган композиция (синтактик, сўз қўшиш) усулида сўз ясалиши йўқлиги қайд этила бошланди.²⁰⁸ Агар кузатадиган бўлсак, академик А.Ҳожиёв ўзининг 1989 йили нашр этган «Ўзбек тили сўз ясалиши» қўлланмасида композиция усулини кўрсатиб беради. Олим аббревиация, лексик-семантик, фонетик, синтактик-лексик усулларни алоҳида усуллар тарзида қайд этмасликни асослашга ҳаракат қилганлигини кўрамыз. Масалан, аббревиация усулини сўз ясалиши усули сифатида қарамаслик ҳақидаги фикрлари яхши асосланган. Бу ҳақдаги мунозара ҳам бошқа тадқиқотларни талаб қилади. Биз шуни айтмоқчимизки, академик А.Ҳожиёв сўз яшаш муаммолари, жумладан, сўз яшаш усуллари борасида ўзига хос тарзда мукамал фикрлар айтган, ўз қарашларини баён қилган. Ўз қарашларига – концепциясига эга. Ушбу улуғ олим ҳам, 80-йилларда композиция усули асосий усуллардан бири эканини тан олган эди. Бироқ тил системасига янгича ёндашувлар, янги кузатишлар асосида олим ўз фикрини ўзгартирди. «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» қўлланмасида олим, композиция усулида сўз ясалишини алоҳида усул сифатида қарамаслик кераклигини таъкидлайди.²⁰⁹ Профессор Ё.Тожиёв ўзининг «Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалишига доир мақоласида»²¹⁰ «Қўшма сўзлар, ҳақиқатан ҳам, икки сўзнинг оддий қўшиливидан ясалмайди, улар, одатда, сўз бирикмаларининг фонетик, грамматик ва семантик ўзгаришлари натижасида ўзаро яхлитлашишдан, улар орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолишидан, лексикализациялаш асосида юзага келади, бу композиция усули тарзида фақат шартли белгиланиши мумкин. Қўшма сўзнинг ҳосил бўлиши оддий сўз қўшилиши усулида ҳосил бўлмайди», деган фикрни айтади ва буни асослаб беради. Бундан фақат усулнинг номинигина аниқлаш кераклиги ойдинлашади. Ҳамма қўшма

²⁰⁸ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007.

²⁰⁹ Ўша маба. – Б.16–17.

²¹⁰ Тожиёв Ё. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалишига доир // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. ЎЗМУ илмий ишлари тўплами, – Тошкент, 2009.

сўзлар шу тахлит сўз бирикмаларининг уч жиҳатдан ўзгариши ва содаллашишнинг юзага келиши билан ҳосил бўлади, баъзи тарихан ўзгариб кетишлар ҳисобга олинмаса, ясама қўшма сўзларнинг барчасида маъно улар таркибидаги компонентлари маъноларидан ташкил топади (худди аффиксацияда акад.А.Ҳожиев айтганидек, ясовчи асос ва ясовчи воситалар маънолари ясама сўз маъносини ташкил этгани каби), ана шу компонентлар орқали унинг ясалма эканлиги мотивланади: *белнинг боғи – белбоғ, томнинг орқаси – томорқа* ва ҳоказолар. Қўшма сўз таркибида иккита ўзбек тилига оид, ҳозир ажратиб олса бўладиган, мустақил ҳолда қўлланиб, маъно англатадиган бирликнинг мавжудлиги уларнинг ясалишини мотивлайди. Улардан бири бўлмаса, ясалмалик ўз қимматини йўқотади.

Профессор Ё.Тожиев бирикма таркибида фонетик ўзгариш (товуш ўзгариши ёки урғунинг сифатида бўладиган ўзгариш, яъни бирикма таркибидаги ҳар бир сўзда ўзига хос алоҳида урғу бўлса, у қўшма сўзга айланганда, урғу бирламчи ва иккиламчи кўринишни олиши, одатда, кейинги сўздаги урғу бирламчи бўлиши мумкин), грамматик ўзгариш-қаратқичли бирикмаларда қаратқич шаклининг ёки эгалик шаклининг тушиб қолиши, ҳар иккаласининг тушиб қолиши (белбоғ-ҳар иккаласи тушган; сўз боши – олдингиси тушган – бундай мисоллар анчагина), синтактик алоқанинг, яъни қаратқич-қарашлилик муносабатининг йўқолиши; сифатловчили бирикмаларда сифатловчи-сифатланмишнинг йўқолиши; эга-кесим муносабатидаги бирикмаларда эга-кесимлик муносабатининг йўқолиши: *қумбосди, туячўкди, бўрибосар, отчопар, келин тушиди* (булар ҳам жуда кўп) оҳангнинг ўзгариши; семантик ўзгариш - маънолар қоришиб, сингишиб кетиши, бир тушунчани ифодалаш ҳолига келиши (белнинг боғи – икки тушунча; белбоғ – бир тушунча – кийик – чорсу; кўзнинг ойнаси – кўзойнак кабилар) каби ана шу уч ўзгариш бўлмаса, бирикма қўшма сўзга айланмаслигини кўрсатади (*сув+тупроқ*-улар сингишиб, қоришиб кетишидан бир тушунча ифодаловчи *лой* сўзи

вужудга келгани каби). Демак, қўшма сўз тилда бор бўлса, унинг мавжудлиги тан олинган бўлса, у ҳақиқатан ҳам, тилда мавжуд бирликлар воситасида – шулар асосида ҳосил бўлган бўлса, луғатларда қайд этилса ва луғавий бирлик саналса, кўринадики, у – янги сўз, айнан, янги ясалган, янги ҳосил қилинган сўз – луғавий бирлик. Албатта, у аффиксация усулидаги каби ясалган эмас, унинг ясалиши бошқа усулда, яъни сўз бирикмасининг юқорида айтилган уч ўзгариши асосида бирикмаликдан чиқиши, таркибидаги компонентларнинг бир-бирига сингиши усулида ясалган. Унга аффиксация усулидаги ясалиш ҳолатини татбиқ этиб бўлмайди. Қўшма сўзнинг мотивланиши ҳам бошқача бўлади, таркибий қисмларининг хусусиятлари ҳам бошқача. А.Ғуломов қўшма сўзларга ана шу жиҳатларидан келиб чиқиб, ўзига хос ясалиш усули борлигини ҳисобга олиб ёндашган. Шунга кўра, бу алоҳида усул сифатида белгилаган. Туркий тилшуносликнинг минг йиллик тарихи давомида ҳам олимлар шу ва шунга ўхшаш яна кўп жиҳатларни эътиборга олиб, бу усулда янги бирлик вужудга келишини қайд этишган.

Демак, шуни айтиш мумкинки, А.Ғуломовнинг XX асрнинг 70-йилларида сўз ясалишига ҳам тарихан, ҳам замонавийлик нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда ўзбек тилида сўз ясалишининг учта усулини кўрсатиши ҳамда «улар ичида ҳозирги кунда аффиксация ва композиция усуллари етакчилик қилиши, фонетик усул эса ҳозирги кунда ўз фаоллигини деярли йўқотган», деган фикри ҳамон ўз кучини йўқотган эмас. Аксинча, биринчидан, ривожланган тилшуносликларнинг барчасида ҳали ҳеч ким композиция усулида сўз ясалиши мавжуд эканлигини асосли тарзда инкор этмаган (уни *синтактик*, *лексик-синтактик*, *семантик-синтактик* усуллар тарзида номланган), рад эта олган эмас, иккинчидан, ҳали туркий тилшуносликда, ҳатто, *онке* типидagi бирликларни префиксация усулида сўз ясалишга киритиб, туркий тилларда ҳам префиксация бор - префикслар

мавжуддир, деб изоҳлаган олимлар²¹¹ ҳам А.Ғуломов қайд этган фонетик усулда сўз ясалишини асосли тарзда бекор қила олган эмаслар. Бироқ бу усулнинг, ҳақиқатан ҳам, тил тарихида мавжуд бўлганлигини қўллаб-қувватловчилар, буни атрофлича ўрганишга даъват этувчилар, фактларга асосланган ҳолда, бу усулни тан олувчилар бор. Бу ҳолат А.Ғуломов тадқиқотларининг ўзбек тили далилларига тўла асосланганлиги, чуқур таҳлиллар асосида хулосаланганлиги, яшовчанлиги, кейинги тилшунослик тараққиёти учун назарий манба бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. А.Ғуломов «Феъл» китобида композиция усулининг ўзига хос жиҳатларини асосли тарзда кўрсатиб берганлигидан ташқари, 1975 йилда бу масалага яна алоҳида эътибор қаратади. «Ўзбек тили грамматикаси» китобининг «Қўшма сўзлар» қисмида улар ясалишининг асосий хусусиятларини, қўшма сўз ясалишидаги қонуниятларни яхши очиб беради ва «Сўз яшанинг бу типини ҳам ўзбек тилидаги актив йўллардандир» деган фикрни айтади.²¹²

Ўзбек тилшунослигининг бу даврида сўз ясалиши масаласи формал тадқиқ усуллари асосида атрофлича ёритилган. Бироқ давр учун лисон ва нутқни фарқламаслик ҳодисаси хос бўлганлигидан сўз ясалиши масаласида тарихий ва нутқий ясалиш, ясалиш ва лексемалашув ҳодисалари ажратилмади, бу эса аффиксация ва композиция усулларида қай бири синхрон сўз ясалишига дахлдор эканлиги, композиция усулининг сўз ясалишига муносабатини ойдинлаштириш муаммосини кун тартибига қўя бошлади. Ўзбек тилшунослигидаги бу ҳолат деривация ва сўз ясалиши терминлари ва тушунчалари тўқнашувини келтириб чиқарди. Бу, ўз-ўзидан, ўзбек сўз ясалиши таълимотида янги давр бошланаётганлигидан далолат берар эди. Шундай қилиб, ўзбек тилининг сўз ясалиш тизими, умуман, тилшуносликда сўз ясалиш тизимидаги аффиксация ва

²¹¹ Азимов П. Префиксация в туркменском языке. – Ашхабад: Туркменский гос. университет, 1947; Поцелуевский А.П. Происхождение в личных и указательных местоимений. – Ашхабад: АН СССР, 1947.

²¹² Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ФА, 1963. –Б.32–34.

композиция усулларида ясалган сўзларни; улар маълум туркумларга хосланганлиги, алоқадорлиги жиҳатидан ҳам, шунга кўра ясалмалар туркумларга хос грамматик шаклларни (морфологик шаклни) қабул қилишга мослашиши билан, шунингдек, ясалманинг *ясовчи асос+ясовчи элемент* каби компонентларга ажратилиши билан морфологиянинг текшириш объекти доирасида тадқиқ объектлари бўлган. Бошқача айтганда, ўзбек тилининг сўз ясашиш тизимини тилнинг морфологик сатҳи билан алоқадор ҳолда кузатиш, кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Бу ўринда яна бир жиҳатни ҳам айтишга тўғри келади: С.Муталлибов “ХІ аср ёдгорликларида феъл категорияси” монографияси, шунингдек, профессор А.Ғуломов ўзининг “Феъл” китобида феълнинг нисбат шакллари ҳосил қилувчи *-н, -л (-ин, -ил), -тир, -дир, -гиз...* каби қўшимчаларни феъл ясовчи (феъл ясовчи – ички ясашиш) қўшимчалар сифатида, морфологик шакл ҳосил қилиш билан морфологик усулда сўз ясашишини уйғунлаштириб туриб баҳолаганлари маълум. Феъл нисбат кўрсаткичларининг сўз ясашидаги иштироки масаласи, шунингдек, уларнинг соф грамматик шакл ҳосил қилувчими (*-лар, -ча* каби) ёки синтактик муносабат билдирувчими (сўз ўзгартирувчими) эканлиги масаласи алоҳида тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбек тилининг морфологик тизими, сўз ясашиш тизими тараққиёти билан биргаликда тараққий этиб, шаклланиб борапти. Тилшуносликнинг сўз ясашиш тизимидаги тараққиёти, унинг морфология тизимининг тараққиётини белгилашда, албатта, муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзуга оид назорат саволлари.

1. Сўз ясашишига оид дастлабки илмий фикрларни келтиринг.
2. Ўзбек тилшунослигида сўз ясашишига оид қарашларни изоҳлаб беринг.
3. А.Ғуломовнинг сўз ясашишига оид қарашлари.
4. А.Ҳожиёвнинг сўз ясашишига оид қарашлари.
5. Ш.Раҳматуллаевнинг сўз ясашишига оид қарашлари.

Адабиётлар рўйхати

1. Гуломов А. Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – 163 б.
2. Гуломов А. Ўзбек тилида келишиклар // СССР ФА Ўзбекистон филиалининг асарлари. 2-серия. Филология. – Тошкент, 1941. №II.
3. Гуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1944. – Б.4.
4. Гуломов А. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // Тил ва адабиёт институти илмий асарлари. – Тошкент, 1949. № 1. – Б.32.
5. Гуломов А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1954. – Б. 67–82.
6. Тожиев Ё. Ўзбек тилида кўшма сўзларнинг ясалишига доир // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. ЎзМУ илмий ишлари тўплами, – Тошкент: 2009.
7. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.
8. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. –Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 109 б.

КИРИШ	4
I. ЎЗБЕК ЗАМОНАВИЙ МОРФОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, МАНБАЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ...8	
Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишининг илк даври лингвистик тафаккур тараққиёти кўзгусида.....8	
Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишида XIX асрнинг бошларидаги илмий қарашлар.....12	
Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишида анъанавий морфологик қарашларнинг ўрни.....29	
Ўзбек илмий тилшунослигига Европа морфологик талқинларининг кириб келиши.....49	
II. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ МОРФОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРАҚҚИЁТИ.....66	
Ўзбек замонавий морфологиясида сўз туркумлари таснифининг такомиллашиши.....66	
Ўзбек илмий морфологиясида грамматик категориялар талқинига доир қарашлар тараққиёти.....89	
Ўзбек илмий морфологиясида сўз ясаши муаммолари талқини ва унинг стандартлашуви.....108	

